


Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ВОҚИҲ ҚАЛАМ

- *Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.*
- *Қадимги юнонларда терига хат битиш одати бўлмаган. Суқротдан бу ҳақда сўралганда, “Илми тирик кишилар қалбидан ўлик қўйларнинг терисига кўчирмайман”, деб жавоб берган экан.*
- *Кимки қавм-қариндоши ортидан ўзига обрў, муқарраблик ахтарса ва ўтган аجدодлари билан кибрланса, унинг ўзи ўлик, аجدодлари эса тирик саналур.*
- *Асаларилар ўз жинсидан бўлатуриб, бекордан-бекор уядаги болни еб ётадиганларини омон қолдирмайди.*
- *Бугуннинг чорасин кўриб, эртага эҳтиёж қолдирмаган киши ақлидир.*
- *Ёлгончиликка шу қадар ўрганганлар борки, агар улардан ногаҳон “Умрингда бирон марта рост сўзлаганмисан?” деб сўрасангиз, “Рост гапириб қўйишдан кўрқмасам йўқ дер эдим”, деган жавобни эшитасиз.*
- *Қаламнинг ўчмас битиклари бўлмаганда, халқлар тарихини қаердан билар эдик?!*
- *Ҳар бир кун учун Ҳақ ва ҳақиқат ҳозирдир.*





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ
Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Бош мухаррир ўринбосари
Собиржон ЁҚУБОВ
Бўлим мухаррирлари
Султонмурод ОЛИМ
Нодира ОФОҚ
Шохсанам РЎЗИМАТ қизи
Бадий мухаррир
Ольга ЖОЛДАСОВА
Мухбир-мухаррир
Насрулло ЭҒЛАШ
Техник мухаррир
Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Абдулла АЪЗАМ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Хурид ДАВРОН
Минҳожиддин МИРЗО
Шухрат РИЗО
Сирождин САЙИД
Хайридин СУЛТОН
Абдурахим ЭРКАЕВ
Муртазо ҚАРШИБЎЙ
Дилмурод ҚУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-ракам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

(55) 508-11-45
(55) 508-11-46

tafakkurtahriiyati@mail.ru

Журнал андаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“SmartPack Print” босмахонаси. Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2-бино.

2023 йил 18 апрель куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма табоқ, 2/23-буюртма. Нашр адади 6732 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Тайёр ошга баковул. *Давра суҳбати*.....4

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Комиллик пиллапояси.....22

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Улуғбек ҲАМДАМ. Аъмо йўқотган асо.....28

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Авазбек ШЕРМАТОВ. Хитой: мафкуравий ғовлар оша.....36

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Виктор АЛИМАСОВ. Эркака йўл.....42



Ольга ЖОЛДАСОВА. “Эрксевар”

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Шодмонкул САЛОМ. Сенга тақлид қилмайман, дунё!.....48



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ. Сўз қарши-сида кўрқув.....104

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Ҳерберт УЭЛЛС. Мархум жаноб Элвешем қиссаси. *Ҳикоя*.....56

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Турсунали ҚЎЗИЕВ. Қадриятлар қоришганда. *Маданиятшунос битиклари*.....76

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Исажон СУЛТОН. Берунийнинг ақл машъали.....84

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Анвар ЮСУПОВ. Чиганоқдаги дур ёхуд Турон ва Ислоннинг илк учрашуви.....97

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Акрам АКМАЛОВ. Зулматдан нур сари.....112
Шоира ЭРНАЗАРОВА. Зидди заҳар излаб.....113

Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Ҳақ ризолигига васила.....115

Ақбар ҲАКИМОВ, Зилола АСҚАРОВА. Парвоздаги парилар.....117

Музаффар МИРЗО. Олийҳиммат кўнгили армони.....118

Олимжон ДАВЛАТОВ. Мисли Қақнус... ..120

Шерхон ҚОРАЕВ. Мажлиси хумоюн: тарих ва тадқиқ.....121

Шахло АҲРОРОВА. Халоскор ғоя.....123

Дилбар ХАЛИЛОВА. Достоевскийнинг тўртинчи жилди.....125

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127



TAYYOR OSHGA BAKOVUL

Кўчирмакашлик иллоти: сабаб ва оқибатлар

Минг машаққат билан чоп этган китобингиз сиздан берухсат кўпайтириб сотилса, жаҳл отига минасиз, албатта. Кўз нури, юрак қўрини бериб ёзган асарингизни биров ўз номидан эълон қилса-чи, фиғонингиз фалакка чиқиши аниқ. Алҳол, жамият ғирром китобфурушларнинг пайини қирқиб улгурмай, муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг бошқа бир тури – плагиат чуқур илдиз отмоқда.

Плагиат – фикр, ғоя, илмий, бадий, мусиқий асар, кашфиёту иттирони ўғирламоқ, халқона айтганда, тайёр ошга баковул бўлмоқ, бировнинг таҳоратига намоз ўқимоқ дегани.

Карл-Теодор цу Гуттенберг бундан ўн йиллар аввал Германиядаги энг бообрў сиёсатчилардан бири эди. Мудофаа вазири лавозимида фаолият юритган арбоб тез фурсатда канцлер Ангела Меркелнинг ўрнини эгаллаши кутилаётган эди. Аммо демократия қўриқчиси бўлмиш журналистлар мудофаа вазири ҳуқуқшунослик бўйича докторлик диссертациясида бошқа олимлар фикрини ўғирлаганини фош этди. Кўп йиллик “тоат-убодат” бир зумда йўққа чиқди, “истиқболи

порлоқ” сиёсатчи ошиғич равишда истеъфо берди. Олмон вазири-ку иқтибослар манбаси ва муаллифларини тўлиқ кўрсатмагани вадан шармисор бўлди. Бизда эса бутунбошли мақола, диссертация, асарлар ўзлаштирилмаяптими?.. Халқаро ҳуқуқ меъёрларида ҳам, миллий қонунларимизда ҳам ман этилганига қарамай, нега илму ижодга “ўғри мушукдай туйнукдан тушадиган”лар сафи тобора кенгайиб боряпти? Гапнинг дангалига кўчсақ, муаллифлик ҳуқуқини тўлиқ англашимизга яна қанча қовун пишиғи бор ўзи? Мамлакат равнақида тақдируламал аҳамиятга эга ушбу масалада ойдинларимизнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутинг.

Бобоқул ТОШЕВ,
Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси бошқаруви раиси, юридик фанлар доктори, профессор:



– Сўз аввалида муҳокама этилаётган мавзуга доир тушунчаларга ҳуқуқий изоҳ берсам. Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Қонунчиликка кўра муаллифлик ҳуқуқи ҳар қандай асарга нисбатан, унинг мақсади, кадр-қиммати, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Шунингдек, у объектив шаклда бўлган ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нота ёзув), оғзаки (омма олдида сўзланган, ижро этилган), овозли ёки видеоёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик), тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр), ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот) ва бошқа шаклларда эълон қилинган ва эълон қилинмаган асарларга татбиқ этилади. Бу ҳуқуқнинг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа расмиётчиликлар талаб этилмайди.

Ҳосила (таржима, ишланма асар, аннотация, реферат, хулоса, шарҳ, инсценировка, аранжировка, фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари) ва жамлама асарлар (энциклопедия, антология, маълумотлар базалари) ҳам муаллифлик ҳуқуқи воситасида муҳофаза қилинади.

Илмий адабиётларда ва ахборот материали тайёрлашда муаллифнинг розилигисиз, ҳақ тўламай, унинг исм-шарифини, манбани кўрсатган ҳолда, асардан парча олиб ишлатиш мумкин. Аммо реклама ёки даромад олиш каби тижорий мақсадларда бунга рухсат этилмайди.

Илму ижод моддий даромад, обрў-эътибор келтирадиган соҳадир. Шунинг учун ҳам айрим шахслар яширин даромад олиш ёки жамоатчилик эътиборини қозониш учун ўзгаларнинг асарларидан ноқонуний равишда фойдаланишга уринади.

Бугунги кунда плагиат асосан илмий ишлар, дарслик, монография, қўлланма, мақола ва бошқа асарларни яратишда учрамоқда. Гоҳида муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликдан беҳабарлик сабаб хато содир этилади, гоҳида эса мақсадга эришишнинг осон йўли сифатида шу усулга мурожаат қилинади.

Хорижий тилдаги адабиётларни таржима қилиб, ўзимники деб чоп этиш плагиатнинг энг кўп учраётган кўринишидир. Илмий жамоатчиликнинг бефарқлиги ортидан билими саёз тадқиқотчи-олимлар сафи кенгаймоқда. Ваколатли идораларнинг плагиатга қарши дастурлари, илмий экспертизалар эса кутилган натижа бермаётир.

Кўп йиллар олдин Самарқанддаги олий таълим муассасасида дарс берган катта бир олимнинг шогирди устозининг бир неча китобини ўз номидан чоп эттиргани аниқланди. Иш судда кўрилиб, ноқобил шогирднинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилди. Олим билан суҳбатлашганимда, “Мен китобларни кўп йиллар давомида ўтказган амалий тажрибаларим асосида ёзганман, ахир! Шогирдим қилмиши оқибатини ҳис этсин, бошқаларга ҳам ўрнак бўлсин деб масалани суд орқали ҳал этдик”, дея куюниб гапирган эди.

Кинога меҳр қўйган бир танишимиз (у киши аллақачон оламдан ўтган) фильм сценарийсини ёзиб, пойтахтдаги таниқли мутахассисга топширади ва ўзи вилоятга қайтиб кетади. Орадан ярим йилча ўтиб, сценарийсини суриштириб келса, у асосда кинокартина суратга олиниб бўлган, сценарий муаллифи сифатида эса қўлёзмага тақриз бериши лозим бўлган бояги мутахассис кўрсатилган экан...

Маълумки, мусиқий асар шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигида яратилади. Қонунчиликка кўра, бундай асар яратишдан аввал муаллифлар ўртасида шартнома тузилиши, уч томон ўзаро келишиб олиши керак. Бугунги кунда аксар хонандалар ўзига маъқул келган шеърни олади-да, бастакорга мурожаат қилади. Қўшиқ тайёр бўлгач, хонанда бастакор билан оғзаки келишади ва гўёки ўзини мусиқий асарнинг тўлиқ эгаси деб ҳис қилади. Маълум вақтдан сўнг шеъри рухсатсиз қўшиқ қилинган шоир хонандага ҳақли даъво билан чиқади.

Аввал ижро этилган куй, қўшиқ, мусиқадан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳам қонунга хилофдир. Айниқса, хориж мусиқасига ўз-

бекча сўз қўйиб куйлаш одат тусига кириб бораётир. Бу чет эллик ҳуқуқ эгаларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ўз даврида жаҳон миқёсида эътироф этилган куй-қўшиқлар бугун очикдан-очик ўғирланиб ижро этилаётгани ва бунга жамоатчилик бефарқ экани ташвишланарли ҳолдир.

Плагиат – ўғриликнинг кечирилмас тури. Чунки ўзганинг илм ва ижод маҳсулини ўғирлаш унинг қалби, тафаккури, орзуларини ўғирлаш билан баробардир. Жамият ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олмаётган муаллифнинг мушкул аҳволига томошабин бўлмоқдан уялиши керак.

Дилмурод ҚУРОНОВ, филология фанлари доктори, профессор:

– Ўзбек илм-фанида плагиат биз ўйлагандан кўра ҳам кенгроқ тарқалиб улгурди. Бу иллатнинг оммалашуви ўрта ва олий таълимдаги ислохотлар билан боғлиқ. Мактабда ва олий таълим муассасасига қабул имтиҳонидан иншо усули бекор бўлгач, ёзиш малакаси оммавий тарзда пасайди. Олий таълимга рейтинг тизими татбиқ этилгач, барча фанлардан якуний назорат таянч иборалар асосидаги ёзма иш тарзида ўтказиладиган бўлди. Тасаввур қилинг, илгаригидек сессия имтиҳонлари учун махсус вақт ажратилмайди-да, талаба семестр давомида ўтилган барча фанлардан якуний назорат иши топширади. Ҳаммага талаб бир хил – мутахассислик фанидан тортиб то жисмоний тарбиягача. Шунча фандан якуний назорат жуда қисқа вақт ичида ўтказилиши лозим. Талабада тайёргарликка вақт йўқ ҳисоби. Ўқитувчилар яхши эсласа керак, ўша йиллари кутубхоналардаги кўплаб ўқув адабиётларининг варақлари йиртиб олинган... Кейинроқ янги технологиялар оммалашди: осонгина телефондан кўчириладиган бўлди. Табиийки, қисқа вақт ичида ёзилган ва уч кун ичида баҳоланиши талаб этилган ёзма ишларни текшириш кўнгилдагидек бўлмайди. Деярли ҳамма ишда бир бошдан кўчириш ҳолатига дуч келсангиз-чи!.. Ҳақиқий баҳони қўйсангиз – “ишламаган”га чиқасиз, янги тартибнинг номақбул жиҳатларини айтсангиз – “тараққиёт душмани” аталасиз, хуллас, ноилож кўнилади. Оқибатда эса илмда плагиат одатий ҳолга айланди.

Аслида, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ: ҳозир кўпчилиги билим олишни тестга тайёрланишгина деб билган, қалам-ручкадан кўра клавиатурада тезроқ ёзадиган, саволларга санокли сонияларда телефонидан муфассал жавоб топиб берадиган авлод “илм қиляпти”... Шулардан бири – докторлик (DSc) ёзаётган олима



тахририятимизга келиб мақоласи тақдирини сўради. “Мақолангизнинг фалон фоизи кўчирилган экан, бериб бўлмайди” десам, “Китоблардан олдим-да, ҳамма ҳам шундай қилади-ку! Китобдан фойдаланмасам қандай ёзаман?” дея таажжуб изҳор этди. Ҳазилга йўйиб хижолатдан чиқмоқчимиз десам, йўқ, жиддий ва самимий гапиряпти. Яъни унда плагиат ҳақида тасаввурнинг ўзи йўқ, қилмишини мақбулу манзур деб билади... Негаки, талабалик даврдан шундай қилиб келган, унга биров танбеҳ бермаган.

Илмий кенгашларни ҳозир шундай қараш-кайфият эгаллай бошладики, плагиатга қарши курашиши лозим бўлганлар ҳам унга панжа орасидан қараётир. Яқинда ўтган ҳимоялардан бирида “Диссертант фалон-фалон саҳифаларда рус тилидаги мақолани ўзлаштирган” дея аниқ далиллар билан эътироз билдирилса, янги докторлардан бири “Диссертация тил назариясидан, бу йўналишдаги ишларда шундай бўлиши табиий” дея кўчирмакашни оқламоққа уринди. Начораки, илмий ишлар ҳақида ҳуқм чиқариш энди шу йўсин ўйлайдиганларга қолмоқда... Йўқ, мен катта авлодни ёқлаш, охирги сўз шуларники бўлсин деган фикрдан мутлақо йироқман. Негаки, айрим катталар ҳам шароитга бинойидек мослашган: “Ҳарҳолда ўзи ёзган-ку!” деб хом-хатала ишларни ҳам ёқлайверади. Энг ёмони, муҳокамадаги ишнинг муаллифлик ҳуқуқига доир камчиликларини очсангиз, сизга бадҳоҳга қарагандек қарашади. “Ҳай-ҳай, бировнинг яширин айбини очиқлаш гуноҳ” дея каминага насиҳат қилинганига нима дейсиз!

Аниқки, илмий кенгашлар рисоладагидек ишласа, иллат бунчалар маддалаб кетмас эди! Кенгаш аъзолари ҳам одам-да – бири хеш, бири табор бўлса, эртами-индин шогирди ҳимоя қиламан деб турса... – шуларнинг риоясига кўз юмилади. Хуллас, айрим кенгашлар янгича талқиндаги “бағрикенглик” сиёсатига ўтиб олган: “ўзи ёзган...”, “аёл боши билан шунча иш қипти-я...”, “ёшларни қўллаб-қувватлаш керак...” сингари даъволарни рўқач қилганча бўш ишларни ҳам ўтказиб келяпти...

Хўп, кенгашлар ўтказса ўтказаетгандир, лекин уларнинг ишини назорат этувчи ОАК нима қилипти? Тўғри, ОАК диссертацияларни ҳимояга қадар антиплагиат дастурида текширади. Бироқ бу дастур ё текширувни ишончли бажармайди, ё уни “айланиб ўтиш” йўли бор. Сабаби – камина ушбу тизимда текшириб ҳимояга қўйилган диссертацияларда ҳам плагиат ҳолатларини аниқлаганман...

Плагиат – ўғрилиқ, бас, унга қўл урган одам шунга яраша жазо олиши шарт! ОАК Низомида ҳам аниқ-тиниқ баён қилинган: “*Ўзганинг материалидан унинг муаллифи ва манбасини кўрсатмасдан*

фойдаланилган ҳолларда диссертация, у қайси босқичда кўрилаган бўлишидан қатъи назар, муҳокамадан олиб ташланади ва талабгор ушбу мавзу бўйича диссертацияни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади”. Афсуски, бу талабга тўлиқ риоя этилмаяпти. Йўқса, иш кенгашга топширилиб, кенгаш қошидаги семинар ҳимояга тавсия қилганидан сўнг антиплагиат текшируви ўтказиш ва кўчирмакашлик ҳолатларини кўрсатган ҳолда яна кенгашга қайтариш Низомга зид эмасми?! Иш кенгашга топширилган экан, ҳимоя жараёни бошланган саналади-ку! ОАК эса “бағрикенглик”-дан диссертантга матндаги плагиатни дастур аниқлай олмайдиган тарзда таҳрир қилиш учун шароит яратиб берапти. “Бағрикенглик” дея бежиз киноя қилмадим: бу идора раисига бир диссертациядаги плагиат ва кўчириб олинган манбани аниқ кўрсатиб ёзган хатим жавобсиз қолди...

Рости, йигирма йиллар нарида аспирантурага берилган ўрин бўш қолмасин деб одам излаганмиз. Ҳозир қабул расмана танлов асосида ўтпапти, кези келганда бир ўринга ўнтадан талабгор бор. Сабаби – моддий манфаатдорлик икки-уч баравар ўсган. Лекин талабгорлар тақдим этган мақолаю тезисларнинг аксариди плагиат учрайди. Илмдаги илк қадамни фирромлик билан бошлаганлардан эртага нима кутиш мумкин?! Демак, талабгорларнинг мақола ва тезислари жиддий экспертиза қилиниши зарур.

Ҳозир моддиятни ўйлаб илм қиладиганлар ҳам кўпайди. Тўғри-да, амаллаб диссертация ёқлаб олса, мўмай маош тайин, камига фалон фоиз устама, яна ўриндошлигу соатбай... Фирромликка одатланган одам бошқа “даромад”дан ҳам парҳез қилмаса керак... Ачинарлиси, улар яна йигирма-ўттиз йил давлатнинг илм-фанга ажратган маблағини кемириб ётади. Бу эса инсофу адолатга хилофдир! Олий таълим муассасалари молиявий мустақилликка ўтар экан, бунақа “олим”лар илм даргоҳи оёғига тушов бўлади. Шундай экан, элакни кўтариш, саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш даркор: сўнгги беш йил давомида ёқланган, ҳимоя жараёнида ёки ундан сўнг эътирозларга сабаб бўлган диссертацияларни қайта текшириш зарур. Бу иш олий таълим муассасалари илмий кенгашларига юклангани маъқул, чунки жамоалар ким асл олим эканини яхши билади.

Плагиат ҳолати аниқланган ишлар ОАКка маълум қилиниб, қоидабузар илмий даражадан маҳрум этилса, шунинг ўзиёқ кўчирмачиликни кескин пасайтиришига аминман. Энг асосийси, “илмий даражалилар сонини ошириш” вазифаси “илмий даражалилар сони ва сифатини ошириш” тарзида қўйилмоғи керак.



Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
академик, ЎзФА Астрономия институти
директори:

– Плагиат муаммоси ижод ва фикр аҳлини кўп замонлардан бери ташвишга солиб келади. Ҳатто буюк драматург Уильям Шекспир бошқа ижодкорларнинг шеър урфусаларини ўз номидан эълон қилган, деган гап юради. Тарихда ўтган воқеаларга қозилик қилмоққа даъвом йўқ, келинг, яхшиси, ўзим гувоҳ бўлган ҳодисани сўзлаб берай.

1994 йили Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги халқаро миқёсда нишонланган, мамлакатимизда ҳам қутлуғ санага бағишланган анжуманлар ўтказилган эди. Пойтахтимиздаги нуфузли университетда уюштирилган халқаро анжуман учун олти юзга яқин маъруза юборилгани эсимда. Ташкилий қўмита аъзоси сифатида тезисларни синчиклаб ўрганиб чиққанман. Буни қарангки, юзлаб матндан биронта пичоққа илинадигани топилмаган! Барча маърузалар учасосий манба – шарқшунос Василий Бартольд, академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий ва Астрономия институти директори Владимир Шчегловнинг рисола ва мақолаларидан кўчирилган эди... Бу ҳолат, мана, салкам ўттиз йилдан бери давом этмоқда. Аммо Мирзо Улуғбек мероси тадқиқига бағишланган оригинал мақолаларни санасангиз, бармоқларингиз ортиб қолади.

Рақобат авжига чиққан бугунги даврда ихтирочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозир бирон маҳсулот таннархини атиги бир неча фоизга камайтириш, уни такомиллаштириш наинки юқори малакали ихтирочилар меҳнати, балки миллионлаб доллар маблағ талаб қилади. Масалан, ҳар йили “iPhone” брендига мансуб маҳсулотларнинг янги авлоди тақдим этилади. Меҳнат маҳсули ва даромадни бошқа ширкатлар илиб кетмаслиги учун интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, патент каби тушунча ва ҳимоя механизмлари жорий қилинган. Мутараққий дунёда бировнинг ихтиросини ноқонуний равишда истифода этишга, яъни плагиатга асло йўл қўйилмайди. Бу нафақат саноат, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларига тегишли талабдир.

Плагиатга қўл урган тадқиқотчи жамиятга мислсиз зиён келтиради. Илмий даража олимга илмий муассасада раҳбар лавозимларда ишлаш, кенгаш аъзоси бўлиш имконини бериши маълум. Нопок йўл билан илмий даражага эга бўлган кимса эса моддий манфаат эвазига ўзи каби қўлбола олимларни кўпайтириши аниқ.

Муштарийларда “Бундай ҳолатларнинг олдини олувчи назорат органи – Олий аттестация комиссияси бор-ку! Нега чора кўрмайди?” деган савол туғилиши табиий.

Аввало, ОАК диссертациялар мавжуд тартиб-қоидага мос равишда ҳимоя қилинганини назорат этади. Бу идора антиплагиат дастури орқали фикр, ғоя, матн кўчирилмаганини ҳам текширади. Дастурнинг инглиз, рус ва ниҳоят ўзбек тилидаги матнларни текширадиган талқинлари яратилган. Лекин матнни таржима орқали ўзлаштириш ҳолатларини аниқлаш учун янада мукамал дастур керак бўлади.

Сўнгги йилларда хорижда “фэйк”, яъни алдамчи нашрлар кўпайиб кетди. Бу борада айниқса Ҳиндистон олдинги ўринда. Интернетда фирибгарларнинг SCOPUS маълумотлар базасига киритилган, юқори импакт-факторга эга журналларга илмий мақола қабул қилиниши ҳақидаги эълонига бот-бот дуч келамиз. Бундай журналлар 100-200 доллар эвазига мазмунан саёз, илмий мезонларга мувофиқ келмайдиган, ҳатто дангал ўғирланган мақолани чиқариб беради. Суриштириб кўрсангиз, “нуфузли нашр” деганлари на SCOPUS рўйхатига киритилган, на юқори рейтингга эга! Хайриятки, хорижда шаънига гард юқтирмайдиган, сохтакорликка мурасасиз журналлар ҳам бор.

Бир неча йил аввал кўшни мамлакатдаги университетнинг юбилей тантанасида иштирок этдик. Одатда, бундай тантаналарга донгдор меҳмонлар таклиф қилинади, уларнинг келди-кетди харажатлари тўлиқ қопланади, иштирокчилар қуюқ зиёфат, совға-салом билан сийланади. Меҳмонлар ҳам мезбон муассаса шаънига илиқ сўзлар айтиб, интервьюлар беради. Тарки одат – амримаҳол, кўшни мамлакатдаги юбилей ҳам шундай ўтди. Тантанадан кейин ташкилотчилар илмий тўплам учун иштирокчилардан маъруза матнини сўради. Анжуман жиддий мунозарасиз кечгани сабаб биз ҳам аксар иштирокчилар қаторида аввал чоп этилган мақолаларимиздан “йиғинди” маъруза тайёрлаган эдик. Уни яна бир қарра таҳрир қилиб бердик. Ташкилотчилар тўпламни Нидерландиядаги “Kluwer Academic Publishers” деган нуфузли нашриётга тақдим этибди. Бир оз вақт ўтгач, нашриётдан “Тўпламга киритилган мақолаларнинг 85 фоизи аввал босилгани сабабли уни чоп эта олмаслигимизни маълум қиламиз. Тўпламни бизнинг нашриётда чиқармоқчи бўлсангиз, оригинал мақолалар йиғиб юборишингизни сўраймиз” деган мазмунда жавоб келибди. Мана, буни жиддий ёндашув деса бўлади! Аслида, тўплам плагиат маҳсули бўлмаган. Муаллифларнинг айби эски мақолалари асосида янги материал тайёрлагани, холос.

Буюртма ҳисобидан кун кўрадиган нашриёт номни тоза сақламоқ учун нақд фойдадан ҳам воз кечган...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бугунги кунда иқтисодиёт ривожига илмий ишланмалар ва инновацияларнинг роли ошиб бораётганини теран англаган ҳолда фан равнақи йўлида тизимли ислохотларни амалга оширмоқда. Олимларнинг маоши кўпайтирилгани, улар уй-жой билан таъминланаётгани, замонавий лабораториялар барпо этилаётгани, ёш тадқиқотчилар жаҳоннинг етакчи илмий марказларига юборилаётгани, илм аҳлининг жамиятдаги нуфузи мустаҳкамланаётгани шу сирадаги чора-тадбирлардир. Хўш, илмий ишларнинг самарадорлиги шунга муносиб тарзда ошяптими? Афсуски, ундай эмас.

Етакчи олимлар, зиёлилар – миллатпарвар ватандошлар ўзбекиона андишани бир четга суриб, савиясиз илмий ишлар, ўғрилиқ маҳсули бўлган диссертацияларга нисбатан аёвсиз муносабатни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай муҳит яратайликки, илмга суқилиб кирмоқчи бўлган кимсалар “дарвоза” даноқ ортга қайтсин, минбаъд нопокликка журъат этмасин!..



Шаҳноза СОАТОВА,
публицист, жамоат фаоли:

– Негадир интеллектуал ўғрилиқни енгил санаймиз, бефарқ-лоқайдмиз, кези келганда уни ҳатто оқлаймиз ҳам. Бу, айниқса, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва қўшиқчи Санжай мижаросида билинди-қолди. Умуман, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ судлашувлар жамиятнинг бу муаммога муносабати янглиш эканини кўрсатмоқда.

Бирон шоирнинг шеърини сўроқсиз ўзгартириб, асл мантиғи ва фалсафасини бузиб куйлаган хонанда – қаҳрамон (“яхши куйлади, шеърни ва шоирни машҳур қилиб берди”), ҳаққини даъво қилган муаллиф эса – аксилқаҳрамон (“ношукр экан, ўзини биров танимаса, пул учун судлашяпти-ёв”) аталади. Биз бу борада терс бир муҳитда яшаётгандекмиз.

АҚШда талаба курсдоши кўчирмакашлик қилганини ўқитувчига айтиб берса, номаъқул ишни фош этди дея олқиш олади. Бизда эса кўчирмакашлик оддий ҳол, қўлга тушиб қолса, нари борса огоҳлантириллар, лекин жиддий жазоланмайди. Бордию кимдир буни ошкор қилгудек бўлса, сотқин аталади.

Шўро қатағонидан мерос тарихий анъана бирон бир маълумотни ошкор этишни қораламоққа ундайди. Муаллифнинг ўз ҳақини

талаб қилиши билан хабаркашлик иллоти еру осмонча фарқла-нишини эса тушунгимиз келмайди. Аҳвол шу даражадаки, интел-лектуал мулкни ҳимоя қилиш учун даъво бошлаган муаллифлар “Одамлар билмасин, мени сазойи қилишади” деб қонуний хатти-ҳа-ракатини ҳам яширишга уринади. Биз тескари “қадрият”лар ҳукми остида яшяпмиз!

Бунинг асосий сабаби – ақлий меҳнатнинг қадрини билмаслик. Албатта, халқнинг иқтисодий ҳолати ҳам аҳамиятга эга. Дейлик, асл пойабзал фалон минг сўм, унинг нусхаси эса ўн барабар арзон бўл-са, халқ камхаржини олади. Бировнинг ҳаққи, муаллифлик ҳуқуқи деб ҳар қанча бонг урманг, чўнтак кўтармас экан, барча уринишлар фойдасиз. Бу ҳол ёпиқ доирани ёдга солади: аҳоли қўли юпқалиги важдан муаллиф ҳаққига риоя қилмайди, бошқа томондан, жамия-ят муаллиф ҳаққига риоя қилмагунча камбағалликдан қутулол-майди. Боз устига, мамлакатда муаллифлик ҳуқуқига риоя этилма-ётгани, ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам бунга бефарқлигини кўрган инвестор асло сармоя киритмайди.

Шу тахлит хорижнинг арзон, сифатсиз молларини истифода этиб умр ўтказамиз. Ўзимизнинг олтинбошлар четга ҳижрат қи-либ, у ерда моддий неъмат яратади. Биз эса уларнинг молини ўн, юз барабар қиммат нарҳда сотиб оламиз. Шу тарзда “учинчи дунё” тамғасидан қутулолмай юраверамиз.

Ҳар гал хориж сафарига чиққанимда аэропортларда ҳамюрт-ларимнинг зил-замбил жомадон судраб юрганига гувоҳ бўламан. Ватандошларимиз четдан китоб, антиквариат ёки бирон маданий атиқа келтирса қани – асосан кийим-кечак, егулик ташийди. ХХI асрда-я! Нега? Бизда брендлар камлиги сабаб ким хорижга чиқса, кўзи очдек дўконларга чопади, жомадонини ажнабий маҳсулот би-лан тўлдиради. Фикр, ғоя ўғирланган мамлакатдан бренд эгалари ҳам оёғини тортади-да!

Бу ҳол нафақат саноат ва бизнес, балки илм, ноширлик, санъатга ҳам хос. Ношир яхши муаллиф топиб, унга қаламҳақи бериб асар ёздиради, хориждан нашр ҳуқуқини сотиб олади. Қанча харажат ва ҳаракат қилиб китобни нашр этади, бозорга чиқаради, маҳсулоти-ни овоза қилиш учун ҳам маблағ аямайди. Бироқ китоб энди тилга тушганида қароқчилар уни арзон-гаровга пуллаб чўнтак қаппай-тиради. Сўнгги йиллари бу борада Телеграм каналлар учар бўлиб кетди. “Маърифат тарқатяпмиз” деган даъво билан китобларнинг электрон нусхаси каналларга жойланади. Асл мақсад – минг-минг обуначи йиғиш ва рекламадан пул ишлаш! Шўрлик ношир чапак чалиб қолаверади.

Ўғриликларнинг ортидан қувиб, ҳуқуқбузарларни жазолаб сама-рага эришмоқ мушкул. Телеграм гуруҳи маъмурини топиб жавоб-гарликка тортганингиз билан, эртага у аноним тарзда бошқа бир канал очиб, қинғир ишини давом эттираверади. Уларни фақат кўп-чилик бўлиб, маънан етук халқ тўхтата олади. Ўғирланган маҳсу-лотларни бойкот қилиб, ўша каналларга обуна бўлмай, плагиатни оммавий тарзда қоралаб! Бироқ бунинг имкони бормикан?..

Ижтимоий тармоқларда муаллифлик ҳуқуқи борасида кўп баҳслашаман. Гоҳо ўқимишли инсонлар ҳам интеллектуал ўғри-ликни ёқлашдан ҳайрон бўламан. Тўрт қатор оҳорли матн ёзиш машаққатини бошдан кечирган одам ақлий меҳнат маҳсулининг ўғирланиши нақадар аламли эканини теран ҳис этади.

Муаммо сабаблари талайгина.

Биринчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияла-ри воситасида маълумотларни унинг муаллифи, ҳуқуқ эгаси рухса-тисиз ўзлаштириш осон ҳамда арзон ишга айланиб қолди.

Иккинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари интеллектуал мулк соҳаси бўйича ўзига юкланган вазифаларни тўлиқ бажарма-ётир. Қолаверса, бу борада идоралараро ҳамкорлик йўлга қўйил-маган. Яъни давлатнинг ўзи бу иллатга қарши бир муштга дўниб кураша олмаяпти.

Учинчидан, интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва қоплаш бўйича тегишли механизм жорий этилмаган.

Тўртинчидан, аҳоли бу бўйича етарли билим, кўникма ва ҳуқуқий маданиятга эга эмас.

Ахлоқ пойдор бўлмаган жамиятда қонун устуворлиги ҳам, та-раққиёт ҳам йўқ. Биз эса тобора ахлоқдан йироқлашиб боряпмиз: бировнинг ҳаққидан кўрқмаймиз, ўғриликка енгил қараймиз, фақат ўзимизни тўнасаларгина адолат талаб қиламиз. Аччиқ бўлса-да тан олиш керакки, жамият деб атаётганимиз бу бирлашма ҳали рас-мана жамиятга айланмаган. Ёпиқ ҳалқани бузиш, жараённи тўғри ўзанга буриш керак, ахир!

Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг – 45, Хи-тойда – 12, Россияда эса 7 фоизини ташкил этади. АҚШ, Германия, Япония сингари мутараққий давлатларда ЯИМ ўсишининг 80 – 95 фоизи техника ва технологиялар ҳиссасига тўғри келади. Демак, қаерда ақлий меҳнат қадрланса, ўша ерда инсон шаъни баланд, қорни тўқ, адолат устувор бўлади. Илм-фан ва инновацияни ривож-лантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қийматли маҳсулотга ай-лантириш учун ҳам интеллектуал мулкнинг ишончли муҳофазаси таъминланиши лозим.

Бировнинг тилла соатини ўмариш билан ўзганинг асарини ўзи-ники қилиш ўртасида фарқ мавжуд эмас. Ана шу нуқтаи назарни бутун жамиятга сингдириш, плагиатнинг улкан зиёнини тушун-тириш, мухтасар айтганда, ижтимоий онгни ўстириш керак. Энг асосийси, давлат ҳам бу ишга жиддий киришмоғи лозим. Гарчи “популистик” бўлмаса-да, “очко” келтирмаса-да, жазони қаттиқроқ ва муқаррар қилиш, интеллектуал мулк ҳимоячилари ҳамжамият-ларини рағбатлантириш каби чораларни кўриш вақти келди. Унут-майликки, бу иллат косамизни оқартирмайди, унинг касрига куч-лилар қаршисида заиф ва тобе бўлиб қолаверамиз.

Иқболжон ҚОРАБОЕВ,
халқаро ҳуқуқ доктори (Тулуза университети,
Франция):

– *Plagiaire* истилоҳи француз тилида бир неча асрдан бери мавжуд. Бу сўз илк марта XVI асрга оид ёзма манбаларда учрайди. У бошқаларнинг қулини ўғирлаган ёки ҳур инсонларни қул қилиб сотган шахсларга нисбатан ишлатилган. Эндиликда маз-кур атама академик ахлоқ ўзак тамойилларининг поймол этилишини англатади.

Ғарб мамлакатлари бу иллатга қарши тизимли, муросасиз кура-шади. Франциядаги атоқли олимлардан Этьен Клайн билан боғлиқ ҳодиса ҳам жамият ва илмий жамоатчилик плагиатдан қанчалик ҳазар қилишини кўрсатди.

Физика ва фан фалсафаси бўйича етук мутахассис бўлган Этьен Клайн илм-фанни оммалаштириш йўлидаги хизматлари туфайли ҳам мамлакатда обрў-эътибор қозонган эди. Унинг фан йўналиш-лари ва машҳур олимларга бағишланган китобу мақолалари қўл-ма-қўл ўқилган. 2016 йили Франция президенти Франсуа Олланд олимни жамиятда илм-маърифатга бўлган рағбатни ошириш-га масъул Фан ва технологиялар бўйича тадқиқотлар институти (IHES) директори этиб тайинлаган эди. Кўп ўтмай, “L’Express” нашри Э.Клайннинг Альберт Эйнштейн ҳаётига бағишланган кито-бида француз ва хориж олимлари асарларидан кўчирилган матнлар борлигини аниқлаб мақола эълон қилди. Олим бу даъвои рад эт-гач, “L’Express” журнали муаллиф бошқа асарларида ҳам плагиатга қўл урганини фош этувчи навбатдаги суриштирувни чоп этди. Ғишт қолипдан кўчган эди, ҳуқуқат мазкур ҳолатни ўрганишни тўрт на-фар олимдан иборат мустақил комиссияга топширди. Комиссия ўз ҳисоботида Э.Клайннинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бермаган бўлса-да, у институт директорлигидан кетиши тавсия этилди. Пи-ривардида физик олим лавозимидан озод қилинди.



Дарҳақиқат, плагиат жамият равнақига путур етказди, илм-фанга бўлган ишонч ва ҳурматни поймол этади, иқтисодиёт ва инновациялар учун ажратилган маблағлар ҳавога совурилишига олиб келади. Шу мавзунини кўп йиллардан бери тадқиқ этиб келаётган швейцариялик профессор Мишель Бергада плагиатнинг жамият, фан ва таълим тизимига зарарларини санар экан, бу иллат академик билим муҳофизлари – илмий журналларни ҳам ёмонотлиқ қилишига эътибор қаратди.

Алдам-қалдамга муккасидан кетган тадқиқотчи жаноблари, гарчи ўзи номуносиб бўлса-да, илмий даража ва академик унвонларга эга чиқади. Интеллектуал ўғрилиқ авж олган тизимда сохтакорлар мукофотланиб, ҳалол тадқиқотчилар панада қолади.

Интернет ва ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда плагиат, таъбир жоиз бўлса, пандемияга айланиб бормоқда. Аввало, бу иллатга қарши кураш кўп вақт ва катта харажат талаб этишини қайд этиш жоиз. Қолаверса, фикр ва ғоя ўғрилигининг олдини олиш учун маъмурий, жинорий чоралар кўриш билан бирга жамиятда огоҳликни ошириш ҳам талаб этилади. Бу борада Европа тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Европа кенгаши Таълим соҳасида этика, очиқлик ва тўғрилиқ платформасига (ETINED) асос солган. Францияда эса 2017 йили Илмий ҳалоллик идораси ташкил қилинган. Унинг асосий вазифаси умуммиллий даражада илмий ҳалоллик меъёрларини муҳофаза этиш ва тарғиб қилишдан иборат. Кўҳна қитъа профессор-тадқиқотчилари ташаббуси билан таъсис этилган Европа академик ҳалоллик тармоғи (ENAI) ҳам илм-фанда учрайдиган номақбул иллатларга қарши курашда намуна бўла олади. Франция парламентининг юқори палатаси (сенат) 2021 йилда нашр қилган “Илмда ҳалоллик маданиятини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш” деб номланган 143 саҳифали ҳисобот ҳам академик ҳалоллик масаласи давлат учун қанчалар муҳимлигини тасдиқлайди.

“Илм-фан ва санъатда плагиат ҳодисаси интеллектуал сохтакорлик ўлароқ намоён бўлади. Агар талабалар орасида учрайдиган фикр ўғрилигини хомлик ва ғўрликка йўйиш мумкин бўлса, олимлар ва санъаткорларнинг бундай қилмишини биродаркушлик жинояти деб баҳолаш мумкин”, дейди Ренн университети профессори Александр Серрес.

Олимнинг таъкидлашича, илмий сохтакорлик ҳеч қачон беихтиёр содир этилмайди, ғирром усулни маъқул кўрган муаллиф онгли равишда бу қилмишга қўл уради. Илмдаги сохтакорлик-

нинг бадали эса бошқа соҳалардаги қинғирликлардан кўра бир неча баравар оғирроқдир.

Мураккаб феномен бўлган плагиатга қарши кураш хамирдан қил суғургандек осон кечмаслиги табиий. Тажрибасизлик ёки эҳтиёсизлик сабаб сохтакорликка қўл урган толиби илмни тўғри йўлга солмоқ мумкин, аммо бу қилмишни онгли равишда содир этганларни қандай тарбияламоқ керак? Бизнингча, бу борада ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий чораларни уйғун ҳолда қўлламоқ лозим.

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН,
шоир, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори:**



– Ҳозирги кунда ижодкорлар муаллифлик ҳуқуқи масаласида ўзи курашиши зарур бўлиб қол-япти. Мен ҳам адабий-илмий ижодда плагиат ҳолатига кўп бора дуч келганман. Бир неча йил аввал кўчирмачи қаламкаш ва қўшиқчилар билан судлашишгача борганман, пировардида улар жавобгарликка тортилган. Ўтган йили ҳам шундай можаролар бўлди.

Яна бир шеърим ўғриланиб, қўшиқ қилинган экан. Аниқроғи, шеърим асосида янги бир “шедевр” ёзилиб, куйга солинган. Қўшиқчини топиб, плагиатга қўл ургани, бунинг учун қонуний жавобгарлик борлиги, қолаверса, асар муаллифнинг рухсати билангина ижро этилиши кераклигини батафсил тушунтирдим. Аммо тайинли жавоб ололмадик. Бу орада кечган асаббузарликларни айтмай қўяқолай...

Ҳолат юзасидан дастлаб Интеллектуал мулк агентлигига (ҳозир департамент) мурожаат қилинди. Бир вақтлар бор-йўқлиги ҳам билинмайдиган агентлик Адлия вазирлиги таркибига ўтгандан сўнг бир қадар жонланганини эшитиб шундай йўл тутгандик. Аммо ташкилот ходимларининг, аяброқ айтганда, масъулиятсизлиги оқибатида неча ойлаб шу ғалва билан андармон бўлдик. Ажабо, ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўзи ҳуқуқини талаб қилганларни хушламай турса-я!..

Кузатишимизча, Адлия вазирлиги, унинг вилоят бошқармалари ва бошқа идораларда муаллифлик ҳуқуқи бўйича малакали мутахассислар етишмайди. Ҳатто судьялар орасида масалани тузук-куруқ тушунмайдиганлари учрайди. Айтаман деса, анча гап бор... Дарвоқе, Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекконцерт” ва бошқа ижодий ташкилотлар ҳам бу масалага жиддийроқ қараши лозим эмасми?!

Сирасини айтганда, жамоатчилик назорати сустиги, масъул ташкилотлар ўз ишини рисоладагидек уддаламаётгани, судларда

муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ тажриба шаклланмагани боис айна ижод қиладиган, изланиб-ўрганадиган паллада бундай ғалвалар муаллифларнинг вақту асабига эгов бўлаётир.

Муаллифлик ҳуқуқига доир ишларнинг ОАВда ёритилиши ҳам кўнгилдагидек эмас. Кейинги вақтларда плагиат мавзусида бирон жўяли, таҳлилий материал эълон қилинганини эслай олмайман. Сайт ва электрон нашрлар “фалончи судга берилди” дея шов-шув кўтариш билан овора. Ҳаваскорларча ёзилган хабарларни ўқиган замондошда ҳуқуқбузар эмас, қонуний ҳақини талаб қилган шахс айбдор деган таассурот уйғонади. Ҳа-я, нима учундир бизда ҳали ҳам судга мурожаат қилганлар хушланмайди. Ахир, бу – масалани ҳал этишнинг энг маданий йўлларида-ку! Ижтимоий тармоқдаги муҳокамаларда эса аксар одамлар мавзунини тушуниб-тушунмай оғзига келганини ёзаётир. Афсуски, бугуннинг ижодкори ана шундай чаласавод, фикрлаш неъматидан бенаиб, китоб ўқиш тугул, ўз исмини ҳам тўғри ёза олмайдиган тўда билан ҳисоблашмоққа мажбур. Бу бобда аксар зиёлимани деганининг ҳам аҳволи беҳроқ эмас...

Шеър ўғрилиги бўйича судлашувимизда ҳам шу ҳол кузатилди. Суд камтарона жарима белгилади, маънавий зарар суммасини эса айтмоққа ҳам уяласиз... Фигонимиз ошиб юрган кезларда плагиатга доир ушбу суд иши натижаси ҳаммаёқда овоза бўлди. Адлиянинг вилоят бошқармаси интернетда “фалончи шоир шеърини рухсатсиз қўшиқ қилгани учун фалончи хонандани судга берди ва қўшиқчи жаримага тортилди” деган мазмунда узуқ-юлуқ хабар эълон қилди. Аксар сайтлар воқеа тафсилотини ўрганмай, вазиятни суриштирмай ўша чалкаш маълумотларни кўчириб тарқатди. Бу ўринда бошқарма ходимлари ҳам, ОАВ вакиллари ҳам ахборот етказишда касб этикасига риоя қилмаганини алоҳида қайд этиш керак. Оқибатда кўпчилик янглиш хулоса ясади: гўё шеърим рухсатсиз қўшиқ қилинганини эшитиб дарров судга чопганман. Одам ҳам шу қадар анойи бўладими! Асосий масала шеър рухсатсиз қўшиқ қилинганида эмас, ижодий ўғрилик юз берганида-ку!

Плагиат сабаб жаримага тортилганларни кўпчилик жабрдийда ўлароқ кўраётгани ажабланарли. Баъзи ижод кишиларининг бу борадаги илмоқли гапларини эшитиб яна ўйланиб қоласиз: аслида, шу қавмнинг ўзи муаллифлик ҳуқуқи бузилишига қарши курашда олдинги сафда бўлмоғи керак эмасми?!

Плагиат ҳодисаси олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларида ҳам урчимокда. Мана, яна бир мисол. Вилоятлардаги университетлардан бирида ҳимоя қилинган магистрлик ишида PhD диссертациям материаллари, хусусан, матбуот ва интернетда эълон қилган

мақолаларимдан саҳифа-саҳифа кўчириб олинбди. Магистрант-ку бироннинг меҳнат маҳсулини ўзлаштиришдан уялмабди, унга йўл кўрсатадиганлар, илмий раҳбар нега жим қараб турди экан?

Ушбу ҳолат юзасидан университет раҳбариятига мурожаат қилдик. Келинг, тафсилотларни дастурхон этиб ўтирмайин, аммо, очиғи, ОТМ раҳбариятининг масъулиятни соқит қилишга урингани, педагог-ходимлар эса кўчирмакашлик ҳолатига “Шунга ҳам ота гўри қозихонами!” қабилида муносабатда бўлганидан музтар-мутаассир бўлдим. Тасаввур қилингки, шу каби кўчирмакашлар кейинроқ докторлик диссертациясини ёқласа, илмий даражага эга бўлиб, соҳада жавлон урса! Ким билсин, яна қанча юмалоқ-ёстиқ қилинган “илмий иш”лар бор экан?! Илмга, ижодга ёлғон билан кириб келаётган ёшларнинг келажаги ҳақида ёруғ сўз айтиш қийин. Олий таълим масъуллари, илмий тадқиқот институтлари мутасаддилари бу масалага алоҳида эътибор қаратмоғи даркор.

Интеллектуал мулк ўғрилиги инсонийликка ҳам, қонунчиликка ҳам зид, шаръан эса ҳаромдир. Наҳот шу оддий ҳақиқатни англаб етмаймиз?!

Ривожланган давлатларда муаллифлик ҳуқуқини бузганлар катта жаримага тортилади, ҳатто қамалади. Энг асосийси, “ижодий қароқчи”лар жамият нафратига учрайди. Биздаги “ўғригина ижодкор”лар эса ҳозирча енгил таъзир билан қутулиб қолаётир.

Ҳар бир инсон, айниқса, ижодкорлар муаллифлик ҳуқуқи бузилишига мурасасиз бўлмоғи лозим. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳадеб ура-ура қилавермай, ўз ишига виждонан ёндашиши даркор. Оммавий ахборот воситаларида ҳам бу мавзу мунтазам ёритилиши керак. Шояд, жамият бунинг қанчалар хавfli жиноят эканини англасса!..

Раҳмон Қўчқор, адабиётшунос олим:

– Аввало, бир масалани аниқлаштириб олишимиз керакка ўхшайди: олим, шоир-ёзувчи бўлмоқ, санъаткор рутбасига эришмоқ – белни оғритмай пул топиш, ёқани кир қилмай тирикчилик ўтказиш, жамиятнинг хурматга лойиқ аъзосига айланиш деб талқин қилиниши тўғрими? Жамиятимизда ана шу қараш аксиома тусини олгани камолотдан даракми ёхуд фалокатдан?

Хоҳ Машриқ, хоҳ Мағриб тарихида илму ижод йўли равон ва осон кечган бирон йирик олим, санъат ва адабиёт намояндаси топилармикан? Арастуға осон бўлганми ёхуд Афлотунга? Балки бепоён дашт-



нинг изғиринли шамолида билга хоқон тошбитигини дарж этган муаллиф роҳат топгандир?! Ибн Сино ёки Форобийнинг, Беруний ёхуд Мирзо Улуғбекнинг қай бир илмий кашфиёти эътирозсиз қабул қилинган? Бруно, Насимий ва Машрабни нега дастурхон тўрига эмас, олов ва дор остига келтирдилар? Поль Гоген нечун моховга чалиндию Абдулла Тўқай ва Усмон Носир нега тонгда қон тупурди? Эркин Воҳид ёки Рауф Парфининг, Гулчехра Нуриллаева ё Шавкат Раҳмоннинг беғам-беташиш юрганини биров кўрганми?..

Шу янглиғ саволларга жавоб топмагунимизча, ҳар биримиз бу борада виждоний қарорга келмагунимизча аҳволнинг ўнгланишига умид қилиб бўлмайди. Зеро, илм йўлини тутмоқ, адабий ва эстетик ижод жабҳасига умрни фидо этмоқ – мунтазам бедорлик, ўзни тинимсиз меҳнатга ундаш, бошқалар ором оғушида бўлганида руҳ ва жоннинг бесаранжом қийноқларига тик қарай олиш деганидир. Ана шундагина недир илмий янгилик, бадий кашфиёт дунёга келади.

Ҳаминқадар билим, чала-чулпа савод билан илмда бирон янгилик кашф этиб бўлмаганидек, одам боласида расида ёшида ниш бериб, кейин қовжираб қоладиган ижодга қизиқиш ҳисси билан ўлмас бадий асарлар яратиб бўлмайди.

Афсуски, Юсуфбек ҳожи ўғли Отабекка “Онангга келин қайғуси тушибдур” деганидек, яқиндан бери биз ҳам олий маълумотлилар, олимлар, санъаткору ижодкорлар сонини кўпайтириш орзусига берилганмиз. Хўш, илм бобида унинг рўёбига қандай киришамиз? Ҳар галгидек энг осон тарзда, кампаниябозлик усулида – қисқа муддатда кафедраларда фан докторлари (DSc) ва фалсафа докторлари (PhD) сонини ошириш, ҳар бир ўқитувчининг хорижий журналларда мақолаларини чиқариш, қандай бўлмасин, номики халқаро аталган илмий анжуманларнинг сертификатларини кўпайтириш ва ҳоказо...

Илм, ижод деганлари эса, боя айтилганидек, ўлгудек қайсар, оби-тобига етмагунга қадар мева бермайдиган дарахт!

Магистр, фалсафа доктори, фан доктори бўлмоқни ҳавас қилган мардум кўпинча танлаган мавзуси доирасида ёзилган илмий ишларнинг бир қисмидан (кошки, уларнинг ҳам барчаси билан танишса, йўқ, бунга вақт йўқ!) гоҳ сал “афт-ангори”ни ўзгартириб, баъзан эса тўғридан-тўғри кўчириш – ўзлаштиришга киришади. ОАКнинг ҳатто соф миллий (масалан, ўзбек адабиётшунослиги) йўналишдаги илмий ишлар учун ҳам хорижий журналда материал чоп этиш талабига кўра, масалан, ЖАРда рўйхатга олиниб, ярим йил-бир йилда ёпилиб кетадиган ойномада мақола чиқариш учун 500-800 долларнинг баҳридан ўтилади. Ўртада турган корчалонлар шу тариқа мамлакатдан ҳар йили қанча валютани олиб чиқиб кетаётганини биров ҳисоблаб ўтирмайди. Нега ҳисобласин, ахир пул

кетса кетсин, обрў кетмасин! Ахир, бунинг эвазига университетларимизнинг жаҳондаги нуфузи ортмоқда, ҳар йили фалон мингта мақола хорижда чоп этиляпти, кафедраларнинг илмий салоҳияти юксалиб, профессор-ўқитувчиларнинг устама ҳақи ошмоқда!..

Ана ўшандай “илмий ўсиш шарофати билан” камина “Тафаккур” журнали ўртага қўйган муаммо хусусидаги фикрларимни бир кунда беш-ўн марта чироқ ўчаётган, газўчоқдаги олов икки яшар болажоннинг олд тишлари янглиғ одамга иршайиб турган совуқ хонада гуппи чопонга ўраниб ёзиб ўтирибман. Ҳолбуки, тагини суриштирсангиз, фақат мана шу – нефть-газ, энергетика илми соҳасида кейинги йилларда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг саногига етиб бўлмас!..

Камина ҳаётим давомида анча-мунча илмий ишлар, мақола ва диссертацияларни гоҳида холис ўқиб кўриш, баъзида ҳақ эвазига таҳрир қилиш учун қўлга олганман. Улардан тахминан йигирма фоизини недир янгилиги туфайли эътироф этса арзийди. Қолган саксон фоизи ҳақида эса ўша гап – шўрвасининг шўрваси!

Сунъий равишда олимлар сонини кўпайтиришнинг “аввалгиларга ўхшамас” усулларига ҳам гувоҳ бўлаётимиз. Яқинда ёш тадқиқотчилардан бирининг ниҳоятда ўқишли илмий иши кўлимга тушиб қолди. Не тил билан айтайки, уни ўқир эканман, қулоғим остида нуқул “Тафаккур” журналининг фаол муаллифларидан бири – таниқли олимнинг овози жаранглайверди...

Шундай вазиятда яна ўша машҳур Николай Чернишевский қўйган савол кўндаланг бўлади: нима қилмоқ керак?

Менимча, бошқа жабҳаларда бўлгани сингари илму фан, бадий ижодда ҳам маъмурий аралашув усулидан воз кечиб, соҳа эгалари – профессионал мутахассислар фикри, ташаббуси ва таклифларига кулоқ тутмоқ зарур.

Олий ўқув юртларида ўқитишнинг модуль тизими бугунгидек чала-чулпа эмас, тўлиқ жорий қилиниши, фан асосларини пухта ўзлаштирмаган талабага диплом бериш амалиётига чек қўйиш лозим.

Магистратурага фақат илмий салоҳияти етарли, бакалавриятда недир илмий натижани намойиш қила олган битирувчигина қабул қилиниши керак.

Ва ниҳоят, қани эди, олимлик, санъаткорлик рутбасига диплому сертификат, унвону даражага кўра эмас, балки фан ва санъатда янги йўл очгани, кашфиёт, назарий-амалий натижа қайд этганига кўра эришилмоғи бош талабга айланса...

Собиржон ЁҚУБОВ
тайёрлади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД




КОМИЛЛИК ПИЛЛАПОЯСИ?

Тиббиёт илмига кўра, она вужудидаги хомила 3 ойлик бўлганда ўзидан ахборот узатиб, ташқаридан ахборот қабул қила бошлар экан. Ёруғ дунёга келгач эса инсон умрининг сўнгги сониясига қадар ахборот алмашинуви ичида нафас олади. Бирон дақиқа ундан холи бўлмайди: хушида ҳам, тушида ҳам ўзидан ахборот таратади, теварак-атрофдан ахборот қабул қилади! Ислоний эътиқодимизга мувофиқ эса, аминмизки, банда вафотидан сўнг ҳам савол-жавобга, бошқача айтганда, ахборот алмашинувига рўпара келади. Шунинг ўзиданоқ инсон табиатан ахборот олувчи ва ахборот тарқатувчи жонзот экани англашилади.

Ўн саккиз минг оламни яратган Зот томонидан инъом этилган умр ахборот дарё-

сида оқиб ўтади – бунга иқрор бўлмасликнинг иложи йўқ. Лекин масаланинг мураккаб жиҳати борки, бу ахборот олиш ва ахборот тарқатишдаги танлов эрки, идрок лаёқати ва изҳор истеъдоди билан боғлиқ.

Гўдаклик, болалик палласи – умр йўлининг ибтидоси; ёш улғая боргани сайин тажриба ортади, дунёқараш такомиллашади, пировардида инсон комиллик босқичига қадам қўяди. Бу жараён шу қадар хилма-хил, ранг-баранг кечадики, ҳеч бир инсоннинг ҳаётий тутуми, қизиқиши, қарашлари, салоҳияти бошқа бировникига ўхшамайди. Ваҳоланки, одам ва оламни англаш пиллапояси, яъни шарт-шароит, имконият ҳамма учун деярли бир хил. Манзарани кўз олдимизга келтириш учун қуйидаги чизмага эътибор қилайлик:



Ҳали йўрғада ётган гўдакда (биологик индивид) ҳам турли сезги-сезимлар бўлади. Чақалоқ кулади, йиғлайди, ҳадиксирайди... Шу тариқа у туғма инстинктлар орқали дунё билан мулоқотга киришади. Гўдаклар учун илк инстинктлар асосан ҳимоя вазифасини бажаради. Таъкидлаш зарурки, инстинкт даражасидаги туйғу-сезимлар инсонни умр бўйи тарқ этмайди. Фақат ёш улғайгани сари мураккаблашади, такомиллашади; зоҳиран кўзга яққол ташланмаса-да, буткул йўқолмайди, балки ботинда – “хилват”да туриб, ўз вазифасини адо этади.

Қиздир-ўғилдир, эсини таниб-танитай унда меҳнатга мойиллик юзага чиқади. Мисол учун, қизалоқ уй йиғиштиради, супурги-чани қўлга олади, ўйинчоқларини тартибга келтиради, ўзича кир ювади, таом пишираётган онасига кўмаклашишга уринади. Жажжи ўғил бола эса қўлига болға олиб мих қоқишга тутинади, ер ковлайди, қўйиб берсангиз, арра ҳам тортади. Ҳар қандай фаолият ўзини намоён этишнинг муайян кўриниши экани назарда тутилса, инсон болалик чоқлариданоқ меҳнати орқали

теварак-атрофдагиларга “Мен борман!”, “Меҳнат қиялман!”, “Яратялман!” деган мазмунда ахборот тарқатади (чизмада бу босқич “ишчанлик тафаккури” пиллапояси деб аталган).

Меҳнатга мойиллик ҳам инсонга умр бўйи ҳамроҳ. Зотан, ҳаёт маъно-мазмунини инсоннинг меҳнатида (хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний) тажассум топади. Комиллик даражаси меҳнат воситаси-ла янада тўлиқроқ намоён бўлади.

Ишчанлик тафаккури нуқтаи назаридан қаралса, кишининг ўз тийнатига, лаёқатига мос меҳнат турини танлаши ниҳоятда муҳим. Бу фақат шунчаки бандлик бўлибгина қолмай, ўзи маъқул кўрган, меҳр қўйган касб-кор билан машғул бўлиш ҳар бир одамга тақдирнинг инъомидир. Чунки меҳнат фақат тирикчилик манбаи эмас; у гўзаллик, нафосат, руҳий осудалик манбаи, ҳаёт мазмуни ҳамдир.

Кейинроқ бадий тафаккур юзага қалқиб чиқади. Унинг дастлабки нишонлари кимда, қачон, қай ёшда ва қай тарзда кўзга ташланишини аниқлаш қийин. Она алласининг оҳанги, таронасининг ўзиёқ мурғак

вужудга бадий туйғу уругини қадайд. Бола ҳали тили чикмасдан мусиқага монанд тебранади, муқом қилади. Сўзлар маъносини тушунмасдан бурун ўзича қўшиқ, шеър айтади. Ажи-бужи расм чизиш бобида эса “мўйқалам”ини синаб кўрмаган ўғил-қиз бўлмаса керак!

Шу тариқа ибтидоий майллар ёш улғайгани сайин такомил касб этади. Профессионал даражадаги адиб, шоир, ҳофиз ёки актёр бўлиш алоҳида мавзу, лекин касб-коридан қатъи назар, мусиқа, тасвирий санъат, шеър ёки насрий асарга мухлислик, шинавандалиқ деярли барчада муайян даражада мавжуд десак, муболаға бўлмайди. Бу ўринда гап дунёни, ҳаётни бадий идрок этишга мойиллик ҳақида бормоқда. Санъат – дидни, дунёқарашни нозиклаштиришга хизмат қилиши маълум. Зотан, мусиқа, кино, саҳна асари, бадий адабиёт бўлмаганида инсон диди дағаллашиб кетган бўлур эди. Завқ-шавқдан йироқ, эҳтиросга бегона инсон эса ҳатто ўз меҳнатидан ҳам мамнунлик туймайди, ёруғ дунё ажойиботларидан таъсирланмайди, яшамоқ суруридан бебахра ўтади. Дунёни бадий сезимлар орқали идрок этувчи инсон эса оламни гўзаллаштиради, теварак-атрофга нафосат бахш этади.

Навбатдаги пиллапоя “илмий тафаккур” деб аталмоқда. Бу ўринда “илмий” аниқловчисини имкон қадар кенгроқ тушунмоқ лозим. Чунончи, инсон ўз ҳаётининг ҳар қадами-ҳар лаҳзасида вазиятни тўғри ва тугал англаб етмоқлик учун илмий тафаккур қобилиятини сафарбар қилади. Бунда амалий тажриба ниҳоятда асқатади. Амалий тажриба йиғиндисидан эса

илм ҳосил бўлади ва у авлоддан авлодга қимматли мерос ўлароқ ўтади. Бироқ бу ҳали том маънодаги илм эмас. Дунёни, воқеа-ҳодисаларни олимона идрок этиш, илмий асосда англаб етиш фанний даражадаги илмий тафаккур демакдир.

Табиийки, илмий тафаккурнинг мағзи – ақл. “Оллоҳ биринчи бўлиб яратган нарса ақлдир” деган ҳикмат ҳам бор. Китобларимизда ўқиганмиз: ақл гавҳари тўқис бўлган инсоннинг кўзи ва кўнгли мингта маъно хазинасини кўра билади. Дарҳақиқат, дунёни илмий англаш, идрок этишнинг, яъни илмий (ақлий) тафаккурнинг чеки йўқ.

Киши ёши улғайгани, оиладан маҳаллага, маҳалладан мактабга, мактабдан олий таълим даргоҳига, ундан меҳнат жамоасига ўтгани сайин биологик индивиддан ижтимоий индивидга айлана боради. Энди у – жамиятнинг онгли аъзоси. Энди у ўзи яшаб турган муҳитга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказа бошлайди. Шахсининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан жамиятдаги демократик тизим ўртасидаги ғоятда масъулиятли ва ўта нозик муносабатлар айна шу ўринда кўзга ташланади.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятга киришган кунларданоқ мамлакатимизда ахборот соҳасини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширила бошлади. Хусусан, мамлакатимиз ахборот майдонида “ижтимоий тармоқлар” деган тушунча омалашди. Кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, фуқароларга эркин минбар бериш борасида эса узоқ йиллик тажрибага эга бўлган анъанавий босма журналистика биз учун янги ҳисобланган ахборот воситаси олдида ип эшолмай қолди. Бу тариқа

оммавий мулоқот муҳити вужудга келаётгани ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Зеро, ана шундай қизгин мулоқот муҳитидагина фуқароларнинг ижтимоий тафаккури чархланади, сайқал топади, пировардида шахсининг жамият ҳаётидаги иштироки фаоллашади. Бироқ...

COVID-19 балоси авж олган 2020 – 2021 йилларни ёдга олайлик. Кўз илғамас бало серталафот келди. Нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё бўйлаб хатарли касалланиш, бевақт ўлимлар кўпчиликни гангитиб қўйди. Глобал фавқулудда ҳолат шароитида ижтимоий тармоқларимизда кузатилган “об-ҳаво”, яъни ахборот муҳитини атрофлича таҳлил қилиш жуда жиддий ва муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради.

Таассуфки, ўша кезлар ижтимоий тармоқларни асосланмаган, тасдиқланмаган, арзон-гаров ахборот босиб кетди. Кўнгиларни хавотирга солувчи миш-мишлар урчиди. Ўзаро камситиш, дўқ-пўписа, ҳатто очик-ойдин ҳақоратлаш авжига чиқди. Сирасини айтганда, ижтимоий тафаккур зўр келиши лозим бўлган бир шароитда у инстинкт-сезим даражасига тушди. Оммавий ахборот-мулоқот майдонида улоқ оломон кўлига ўтди, оғзи бепаровозларнинг куни туғди.

Тушови узилган ахборот муҳитига мос нордон ва зардали саволлар туғилади: бу нима деган гап, ахир?! Қандай ҳолат бу?! Биз киммиз, қандай халқимиз? Чиндан ҳам “Ўткан кунлар” романидаги суюкли қаҳрамонларимиз лутфидан мутаассир бўлиб тарбияланган миллат вакилларимизми?! Андиша, истиҳола, орият, иффат энг ардоқли фазилатларимиз, миллатимиз маъ-

навиятининг кўрки-ифтихори дея мағрурланадиган одамларимизми?!

Ундов-хитоб оҳангидаги бу саволлар замирида таъна-маломат, дашном эмас, таассуф, алам, хавотир бор.

Такрор таъкидлаш ортиқчалик қилмайди: вазият оғир келди, инсоният бошига мисли кўрилмаган офат ёғилди, фавқулудда юз берган айриликлар қаршисида эсанкираш ҳоллари кузатилди. Лекин аламли ўй-хаёл тинчлик бермайди: ўша мусибатли дамларда бизнинг зуваласи тоза инсонлигимиз, неча минг йиллар мобайнида арзанда фазилатларини ардоқлаб келаётган халқ вакиллари эканимиз қаерда қолди?

Бехос оғзимиздан чиқиб кетган ноҳўя калом истиҳоласида неча кунлаб одамларнинг кўзига қаролмаймиз-а...

“Оғзинга қараб гапир” деган танбеҳни кўп бора такрорлаймиз-а...

“Аввал ўйла, сўнгра сўйла” деган олтиндан қиммат ҳикматларимиз бор-а...

Ижтимоий тармоқлар яратган имконият кенг жамоатчиликка дахлдор яна бир ноҳуш одатни фош қилмоқда: омма онгида таниқли шахсларга нисбатан кўр адоват илдизлари бордек. Йиғилиш, суҳбат, мунозара давраларида айтилган бир оғиз жумла, мулоҳаза узиб-юлиб олинади-да, “ур калтак-сур калтак” бошланади. Кимса борки, оғзига келганини қайтармайди. Ўлжасига ташланган очофат қашқирлар галаси, жаҳолат ҳукм сурган замонлардаги тошбўронлар келади кўз ўнгига одамнинг!

Масаланинг моҳиятидан беҳабар, сабаб-оқибатни тушуниб-тушунмай тош отиб қолишдан ўзгага ярамаслик оломонлашув-жоҳилона тафаккурнинг замонавий кўриниши, холос.

Бундай кўнгилсиз манзаранинг сиёсий жиҳати ҳам бор.

Замонавий ахборот технологиялари ақл бовар қилмас имкониятларга эгалигини ёддан чиқармаслик керак. Иқтисодийта доир кўрсаткичлар таҳлили орқали исталган давлатнинг салоҳияти ва шарт-шароитини аниқлаштириб олиш қилни қирқ ёришга қодир мутахассислар учун чўт эмас ҳозирда. Ер юзининг исталган нуқтасида ўтирган мутахассис исталган давлатнинг, мисол учун, тиббиёт, таълим ёки қишлоқ хўжалигига доир аҳволи ҳақида умумлашма хулосалар чиқариб олаверади. Худди шу тарзда мамлакатимиз ахборот майдонидаги халқимиз шаънига номуносиб, нораво манзарани қаердадир, қандайдир гуруҳлар ўрганмаяпти, таҳлил қилмаяпти, ватандошларимиз маънавий дунёси, қолаверса, маданияти, ахлоқ-одоби борасида салбий хулосаларга келмаяпти деб ким айта олади?! Ижтимоий тармоқлар халқимиз дунёқараши, маънавияти кўзгуси эканини ёддан чиқармасликка бурчлимиз, ахир.

Табиийки, оломонлашув муҳитида ҳеч ким бошқанинг фикр-мулоҳазасига қулоқ солмайди, ҳар ким шахсий манфаатига кўра иш тутуди ва фақат ўзини ҳақ деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, айни шундай мушкул шароитда (ундай синовлардан Оллоҳ асрасин!) ижтимоий тафаккур соҳиблари жонланиши, омма кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиш йўлларини излаши, шу орқали аҳоли ўртасида тарқоқлик, бошбошдоқликка йўл қўймай, жипслашишга, кўнгилларга дармон топишга ундамоғи зарур бўлади. Бундай баланд миқёсга кўтарилмоқлик, яъни ҳам якка шахс, ҳам

жамият, миллат, халқ камолотига олиб чиқувчи пиллапоя чизмаимизда “таҳлилий тафаккур” деб аталди.

Оқилона қарашлар якка-якка ҳолда вужудга келади, шаклланади. Лекин улар бирлашган, уюшган ва кенг омма томонидан идрок этилган тақдирдагина халқ ва жамият корига ярайдиган кучга айланади.

Биз чизмада ифода этилган тафаккур пиллапояларини якка шахснинг (индивид) тадрижи сифатида тасаввур этмоққа ҳаракат қилдик. Фикримизча, ушбу жадвал асосида нафақат шахс ёки оила, балки миллат тафаккурига доир умумлашма хулосаларга ҳам келиш мумкин.

Миллат, халқ ва жамият ҳаётида соғлом ўзгариш ясашга арзигулик қарашлар, ғоялар тафаккур пиллапояларида орттирилган барча туйғулар, айниқса, илмий, ижтимоий ва таҳлилий тафаккур унсурлари қоришмаси ўлароқ яхлит воқеликка айланади. Афсуски, миллат ёхуд халқнинг бу қадар яқдилликка, жипсликка эришмоғи осон кўчмайди, чунки том маънодаги баркамол инсонлар салмоғи, одатда, аҳоли таркибида озчиликни ташкил этади.

“Кратология (ҳокимиятшунослик) фанига кўра аҳолининг уч фоизигача бўлган қатлами қолган тўқсон етти фоизни эргаштиради, – деб ёзади таниқли навоийшунос олим Олимжон Давлатов. – ...Ўзбекистондаги эргаштирувчи кучларнинг замон талабларига жавоб беролмаётгани мутараққий дунёдан ортда қолаётганимизнинг асосий омили бўлмоқда” (“Тафаккур” журнали. 2022 йил, 3-сон). Нима сабабдан ўша уч фоизни ташкил қилган юртдошларимиз COVID-19 қутурган таҳ-

ликали кезларда (ёхуд 2023 йил январь ойида мамлакатимизда кузатилган фавқуллодда қаҳратон шароитида) миллий ахборот майдонимизда ўз сўзини айтмади? Оломон даражасига тушган оммани тўғри ва соғлом йўлга солмади? Зиммасидаги эргаштирувчилик миссиясини адо этмади?

Барча соҳаларда испоҳотлар кечаётган ҳозирги паллада айнан эргаштирувчи қатлам фаоллигини талаб қиладиган масалалар, муаммолар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётибди. Замон ўзгаришлари одамларни шу қадар фавқуллодда ҳолатларга рўпара қилмоқдаки, тайёр жавоб топиш ниҳоятда мушкул. Саёз ўйлов, асосланмаган хулоса, оммавий мулоқотга шошмашошарлик билан қўшилиб кетиш муқаррар самарасиз эканидан ташқари, бундай арзон-гаровчилик одамни бебурд қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу ўринда айрим сайт ва ижтимоий тармоқларда, жумладан, “Kun.uz”да хилма-хил муаммолар, мавзулар юзасидан мутахассислар, шарҳловчилар иштирокида мунозаралар ташкил этилаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Газеталаримизда ҳам таҳлилий материаллар кўпаймоқда. Бироқ ҳамма гап боя тилга олинган эргаштирувчи қатлам салоҳияти, фаоллиги ва таъсир кучини оширишда қолмоқда.

Назаримизда, республикада ноёб, долзарб ва аҳамиятли фикр-ғояларни тўплаш, ўрганиш, умумлаштириш, амалга татбиқ этиш ва пировардида халқимиз интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилдиган миллий интеллектуал марказ ташкил этиш зарурати сезилмоқда.

Ҳавола қилинган тафаккур пиллапоялари ҳар бир онгли ватандошимиз учун эслатма вазифасини ўтаса ажаб эмас. Албатта, зиналарни янада бойитиш ҳам мумкин. Мисол учун, ҳозирги замонда иқтисодий тафаккур пиллапояси кексаю ёш ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий тафаккурдан юз ўғририш, уни кўрмасликка олиш мумкиндир; лекин, истаимизми-йўқми, у бошқа барча тафаккур бўғинларига таъсир ўтказаётир.

Мезонлар миллий ва глобал қадриятлар таъсирида эврилишга учраши мумкин, албатта. Аммо бундан қатъи назар, ҳар қандай инсоннинг инсонлиги, умр моҳияти охир-оқибат ҳаёт ҳақиқатини англашга бориб тақалаверади. Ҳаёт ҳақиқатини англашга бўлган қизиқиш ҳар бир онгли ва зиёли инсонни тирикликнинг туб мазмун-моҳиятини идрок этмоққа ундайверади. Зеро, табиатнинг улуғ ва ўзгармас ҳикматларидан бири – ҳаракат! Ўн саккиз минг оламнинг, Ер курраси ва Ойнинг, инсон мавжудлигининг бош шартини ҳаракатда! Тирлик – ҳаракатда! Маънавий, жисмоний ҳаракатда!

Маънавий комилликнинг саодатли йўли ҳам фақат ва фақат интилиш, ҳаракатга боғлиқ. Зеро, дунёга келиб орттирган тажрибаю фазилатларимиз ҳам, жамғарган илмимиз ҳам инсонийлик аъмолдир. Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ўхшатиб ёзганидек:

**Келдинг оламга, демак,
Етмас уни сўрмак, емак,
Ерни этмоғинг керак
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.**



Одамзод нега урушдан сабоқ чиқармаяпти?

Ташқаридаги урушлар

Одам болалари ғорларда яшаганда ўзаро ниманидир талашиб урушган. Ажабки, ғордан чиққандан кейин ҳам у ўша машъум ишини ташламади: ҳали-ҳануз бир-бирига қурол ўқталади, бир-бирини ўлдиради...

Сирасини айтганда, ўтган вақт давомида башар аҳлининг юриш-туришию ўзини тутиши, тилию маданияти... яхшигина ўзгарди. У энди ғорда яшаган аждодини менсимайдиган даражада олифтага айланган. Аммо нега минг йиллар ўтса ҳамки,

бир-бири билан ёвлашмоқдан тийилмайди у? Нима учун зоҳиран ўта замонавий кўринган одам боласи ботинан ўзи ҳалигача бурнини жийириб эслайдиган “ёввойи” аждодидан кўп-да фарқ қилмайди? Шунча аччиқ тарих нега сабоқ бўлмади?

Узоққа бормайлик, ана, инсоният XX асрда икки жаҳон урушини кўрди, бу муҳорабалар жароҳатидан ҳали-ҳамон қон силқийди. Деярли ҳар биримизнинг қалбимизда бор шундай тузалмас жароҳат. Масалан, менинг Карим бобом урушда ўлган.

Отасиз қолган раҳматли отам эса онаси, яъни менинг худо раҳмат қилгур энам билан бирга ҳаёт йўлларида хўб сурунганлар. Ҳаммаси уруш туфайли!.. Уруш бобомни олиб кетди, ортда қолган хотинию боласининг тақдирини остин-устун қилди. Отамнинг кечмиши эса бизнинг, менинг қисматимда ҳам акс садо берди. Қаранг, битта уруш бир неча авлод тақдирига даҳшатли муҳрини босяпти...

Яна ўша саркаш савол: нега бундан хулоса чиқарилмайди? Ҳа, урушлар нега бизни, унга бўлган муносабатимизни ўзгартирмаяпти? Қирғинбаротлар оилаларни, қишлоғу шаҳарларни, кўҳна ҳаёт маромини тамомила парчалаб ташлашини биламиз-ку, бошимиздан юрагимиздан ўтказганмиз-ку! Шунда ҳам ўзгармаймизми?!.

Ўрисларда “проклятые вопросы” деган тушунча бор. Яъни “лаънати саволлар”. Бунинг маъноси шуки, ҳаёт, ўлим ва шу каби бош масалаларда шундай саволлар борки, мудом инсоният қаршисидан чиқиб келаверади, лекин тайинли жавоб топилмайди. Юқоридаги савол ҳам ана шундай лаънатланганга ўхшайди. Ахир, ҳаммаси беш қўлдек аён: урушни минбаъд оқлаб бўлмайди. Лекин у юз бераверади, юз бераверади... Нега?

“Ҳар қандай урушнинг ортида катта моддий манфаат ётади” дея осонгина жавоб бериш мумкиндир, эҳтимол. Унда яна бир савол туғилади – моддий манфаат кўзланмаган урушлар ҳам тўлиб ётибди-ку!.. Масалан, ғуруру ор талашиб, пичоқлаб ўлдиришлар сонмингта. Нега лоақал шуларга чек қўйилмайди?..

Майли, “моддий манфаат – урушларни келтириб чиқарадиган энг катта сабаб” дейлик. Яна айтайликки, “Урушнинг бошланганларнинг ўзи урушда қатнашмайди – бас, улар ўлмайди. Урушда, асосан, камбағалнинг боласи ўлади. Шунинг учун ҳам магнатлар ажал оловини ёқишдан ҳайиқмайди ҳам, тийилмайди ҳам”. Хўп, лекин яна ҳаммага – бойу йўқсилга бирдек тааллуқли бир савол ўртага чиқди: нега урушлар нафақат бойларнинг, балки ўртаҳолу қашшоғу бенавонинг ҳаётга, одамларга, табиатга бўлган муносабатини ўзгартирмаяпти?!

Айрим экспертлар, сиёсатчилар “Дунё учинчи жаҳон уруши арафасида турибди. Озгина эҳтиётсизлик қилинса, Ер юзидаги ҳаётга нуқта қўйилиши мумкин” дея жар солаётир. Ҳозир Ер юзи ҳавосини ана шундай даҳшатли хабарлар тумандек қоплаган. Кўчага чиқсак ҳам ундан симирямиз, уйга кирсак ҳам. Дунё яна нотинч: олов билан ўйнашиш давом этмоқда. Лекин атрофингизга бир қаранг-а, уруш ва у ҳақидаги хабарларга тўла дунё одамлари ўзгардимми? Ёмон – яхшига, хасис – сахийга, ёвуз – раҳмдилга айландимми? Ҳайрат ила кузатяпман: атрофимда ҳеч ким ўзгаргани йўқ! Ҳамманинг парвойи фалақдек... Ҳатто гўё-пўёларсиз – чиндан, парволар



фалак! Ахир, ўзгариш содир бўлиши керак эмасмиди? Бўлганда ҳам, яхши томонга... Нима, охиратдан умидвор одамлар шунчалар камми? Статистик маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг 90 фоизга яқини художўй экан. Амалда-чи?.. Қайтага, дунё жамиятларида “ётиб қолгунча отиб қол” деган кайфият сезиларли даражада кучайгандек.

Майли, ўзгаларни қўяйлик, сиз ўзгардингизми, сиз?..

Мен ўзимни кузатиб юрибман: заррача ўзгарганим йўқ. Илгари яхши бўлган эсам, ҳамон ўшандай яхши; ёмон бўлган эсам, хануз ўшандай ёмонман. Ёки икки жиҳат аралаш-қуралаш. Оллоҳ билгич. Шундан кейин табиий бир савол туғилади: одамзодни нима ислоҳ қилади ўзи? Борми шундай куч дунёда?

“Шўро даврида динга йўл берилмаган эди” дея иддао қиламиз. Мана, ҳозир диний ҳаётимиз анча эркин. Лекин рисоладагидек мўмин-мусулмон бўла олдикми?..

Наҳотки, одам боласи пешонасига қўшотар милтиқ тиралиб, кўрқувдан тиззалари қалт-қалт титрагандагина ёмонликдан тийилса? Наҳотки, бусиз уни ўзгартириб, тарбиялаб бўлмаса? Агар шундай эса, идеал жамият қуриш йўлида ҳали кўп тер ва қон тўкилиши муқаррар. Ўртада ядро уруши бўлиб, бутун мавжудот қирилиб кетмаса, албатта...

Урушни бошлаганлар ҳам кап-катта одамлар, аслида. Кузатсангиз, “субвоши”-да гоҳо бир оёғи ерда, бошқаси гўрда турган қарияларни кўрасиз. Бизлар бўлсак анчайин томошабин бўлиб ўтираемиз.

Эътибор беринг, XXI асрда – ҳозирги цивилизация даражасига қадар олис йўлни босиб келган инсоният, маданиятнинг энг юқори чўққисига турган давр одамлари шу ишни қиляпти. Гўё шунча йўл босиб ўтилмагандек. Гўё биз, башар аҳли ҳали-ҳамон ибтидоий жамоа тузумида ёки ундан нари – ғорларда яшаётгандекмиз.

Уруш – энг кичигидан энг каттасига қадар – шундай ҳодисотки, ғолиб бўлатуриб ҳам мағлуб саналиш мумкин. Чунки унинг ҳарбий, сиёсий, тарихий томонларидан ташқари, ижтимоий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳам бор. Ҳарбий ё сиёсий жиҳатдан энгиб, маънавий-ахлоқий мезонларга кўра энгилиш ҳеч гап эмас.

Ҳа, кўпимизнинг кийган кийимларимиз, минган машиналаримиз, яшаётган уйлари-римиз ўта замонавий, бироқ онг-тафаккур, савия-даража тош асриникидан заррача олдинга кетмагандек туюлади менга. Бошқача айтганда, бутун дунё, шоирлар топиб айтганидек, порохли бочка устида ўтирибди, лекин парво қилгани йўқ. Қизиқ, а? Тўғрироғи, даҳшат! Шундай эмасми?

Туғилиш кўпайиб тирикнинг қадри қолмаган эди, энди эса ажал тегирмони мутасил айланиб, ўликнинг иззати қолмаётир. Кўпнинг қадрига етадиган жамиятлар эса ҳали қурилмаганга ўхшайди. Улар – инсониятнинг орзуси. Фақат... орзу орзулигича қолармикан? Мана, яна бир жавобсиз савол... “Лаънати” дегим келмаяпти, чунки унинг рўёбига умидим бор.

Мен негадир “XXI асрда ривожланган мамлакатларда катта урушлар бўлмайди. Зеро, улар етарлича тажрибага эга бўлди:

жаҳон урушларидан хулоса чиқарди. Бас, тараққий топган ёки шу йўлдаги давлатларнинг вазифаси, мақсади, интилишлари фақат ва фақат идеал давлат, мукамал жамият қуриш бўлади. У энди шу давлату жамиятга муносиб комил инсон тўғрисида қайғуради” деб ўйлаб юрар эканман. Афсуски, чучварани хом санабман: одам боласи ҳалигача “уруш-уруш ўйини”га қонмабди. Демакки, тафаккури ўсмабди. Чиқарган хулосалари, олган тажрибалари етарли бўлмабди.

Энг даҳшатлиси нима, айтайми – биз бола-чақамиз, йўу хаёлимиз, ўтмишу келажакимиз, санъату адабиётимиз, орзуу умидларимиз билан ана шу ўсиб-улғаймаган одамлар, тўғрироғи, “одамча”лар изми-даммиз...

Ичкаридаги урушлар

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, урушлар аввало ичимизда пайдо бўлар, кейин майдонларга – коридору кабинетларга, чўлу ўрмонларга, қишлоғу шаҳарларга кўчар экан. Мамлакатдан мамлакатга ўтиб, уларнинг кулини кўкка совураб, борлиқ тирикликка хавфу хатар соларкан.

Бас, шундай экан, бугуннинг ва эртанинг вазифаси – урушни ичкарисидан ташқарига чиқармайдиган муносиб инсонни тарбияламоқ бўлиши лозим эмасми?! Балки, бу гаплар эртақдек эшитилар, лекин охири хайр билан тугайдиган эртақлар тўқиб, уларни ҳаётга татбиқ қилиб яшамасак бўлмайди-ганга ўхшайди. Чунки шу кетиши бўлса, инсониятнинг навбатдаги минг йилликни эсон-омон ўтказиб олиши даргумон.

Муносиб инсонни тарбия қилиш – бутун дунё ҳамжамияти зиммасида турган вазифаларнинг, эҳтимол, энг муҳимидир. Зеро, бугунги замонавий қирғин қуроллари билан курраи арзни бир эмас, кўплаб мартабалаб йўқ қилиб юбориш мумкин. Шундай ёвуз имконни ўз “мен”ини идора эта олмайдиган инсонга топшириб бўладими?!

Урушлар, боя айтилганидек, XXI асрда яшаб туриб ҳам, инсониятнинг бир қисми ҳалигача ғор тасаввури ва тафаккурида қолганининг исботидир. Демак, башар аҳли қаршисида улғайиш томон чўзилган машаққатли узун йўл турибдики, уни босиб ўтиш керак бўлади.

Тажовузни ҳатто кўнгилда ёқлаш ҳам уни дастаклаш, тажовузкорнинг ёнида туриш билан баробар. Аслида, агрессиялар кўнгилда зулмга мойилликдан келиб чиқади. Бузғунчилик ва урушга мойилликни йўқ қилиш учун эса дунё миқёсида жуда катта маърифий ишлар олиб борилиши лозим ва лобуд.

Бундан анча йиллар бурун Япония бош вазирининг олий ўқув юртларида гуманитар фанларни ўқитмаслик ҳақидаги қарорини тўртта ректордан бошқа ҳаммаси қабул қилгани тўғрисида хабар ўқиган эдим. Нима эмиш, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ишлаб чиқаришга алоқаси йўқмиш. Олий ўқув даргоҳларида фойда келтирадиган, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаш мумкин бўлган моддиятга хизмат қилгич фанларгина ўқитилиши керакмиш. “Хўш, бунинг охири нима билан тугайди?” дея мендан сўралса, “Жуда катта вой билан!” дея жавоб берган бўлардим.

Албатта, мендану менга ўхшаш гумани-тарлардан сўрагучи одам йўқ ҳисоби. Эҳтимол, шунинг учун ҳам дунёни катта тезликда жарликка оқиб кетаётган оломон дарёсига ўхшатиш мумкиндир. Сиз оломонга “Олдинда хавф бор, жарлик бор!” дея қанчалик бақирманг, у бепарво – мудҳиш йўлида давом этмоқда. Бас, сиз ҳам оломон билан бирга кетиб бораверасиз. “Нега, нима учун ўз жонингизни қутқармайсиз?” деган ҳақли савол туғилади. Жавоб бундай: оломонлик даражаси қай даражада кучлилигидан қатъи назар, элдан ажралиб қолиш ҳам жарликдир. Қолаверса, бугун, не ажабки, дунё тақдири ана шу оломонга, унинг кайфиятига боғлиқ. Ҳа, яқин-яқингача дунёнинг равиши хос одамларнинг (элита) кайфияти билан қойим эди. Энди бўлса, уни омма, омманинг истаклари бошқаряпти. Сиз улардан алоҳида бўлиб ҳаётингизни қутқариб қолаолмайсиз. Унинг ўзига етказган зарари, эртами-кечми – мутлақо, ҳа, мутлақо сизни ҳам топиб келажак. Биз ана шундай замонда яшаймиз, замондош!..

Дунёда ҳали-ҳамон вайронкор куч бирламчи экани мени ташвишга солади. Инсониятнинг бунёдкор руҳга эга сара фарзандлари эмас, балки бузғунчиликка мойил, тафаккур бобида тубан табақага мансуб кимсаларнинг ҳокимият тепасига келиши – замонавий дунёнинг чинакам фожиасидир. Чунки юз йил олдинги мустабид, истаса ҳам, Ер шарини ўқидан чиқариб юбора олмас эди. Бугун эса ҳозирги куруллар билан курраи заминни юз карра тескари айлантириб юбориш мумкин. Саккиз миллиардли Ер аҳолисининг тақдири бир ёки бир неча кишининг кайфиятига боғлиқ экани эса бундан-да аянчли. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!!!

Жавобсиз саволлар

Аъмо одамнинг кўзлари очилиши билан илк қиладиган иши кўлидаги ҳассани улоқтириш бўлади, дейишади. Реал вазиятга кўра – кеча кўр бўлиб, бугун кўргувчига айланган инсон позициясидан туриб қарасангиз, бу тушунарли, албатта. Лекин мисолни рамзий англаб, воқеликка ҳасса



Жон Сингер Саржент. “Шафқатсиз уруш”

Бошқача авлод

Аммо... лекин... бироқ... отамларнинг авлоди анча-мунча бошқача эди-да, дейман. Оқибатни биларди. Отам 1940 йилда туғилган. Унинг тенгдошлари фронторти қийинчиликларини ҳўб тортган. Ерда ётган нонни кўрса, кўлига олиб ўпиб, пешонасига суртиб, оёқ босмайдиган жойга олиб қўярди. Кейинги авлодлар бу ишни қилмас бўлди. Тепиб ўтишга-ку тепиб ўтмас, лекин отамнинг авлодига ўхшаб – хор бўлиб ётган нон бўлагини пешонасига суртиб, четга олиб қўймасди-да. Ундан кейингилар эса, нонни олиб-ўпиб, оёқ босмас жойга қўйгич авлод устидан ошкора куладиган бўлди. Ҳозир эса нонни тепиб ўтадиганлар пайдо бўлган десам, ёқамга ёпишишдан олдин атрофга яхшилаб назар солинг. Чунки икки катта уруш узоқда қолди, унинг азоблари, етказган заҳматлари унутилди ҳисоб. Қалбда яна ўша жавобсиз савол туғён солади: неъматнинг қадрига етмоқ учун фақат урушу қирғин бўлиб, одамлар ит азобини кўриши керакми? Катта авлодлар кўрган-кечирганидан хулоса чиқарсак бўлмайми?..

Нима, корига яраган асонинг қадрига етиши учун инсоният умрбод кўр бўлмоғи керакми? Бошқача айтганда, урушнинг кулфатига иқрор бўлиб, тинчликнинг қадрига етишимиз учун мудом уруш ичида, бугун кўлимиздан, эртага оёғимиздан ажралиб яшамоғимиз шартми? Фақат шундагина одамзод ўз инсонлик мақомида тура оладими? Йўқса, дориломон кунлар келиши билан ҳайвонлик даражасига, ҳатто гоҳида ундан-да тубан поғонага тушиб кетадими?!

Яна ўшандай жавобсиз саволлар...

Балки жавоб қадимий ривоятларда, муқаддас ўғитлардадир. Зотан, улар инсон моҳиятида нуқсон борлигига ишора қиладу-ку! Эсланг, шайтон Оллоҳга исён қилиб, “Уруш чиқарадиган, қон тўкадиган инсонга сажда қиламанми?” дея савол қўяди. “Қиласан!” дейди Оллоҳ. Инсонга эса танлаш имкони берилади. У эзгу амали билан малоиклардан-да юксалиши, айни чоқда, ҳайвонни ҳам уялтиргудек маъсиятларга қўл уриши мумкин. Оллоҳ инсоннинг биринчи йўлни танлашига имкон беради, шунга чақиради. Танлов ўзимиздан... Лекин нега биз аксар ҳолда иккинчи йўлни танлашга мойил бўламиз? Эҳтимол, шу ерда идеал жамият, мукамал давлат ва комил инсон тарбияси ҳақида сўз бориши керакдир?

Балки жавоб ҳар бир авлод ҳаётни энг қуйидан, “нол”дан бошлагани билан боғлиқдир. Ўз танасида синаб кўрмагунча, на моддий ва на маънавий неъмат қадрига етмас бу одамзод деганимиз. Мен бировни айбламаяпман – ким бўлибманки, ўзгага қўлимни бигиз қилиб “Сен айбдорсан!” десам. Мен бор-йўғи фикрляпман, холос. Ўша жавобсиз саволларга жавоб изляпман имконим даражасида. Гарчи топмадим... мабодо топган бўлсам, уларнинг биронтаси ҳам “алҳамду”га ярамаётган эса-да...

Орзунг борми?

Биз бугун нима билан бандмиз? Идеал жамият қуриш ҳақида ўйлапмизми?

Яқинда қўшнимиз – нафақадаги полковник билан уй олдида гаплашиб қолдим. У ҳам жамият ҳолини таҳлил қилиб юргич экан. Собиқ ҳарбий “Улуғбек, нега биз бунақа бўлиб қолдик? Кичик каттани ҳурмат қилмайди, катта эса кичикни иззат қилмайди. “Ўзбекмиз, ўзимизга хону ўзимизга бекмиз” дея кўкрагимизга урамиз. Лекин, ўйлаб қарасам, кўкракка муштлаш билан иш битмас экан. Назаримда, миллат ўлароқ талай қусурларимиз бордек. Аввало, кўп йўналишлар бўйича ортда қолиб кетганмиз, яъни қолюқмиз. Мақтаниш ўрнига кўпроқ ўнглиниш ҳақида гапириш керамикан дейман-да...” деб қолди.

Сухбатдошим ҳақ!

Менимча ҳам камчиликларимиз мўлкўл. Чунончи, биз ҳали-ҳамон уч одим отиб тўхтапмиз. Тўғрироғи, тўхтатилпмиз. Ўлим тўхтатяпти бизни. Бу уч одимнинг оти: иморат, тўй ва аза... Биз неча асрлардан бери ўз ҳаётий мақсадимизни шу уч манзил билан боғлаб келмоқдамиз. Иморатини қуриб, бу иморатда тўй ва азасини ўтказиб олган ўзбекнинг умри ҳам, орзую мақсадлари ҳам соб бўлади... Олдимизга юсакроқ мақсадлар қўйиб яшашга эса недир халал беради. Неча замонлардан бери шундай... Аммо бу тарз мангу давом этиши мумкин эмас. Мабодо, давом этса, бир кунмас бир кун тўй ва аза маросимлари ўтказиладиган иморат қўлдан кетиши муқаррар. Уни ўзгалар эгаллаб олади.

Алҳол, орзу-мақсадларимиз майдалашди. Шунга яраша идеалларимиз ҳам. Назаримда, кўпчилик тузукроқ орзу қилишни ҳам билмайди ҳозир. Идеаллар ҳақида эса тасаввурга ҳам эга эмас. Одамлар маиший истаклар домида қолган: йўқсиллар қорақишда иссиқ ва чароғон уй, сарёғ суртилган бир бурда нон истайди. Ўзига тўқроқлар – данғиллама ҳовли-жой, “сити”лардан “ақли уй”, қиммат машинаю энг сўнги русумдаги телефон. Сал илғорлари – саёҳат қиламан дейди... Энди эл тамомила ўзга масалалар устида бош қотираётган бўлиши керак эмасми?! Нега ҳануз маиший истаклар миллат кунтартибидаги бош мавзулар бўлиб қолмоқда?! Ҳаётий мўлжалларимиз маиший истаклар даражасида белгиланаверса, тинимсиз ўзгариб-турланиб бораётган дунё тегирмонидан эсон-омон чиқа оламизми? Хавотир шундан!

Тунов кун анча йиллар бурун ишланган “Курьер” деган фильмни такрор кўрдим. Кинодаги бир эпизод ҳар гал кўрганимда менинг бағримда танда қўйган кўҳна ярани янгилаб юборади. Қаҳрамон дўстидан сўрайди:

“– Орзунг борми?”

– Бор.

– Ҳўш?

– Пальто сотиб олиш.

– Ия, шу ҳам орзу бўлдимми?

– Бўлмасам-чи, бултур пальтосиз қолганим учун қиши билан шамоллаб чиқдим.

– Унда, ма, ол, – дея қўлидаги пальтосини ўртоғига ҳадя этиб юборади қаҳрамон ва қўшимча қилади: – Буюк нарсалар-

ни орзу қилиш керак, эшитяпсанми, буюк нарсаларни! Сен эса пальто дейсан...”

Сиз билан биз-чи? Қаерга етиб келдик ва нималарни орзу қиляпмиз, қадрдоним замондош? Бизнинг ҳам кўзларимиз ўша пальтода (иссиқ ва чароғон уйда, виллада, қимматбаҳо машинада, мансабда, шуҳратда, хорижда...) эмасми мабодо?! Улар бизни мақсадимизга олиб борадиган воситами ва ёхуд аллақачон мақсаднинг ўзига айланиб улгурдимми?

Ҳа, биз орзунини истак даражасига тушириб қўйдик. Истак баданнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, орзу, чинакам орзу руҳнинг, инсон жавҳарининг эҳтиёжлари билан вобастадир. Кечаги кунимиздан хулоса чиқариб яшамаслигимиз орзую

мақсадларимизнинг майдалашиб, ҳаддан ташқари маишийлашиб кетгани билан ҳам боғлиқдир, эҳтимол...

Фақат истак билан яшаган инсон ҳам, миллат ҳам орзу қилмоқ бахтидан мосуво. Орзу қилолмаган инсону миллат эса жисми бор-у, ўзи йўқ хилқатга айланади. У саркаш саволларга жавоб излаш не, ҳатто бу ҳақда ўйламоққа ҳам қодир эмас. Қўлидан келадиган биргина иш – замон дарёсида оқиш. Зеро, бошқа дарёларда у фарқ бўлади.

Бизни юсак орзуларгина ўзгартириши мумкин. Орзу қилишдан, қилганда ҳам баланд-баланд орзулар қилишдан толмайлик. Зеро, орзуманд инсонгина урушдан, қон тўкишдан ҳазар қилади.



Швед ҳайкалтароши Карл Фредрик Ройтерсвард ишлаган скульптура. БМТ бош қароргоҳи, Нью-Йорк

Авазбек ШЕРМАТОВ

ХИТОЙ: МАФКУРАВИЙ Г'ОВЛАР ОША

Хитой – қадимий тамаддун ўчоқларидан бири, тўрт минг йилдан зиёд тарихга эга ўлка. Асрлар давомида ўзига хос маданий-ахлоқий қадриятларига эга бўлган мамлакат бугунги глобаллашув даврида миллий манфаатларга мос мафкура ни шакллантириш борасида изланмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ таназулга юз тутгач, ихтиёрий-мажбурий тарзда биродарга айлантирилган социалистик давлатлар қурамаси ҳам кўз юмиб-очгунча парчаланиб кетди. Хурликка эришган иттифоқдош республикалар коммунистик мафкурадан воз кечиб, демократик жамият қуришга бел боғлади. Собиқ социалистик лагерь вакилларининг бу йўлдаги уринишлари силлиқ ва равон кечаётгани йўқ албатта. Гоҳ ютуқ, гоҳ ютқишлар билан давом этмоқда бу жараён.

Ер юзидаги санокли давлатлар сафида Хитой ҳам коммунистик мафкурага содиқ қолмоқни афзал билди. Чин сиёсатчилари шўро салтанатининг қулашига биринчи галда унинг ҳаётдан бутунлай узилиб догмага айланган мафкураси сабаб бўлганидан хабардор эди. Шунга кўра коммунистик тартиб ҳаёт талабларига қайта мослаштирилиб, бозор ислохотларига кенг йўл берилди, давлат мафкураси замонга мослашувчан бўлишига эътибор қаратилди. Аксар қисми қашшоқликда яшаётган аҳоли турмушини ўнглаш, фаровонлигини ошириш иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Хитой азалдан ўз давлатчилигининг дунёда устун мавқега эга эканига урғу бериб келган. Ўлкада асрлар давомида ҳукм сурган дунёқарашга кўра, Ер юзидаги

Avazbek SHERMATOV
Xitoy: mafkuraviy govlar osha

барча мамлакат ва халқлар император – осмоноти тождорига бўйсунмоғи лозим эди. “Ўзгаларга ўхшамаслик” тамойилига асосланган сиёсий тафаккур Хитойнинг халқаро майдонда ёлғизланиши, тараққиётдан ортда қолишига олиб келди. XIX асрда мамлакатга европаликлар кириб келгач, ҳукмрон дунёқарашнинг таги пуч экани аён бўлди. Тарих саҳифаларига “Афюн урушлари” сифатида муҳрланган жанглarda Буюк Британия қўшини уюштирган қақшатқич ҳамлалар ўлка аллақачон қоқоқликка юз тутганини яққол исботлади. Мозийнинг мустамлакачилик билан боғлиқ қора саҳифалари хитойлик аҳли тафаккур учун аччиқ сабоқ бўлди. Ўшандан буён жамият улкан хатони такрорламаслик мақсадида тараққиёт йўлини доимий таҳлил-тафтиш этиб боради.

Ҳозир ҳам Хитой сиёсий тизимида мафкура тақдируламал вазифани бажаради. Тараққиёт модели, миллий манфаатлар, давлат аҳамиятига эга лойиҳалар мазмун-моҳияти мафкура мезонига кўра белгиланади. Бугунги кунда Хитой ички ва ташқи сиёсати сабаб халқаро майдонда бот-бот танқид қилиниши сир эмас. Мамлакат раҳбарияти ана шундай омонсиз рақобат муҳитида аҳолини ягона мақсад йўлида жипслаштиришда ҳам ғояга таянади.

Яқин вақтларгача Хитойда Ғарбга хос ҳаёт тарзига қизиқиш юқори бўлиб, шахс эркинлиги айрича қадрланар эди. Бироқ 2013 йилда ҳокимият тепасига Си Цзиньпин келгач, мафкуравий майдонда ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Давлат етакчиси “янги даврда хитойча хусусиятларга эга социализм” қуриш ғоясини эълон қилди, мухо-

лифларга нисбатан мурасасизлик кучайди. Коммунистик партиядан кенг қамровли аксилкоррупция тадбирлари ўтказилиб, юз минглаб аъзоларга қарши жиноий иш очилди. “Тозалаш” тадбири фуқароларда “давлат раҳбарияти очиқ ва адолатли сиёсат юритмоқда”, деган фикрни шакллантирмоқ учун ҳам керак эди.

Чин юрти иқтисодий тараққиёт борасида улкан ютуқларга эришган бўлса-да, демократия ва шахс эркинлиги бобидан эътироф қозона олмади. Шу сабаб ҳам жамиятда Хитой маданияти ва анъанавий турмуш тарзи Ғарб қадриятларидан устун деган дунёқарашни шакллантириш зарурати туғилди. Аҳолини “бегона қадриятлар”дан ҳимоя қилиш ва миллий мафкура теграсида бирлаштириш устувор вазифага айланди.

Мамлакатда марксизмга асосланган коммунистик мафкура ҳануз етакчи ўрин эгаллайди. XX аср ўрталарида, Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган дастлабки даврларда Карл Маркс таълимоти халқни чет эл босқинчиларига қарши курашга сафарбар этиш, урушдан кейин вайронгарчиликларни бартараф қилишда ўзига хос маёқ вазифасини ўтаган эди. Ўтган вақт мобайнида ҳукмрон мафкура эврилишга учради. ХХР асосчиси Мао Цзэдун даврида марксизм қонун-қоидалари жамият ҳаётини тўлиқ назорат қилган, аҳоли тур-



муши буткул сиёсийлаштирилган бўлса, кейинчалик “ислохотлар меъмори” Дэн Сяопин социалистик бозор иқтисодиёти барпо этиш дастурини амалга татбиқ этди.

Хитойда кўппартиявийликка асосланган рақобат муҳити йўқ, монопол мавқедаги коммунистик партия 100 миллионга яқин аъзога эга. Шундай бўлса-да, давлат бошқарув тизими барқарор фаолият юритмоқда. Бу феноменал ҳолатни Хитой халқининг асрлар давомида шаклланган ҳукмдорга содиқлик ва одил бошқарув хусусидаги сиёсий тафаккури билан изоҳлаш мумкин.

Марксизм таълимоти ўтган асрда Хитойда кескин синфий курашларга сабаб бўлган эса, у ҳозирги вақтда жамиятни бирлаштирувчи бош ғоя ўлароқ қабул қилинади. Шунга кўра ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш, жамият турли қатламлари манфаатларини инobatга олиш, бойликларни адолатли тақсимлаш, муҳтож табақани ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилади. Бозор тамойиллари устувор бўлган, миллионлаб хусусий компаниялар фаолият юритаётган бир вақтда миллий иқтисодиётда етакчи ҳисобланган юзлаб гигант корхоналар давлат тасарруфида қолаётир. Ҳукумат бу ҳолатни “тараққиёт муайян гуруҳлар эмас, балки умумхалқ манфаатларига хизмат қилмоғи лозим” экани билан асослайди.

Азалдан Осиё халқлари маданиятида жамоа манфаатларини шахс манфаатларидан устун қўйиш урф бўлиб келган. Инчунин, хитойликлар ҳаётида ҳам зиддият ва низоларга берилмаслик, ҳокимият ва ҳукмдорга садоқат, сиёсий анъаналарга

хурмат руҳи муҳим ўринга эга эди. “Осмон-ости ўлкаси”да адолатли бошқарув ҳақидаги қарашлар, Ғарб сиёсий маданиятидан фарқли равишда, асосан ҳукмдорнинг одоб-ахлоқи ва одиллиги билан боғлиқ мазмунни ўз ичига олади.

Ҳар қандай мафкура давр ўтиши билан янги талаб-тамойилларга мослашмоғи лозим. Хитойда ҳам ҳукмрон мафкурани бугунги давр билан уйғунлаштириш долзарб масалага айланган.

XXI аср бошида мамлакат мафкура майдонида марксистик қарашлар билан бир қаторда конфуцийчилик, даосизм каби анъанавий таълимотлар ҳам оммалаша бошлади. Айниқса, аҳоли орасида бир неча минг йиллик тарихга эга конфуцийчиликнинг таъсири ортди. Конфуций таълимоти ҳокимият легитимлигини мустаҳкамлаш, глобаллашув жараёнида миллий ўзликни сақлаш воситаси ўлароқ қўлланди. Лекин конфуцийчиликнинг Ғарб маданиятига қарши қўйилиши либерализм билан бир қаторда марксизм учун ҳам кучли зарба бўлди. Ушбу таълимот тарафдорларининг фикрича, Европада шаклланган марксизм-ленинизм ғоялари мамлакатни тўлиқ ғарблашувга етаклайди, бинобарин, замонавий муаммоларга Ғарб сиёсий демократиясидан фарқланувчи, “инсоний бошқарув”га асосланган конфуцийлик мақбул ечим бўла олади. Коммунистик партия ишбошилари ҳам марксизмни ислоҳ этиш, таъбир жоиз бўлса, хитойлаштиришда Конфуций ғояларидан самарали фойдаланмоқда.

Хитойнинг миллий тараққиёт бобида ўт ва сув каби бир-бирига терс тушунча ва

ғоялар ўртасида уйғунликни топишга қаратилган саъй-ҳаракатларини теран тадқиқ этмоқ лозим. Боя қайд этганимиздек, Хитой раҳбарияти социалистик давлатлар орасида биринчилардан бўлиб бозор ислохотларига киришди, иқтисодиётда социалистик ва капиталистик ишлаб чиқариш турларидан қай бири афзал экани ҳақидаги назарий баҳсларни бир четга суриб, кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланди. Сирасини айтганда, иқтисодий сиёсат Ғарбга хос тараққиёт модели асосида юритилди. Йиллар ўтиб ислохотлар ўз мевасини берди, ишлаб чиқариш бобида мисли кўрилмаган ютуқларга эришган Хитой дунёнинг иккинчи рақамли иқтисодиётига айланди, юз миллионлаб инсонлар қашшоқлик домидан халос бўлди. Қизиги, ана шундай шароитда ҳам давлат иқтисодиётда етакчилик ролини бермай келмоқда.

Пекин ҳукумати сиёсий тузум ва ғоявий қарашларига нисбатан танқидларга фаол жавоб беришга интилади. Масалан, АҚШ Давлат департаментининг дунё мамлакатлари бўйича йиллик ҳисоботларида Хитой инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган автократик давлат сифатида баҳоланади. Хитой ҳам Америкада инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ҳақида жавоб ҳисоботлар эълон қилиб боради. Пекин расмийлари фикрича, Қўшма Штатлар инсон ҳуқуқлари масаласидан бошқа мамлакатларнинг обрўсини тўкиш учун сиёсий қурол сифатида фойдаланади.

Хитойда аҳолини расмий мафкурага зид, хорижий ахборот манбалари тарқатадиган ёт ғоя ва зарарли ахборотдан муҳофаза қилиш мақсадида интернет макони-

да “Олтин девор” деб номланган дастур ишлаб чиқилган. Шу тариқа давлат сиёсати ва партия қадриятларига гард юқтирадиган ахборотлар йўли тўсилади. Интернет фойдаланувчилари чекловлар сабабли аксарият ҳолларда хорижий ахборот манбаларидан фойдалана олмайди. Чет эл сайтларидан фойдаланиш учун тегишли рухсатномага эга бўлиш талаб этилади.

Ижтимоий барқарорликка путур етказадиган ҳар қандай маълумот жамият учун зарарли деб топилиши мумкин. Ҳозир Хитойда 50 мингдан зиёд ходим интернетдаги маълумотлар мазмунини кузатиб боради.

Албатта, замонавий ахборот жамиятида кўп миллионли аҳолига бир хил нуқтаи назарни сингдириш деярли имконсиз иш. Бироқ ҳукмрон партия биринчи навбатда одамларнинг асосий масалаларда у билан яқдил бўлишини истайди.

Хитойнинг халқаро миқёсда кудрати ошиб боргани сари унинг дунё мафкура майдонидаги ўрни борасида турли тахминлар пайдо бўлди. Бинобарин, Пекин расмийлари мамлакат ташқи сиёсатида мафкура масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашади. Дунёда коммунизмга нисбатан ишончсизлик, салбий муносабат илдиз отган вазиятда Хитой ташқи сиёсатда муқобил ғояларни кўриб чиқишга мажбур. Сиртдан қараганда, ташқи сиёсат мафкура омилидан йироқ, ҳукумат иқтисодий манфаатларга хизмат қилувчи кучли прагматизмга таянади, деган янглиш хулосага келиш мумкин. Аслида эса Чин ўлкаси ишбошилари аллақачон ташқи дунёга мўлжалланган мафкурани шакллантириш тараддудига тушган.

Либерализм ва демократик давлат таълимоти “совуқ уруш” якунига етгандан то бугунги кунгача дунё мафкура майдонида асосий ўринни эгаллаб келаётган эди. Аммо кейинги йилларда Яқин Шарқдаги ислом фундаментализми, Европа популизми, Хитой анъанавий қадриятлари либерализмга жиддий рақобат туғдирмоқда. АҚШдан кейинги қудратли давлат ҳисобланган Хитой мафкуравий қадриятлари ҳатто либерализм ўрнини эгаллаши ҳақидаги фараз ҳам янграмоқда. Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши, халқаро сиёсатдаги фаоллиги, замонавий технологиялар соҳасида улкан муваффақиятларга эришаётгани каби кўплаб омиллар шу каби баҳсли фикрларга доялик қилаётган бўлса ажаб эмас. Қайд этиш жоизки, либерализм халқаро майдонда мушкул даврни бошдан кечираётган бўлса-да, ҳали ҳам энг катта таъсирга эга глобал мафкура бўлиб қолмоқда. Ҳозирда унинг кучли рақобатчиси мавжуд эмас.

Хитойнинг либерализм ўрнига муқобил мафкурани таклиф қилишига элита ичида мафкура борасида ягона тўхтаб мавжуд эмаслиги ҳам тўсқинлик қилади. Мамлакат раҳбарияти ташқи сиёсатнинг мафкуравий асосларини белгилашда “умумий тақдир ҳамжамияти”, “уйғунликда ривожланиш” каби ғоялар, иқтисодий прагматизм ёки анъанавий қадриятлардан бирини танлашда иккиланмоқда. Фикримизча, иқтисодий прагматизм Хитойнинг халқаро таъсири кенгайишида муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, иқтисодий ўсишнинг реал кўрсаткичлари аксар ҳолларда мамлакат имижини яхшилади.

Яна бир жиҳат шуки, ички ҳаётда ҳукмрон мавқега эга марксизм ташқи сиёсатда таъсир кучига эга эмас. Марксистик мафкурада демократиянинг инкор қилиниши, синфий кураш, инқилобнинг тарғиб қилиниши бугун демократик жамият қуришга интилаётган дунё мамлакатлари томонидан қабул қилинмаслиги аниқ. Буни тўғри тушунган ҳукумат марксизмдан ташқи сиёсат қуроли ўлароқ фойдаланмайди.

Сўнги йилларда “Хитой орзуси”, “хитойча хусусиятларга эга янги давр социализми” каби истилоҳлар тез-тез тилга олинмоқда. Хусусан, “Хитой орзуси” замирида дунё халқларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорликка эришиш ва юқори турмуш шароитига эга бўлиш каби мақсадлар мужассам.

Халқаро майдонда қудрати тобора ошиб бораётган Хитой глобал таъсирга эга бошқа давлатлар сингари ғоявий қадриятларини ҳам дунёга ёйишни истайди. Бу борада турли усуллардан фойдаланилмоқда. “Тил стратегияси” ана шулардан биридир. 2014 йилдан Си Цзиньпин ғояларини халқаро миқёсда оммалаштиришга киришилди. Унинг “Давлат бошқаруви тўғрисида” номли китоби кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, кўп миллион ададда нашр этилди. Шунингдек, Конфуций институтлари сингари маданий таъсир марказлари кучидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Ғоявий таъсир кўламини кенгайтиришда “Бир камар, бир йўл” ташаббуси ҳамда ривожланаётган мамлакатларга кредит бериш механизми ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, “Бир камар, бир йўл” лойиҳасининг ютуқларини тасвирлашда “ягона тақдир ҳамжамияти”

ғояси кўп тилга олинмоқда. Унга кўра, дунё давлатлари биргаликда тинч ривожланиши ва бир ёқадан бош чиқариб уйғун дунёни қуриши керак.

Хитойдаги мафкуравий манзара мураккаб ва ўзига хос эканини яна бир карра таъкидлаш ўринлидир. Жамиятда мустаҳкам қарор топган тарихий мафкура ва қарашлар миллий манфаат ҳамда миллий қадриятлар асосида замонавий тушунчалар билан бойитиб борилади. Бу эса ижтимоий бўҳронлар, кескин сакрашлардан муҳофаза этади.


Сўнги ярим аср мобайнида Хитой мураккаб иқтисодий ва сиёсий йўлни босиб ўтди. Иқтисодиёти заиф, камбағал давлат дунёнинг энг қудратли мамлакатларидан бирига айланишида мафкуравий ўзгаришлар қай даражада аҳамият касб этди? – бу жиддий тадқиқотларга ундайдиган масаладир.

Таъкидлаш лозимки, Хитой мафкурасининг негизини ташкил қилувчи марксизм мамлакат равнақида муҳим ўрин тутган бўлса-да, XX асрнинг 50-60-йилларида миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритган “катта сакраш”, “маданий инқилоб” каби сиёсий тажрибалар ҳам айна шу ғоя таъсирида амалга оширилган эди.

Мафкуранинг бутун жамият ҳаёти, кундалик турмушнинг ҳар бир жабҳасини назорат қилишга интилиши салбий оқибатларга олиб келиши сир эмас. Буни 1978 йилга қадар Хитойда кузатилган ҳолат ҳам тасдиқлайди. Оқибатда мамлакат қоқоқлик

ва турғунликка юз тутди. Дэн Сяопин раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жамият эркинлашди, иқтисодий сиёсат мафкурадан холи этилди, маҳдуд давлат дунёга юз бурди. Аммо Хитойда мафкура орқали жамият ҳаётини тўлиқ назорат қилиш, уни сиёсийлаштиришга интилиш яна кучаймоқда. Ўн йил аввал давлат тепасига келган Си Цзиньпин Хитой сиёсатида охириги вақтларда шаклланган анъанага чек қўйиб, Коммунистик партиянинг 2022 йил октябрдаги съезидида учинчи марта раҳбарликка сайланди. Бу ҳодиса мамлакатда сўз эркинлигининг, фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига оид хавотирларни юзага келтирди. Таҳлилчилар фикрича, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ чекловларга қарши намойишлар, ушбу хасталиқдан вафот этаётганлар сони ошиб бораётган мураккаб бир вазиятда фуқаролар ҳаётини бутунлай назорат қилишга уриниш акс натижа бериши мумкин.

Аксар давлатларда муваффақиятсизликка учраган социализм таълимоти Хитойда истисно тариқасида ижобий натижа бергани бу халқнинг умумий мақсад йўлида жипслашуви, меҳнаткашлиги, қолаверса, ҳукмрон мафкуранинг тараққиёт талабларига кўра ислоҳ этилгани сингари омиллар билан изоҳланади. Социализмга асосланган Хитой тараққиёт тажрибаси, ривожланишни важ қилган ҳолда, сўз ва матбуот эркинлиги, шахс ҳурлиги каби қадриятларни чеклаш мумкин экан, деган янглиш хулосага олиб келмаслиги керак.



Виктор АЛИМАСОВ

ЕРККА YO'L

Эссе

Ҳаёт маъно-маъзи ҳақида ўйлайдиган ҳар бир киши “Нима учун дунёга келганман? Умрни сермазмун ўтказиш сири нимада? Нима қилсам яқинларим, эл-юртим ва Ватанимга кўпроқ нафим тегади?” каби саволларга жавоб излар экан, беихтиёр ирода, эрк масаласига дуч келади. Чунки кишининг ижтимоий субъект экани, жамиятдаги ўрни, ўзлигини намоён этиши айна шу икки тушунчага боғлиқдир.

“Реаллик, эркинлик ва шахс муаммоларини ечолмаслик ёки ушбу муаммоларни нотўғри ечиш фалсафанинг нохуш аҳволи,

ички импотенцияси, у танлаган йўл хатолигининг кўрсаткичидир. Реаллик, эркинлик ва шахс мужмал талқин этилган фалсафа шубҳали ҳамдир” (*Бердяев Н. Философия свободы. Смысл творчества. Москва, “Правда”, 1990. Стр. 21*), деб ёзган эди атоқли файласуф Николай Бердяев. У ирода феноменини шахснинг реалликдан ўзиб, эркинликни англашига боғлиқ ҳолда шарҳлайди. Реалликдан ўзмай эркинликка етиш душвор. Эркинлик йўли ирода орқали кечади. Ҳар қандай эрк ирода ифодасидир. Бироқ шахс ҳаётидаги пара-

докс шундаки, у реалликдан мутлақ холи бўлолмайди – демак, мутлақ эркинлик ҳам йўқ. Бу тақдирда эркинлик ва ирода ҳақида фикрлашда маъно қолмайди-ку?! Ҳа, бир қарашда шундай, лекин инсон онгли мавжудот сифатида маъносизликдан маъно излаб яшашга мажбур. У нима излама-син, бари, Бертран Рассел таъбири билан айтганда, нисбий, чекланган ва номукамалдир (*Рассел Б. Человеческое познание. Москва, “Иностранная литература”, 1969. Стр. 587*).

Иродани шахс аффектидан келтириб чиқариш кенг тарқалган. Иродасиз инсон йўқ, биз энг иродасиз деб биладиган шахс ҳам муайян даражада иродага эга. Зотан, ирода инсон мавжудлигининг, экзистенциал борликда ўзини ўзи намоён қилишининг шартидир. Умумистеъмолдаги субъект, ижод, фаолият, креативлик, изланиш каби тушунчалар иродага маънодош саналади.

Н.Бердяев назарда тутган реаллик априори сифатида ўз-ўзи учун мавжуд. У шахс аффектлари ва гносеологик тажрибаларнинг маҳсули эмас. Лекин улар, жумладан, ирода ҳам реалликни ҳисобга олишга мажбур. Реалликнинг ўз-ўзи учун мавжудлиги, априори экани шахс аффектлари ва гносеологик тажрибаларни нисбий, чекланган, номукамал қилади. Биз нима қилмайлик, нимани билмайлик – бари нисбий, чекланган ва номукамалдир. Ирода номукамални мукамал қилмоққа интилишни англатади. Ирода мутлақ мукамаллик йўқлиги, бироқ мукамални излаш қисмати-дир. Аслида, реалликдан ўзмоққа интилиш

ҳам мукамални топмоққа интилишдир.

А ф л о т у н и родани хуш ва бад кўринишда талқин этган. Хуш ирода эзгулик, олижаноблик, яхши амаллар билан боғ-



лиқ. Бад ирода унинг оксидир. Инсон саъй-ҳаракатларининг барчаси ушбу таснифга мос келади. Бу эса саъй-ҳаракатлар дуалистик воқелик эканини тасдиқлайди. Биз улардан, истасак – яхшилик, истасак – ёмонликни топишимиз мумкин. Бундай талқин пировард натижада англашга, гносеологик талқинга бориб тақалади. “Фикр-лаяпманми, демак, мавжудман” (Рене Декарт). Аммо иродани, умуман, инсон саъй-ҳаракатларини англашдан, фикрлашдан чиқариш, менимча, тор ёндашувдир. Бу апостериори, яъни билишнинг тажрибадан келиб чиқишини шубҳа остига олади. Ирода аффект натижаси ҳам, талқин натижаси ҳам эмас, саъй-ҳаракат ифодасидир. Хуш ирода ҳам, бад ирода ҳам маълум бир саъй-ҳаракатни англатади. Инсон ўзининг экзистенциал борликда мавжудлигини саъй-ҳаракатлари, яъни иродаси орқали тасдиқлайди. Бундай талқинга мувофиқ, ирода эркинликда ва, аксинча, эркинлик иродададир.

Фалсафада ирода концепцияси асосчиси Артур Шопенхауэр ўзининг “Дунё – ирода ва тасаввур сифатида” асарида муаммонинг турли жиҳатларини очиб берган.

Асар қанчалик қизиқиш билан ўқилмасин, “дунё менинг тасаввурларимдир” деган асосий ғоя эътироз уйғотади. Файласуф наздида, ирода тасаввурлар ифодасидир. Дунёни тасаввурлар маҳсули сифатида англайдиган одам иродани ҳам тасаввурлар инъикоси сифатида талқин қилиши табиий ҳол, албатта. Шопенхауэр априориси реалликни мужмал талқин этади, дунёни тасаввурлардан иборат қилиб қўяди. Аслида, ирода реалликнинг реаллигини тан олишдир. Агар реаллик бўлмаганида ирода саъй-ҳаракатлар ифодаси эмас, аффектлар ва тасаввурлар кўриниши бўлиб қоларди. Ирода реалликка, дунёга қаратилгани боис ҳам саъй-ҳаракатлар орқали ифодаланади.

Эркинликда ирода мужассам, гоҳо у ирода ифодаси сифатида келади. Эркинликни табиий ҳол сифатида англовчилар ҳам бор. Н.Бердяев унинг илдизини инсон иродасидан ташқаридан – илоҳий борлиқ, трансцендентдан излайди. Унинг назарида эркинлик илоҳийликни, трансцендентни билишдир.

Бундай талқин аксар диний-фалсафий таълимотларда учрайди, аксиома сифатида тан олинади. Уларда ирода ва эрк ҳам теологик талқин қилинади. Тафаккур тарихи кўрсатадики, бу борада теистлар (художўйлар) ва атеистлар (дахрийлар) ўртасидаги муносабат бирор натижага олиб келмаган. Аммо реал ҳаёт ўз прагматизмию утилитаризми билан ирода ва эркин ўз талабига тобе этиб келади...

Эрк – бошқа эрк туйғули ҳам эрkdir. Эркинлик реаллик билан боғлиқлиги бошқа

эрк билан боғлиқлиги туйғулидир. Эрк эрки яратади, бу унинг ижодкорлигидир. Чин ижод – эркин ижоддир. Эркин бўғиш – ижодни, эркин ижодни бўғиш демак. Менинг эркинлигим бошқа бировнинг эркини қўзғаса ёки бировни эркин ижодга ундаса, ижтимоий аҳамият касб этади. Ўз-ўзи учун мавжуд эрк йўқ, эрк мудом ким учун ёки нима учундир. Ирода ҳам худди шундай. Инсон умр мазмунини ана шу “ким учун” ва “нима учун”да топади. Акс ҳолда барча саъй-ҳаракатлар Сизифнинг бесамар уришларига менгзайди.

Эркиннинг бировнинг эркига таъсири менинг кимлигимни билдиради. Эрк эрки яратади, ирода эса эркинни тасдиқлайди. Реалликка, дунёга қаратилган ирода ва эрк аслида реалликдан, дунёдан олинган ирода ва эрк ҳисобланади. Реаллик, дунё ирода ва эркиннинг ўзгарган, бойиган, эврилишга учраган тарзда қайтишини истади, ана шунда улар ўз вазифасини адо этади. Минг афсуски, ирода ва эркиннинг ижод тарзида реалликка, дунёга қайтиши осон рўй бермайди. Бу ўринда ирода устуворлик, масъулликни зиммага олмоғи зарур. Эрк ирода учун ўзини намоён этиш майдони, имкони вазифасини ўтайди. Бу майдон ва имкондан фойдаланиш мудом ирода амридадир.

Қанчалик реалликдан келиб чиққан ва уларга қайтадиган бўлмасин, ироданинг ички сентенция, кечинмалар билан боғлиқлигини инкор қилиб бўлмайди. Ироданинг истак, ният, дадиллик, фидойилик, мардлик каби ички туйғулар билан уйғун келиши эркиннинг аҳамиятини сусайтирмайди. Ушбу туйғулар эрк ифодаси бўлгани

дагина шахсга қониқиш тухфа этади. Улар эрк сифатида шахсда фахр уйғотади. Эрк сифатида англамайдиган ички туйғулар шахсга зўравонлик, мажбурловдек туюлади. Мана, биз эркин нима учун қадрлаймиз, гоҳо ҳаётимиздан устун қўямиз, жонимизни гаровга қўйиб у учун курашамиз! Олимлар иродани ички кечинмалар, аффектлар билан боғлаганида эркин ҳисобга олишмайди. Ваҳоланки, ирода эркиннинг ифодаси, иродани англамоқчи бўлган шахс эркин гносеологик қизиқишлари предметига айлантириши шарт. Эрк ироданинг атрибути сифатида ўзини ҳам, иродани ҳам ижод турига айлантиради.

Ирода концепциясини инсоннинг интеллектуал, креатив кучларини рўёбга чиқариш омили сифатида талқин қилиш чет элларда кенг тарқалган.

Тадбиркорлик, бизнес, ишбилармонлик асосларини ирода ва эрк билан боғлаш, шахсни реал борлиқдан ўзиб яшашга ўргатиш, мураккаб ички ва ташқи таъсирларни ирода кучи билан ҳаётнинг мақсадларга бўйсундириш кўникмасини шакллантириш осон вазифа эмас. Дидактикадан холи, аммо шахснинг индивидуал ички кучларини ҳаракатга келтириш усулларидан фойдаланиш сўнги йиллардаги тадқиқотларда марказий ўринда туради. Масалан, АҚШнинг собиқ президенти Дональд Трамп ҳаётда улкан мақсад танлаб, бутун куч ва ирода билан унга интилиб яшаш зарурлигини таъкидлайди (*қаранг: Трамп Д. Думаи как чемпион. Москва, “Альпина”, 2019*). Ўзи икки марта миллиардлаб маблағидан айрилгани, ҳатто овқатланишга

Эркинлик йўли ирода орқали кечади. Хар қандай эрк ирода ифодасидир. Бироқ шахс ҳаётидаги парадокс шундаки, у реалликдан мутлақ холи бўлмайди – демак, мутлақ эркинлик ҳам йўқ. Бу тақдирда эркинлик ва ирода ҳақида фикрлашда маъно қолмайди-ку!..

пули қолмагани, лекин кучли ирода ва журъати билан қайта оёққа тургани, буюк давлат президенти лавозимига кўтарилганини мисол келтиради. Манҳеттенни қурган номдор тадбиркор ҳаётнинг мақсадига кучли иродаси ва дадиллиги билан етганини фахр билан ҳикоя қилади. Улкан ҳаётнинг мақсад қўйиш... бунини ким ҳам орзу қилмайди дейсиз! Қийин эмас, аммо унга етиш учун улкан ирода ҳам керак. Бу қулайлик, ҳузур-ҳаловат, айш, роҳат, ялқовлик каби стереотиплардан воз кечишни тақозо этади. Лев Толстойдан “Қандай яшашга?” деб сўрашса, “Рухим беором” деб жавоб берар экан. Беором яшамоқ буюк ҳаётнинг мақсадларни олдига қўйган шахсларнинг қисмати, асли.

Фридрих Нитше иродани ҳокимиятга интилиш билан боғлайди. Унинг “ҳокимиятга бўлган ирода” ибораси турлича фикр-мулоҳаза уйғотиб келади. Инсоннинг саъй-ҳаракатларини ҳокимиятга интилиш билан боғлаш ғалати туюлади – унинг замирида

*Имкониятсиз ирода ўзини
намоён қила оладими? Йўқ.
Имкониятсиз эрк мавжудми?
Йўқ, албатта. Имконият –
ирода ва эрк кафолатими?
Уни ким беради? Жамиятми?
Давлатми? Худоми? Балки
шахснинг ўзи ўзига имконият
яратар?..*

ўта реалликка (сюрреализм) даъво бордек. Файласуфнинг “Ҳокимиятга бўлган ирода” асари нигилистик фикрларга тўла. У ахлоқ, маданият, дин, анъаналарни рад этади, шу тарзда янги борлиқни яратишга ундайди. Фикрлар тўфони файласуфни телбахонага ташлайди, умрининг охириги ўн йилини ўша ерда ўтказишга мажбур бўлади у.

Айни чоқда, файласуф келажакка ишончсиз ҳам эмас. Бу ишончни у Европани сиёсий бирлаштироққа интилаётган Наполеонда кўради. Унинг назарида таназзул (бу борада Освальд Шпенглер, Арнольд Тойнби ва Патрик Бьюкенен ҳам ёзган) кетидан янги куч келяпти. Бу кучни у Наполеон ва Гёте руҳи издошларида илғайди. Бу куч дунёни бирлаштироқ азмига эга. Нитшенинг “ҳокимиятга бўлган ирода” ғояси кейинчалик “яшашга ирода” (Виктор Франкл), “эркка ирода” (Махатма Ганди), “ижодга ирода” (Николай Бердяев), “прагматик ирода” (Чарльз Сандерс Пирс, Уильям Жеймс, Жон Дьюи), “ёвуз ёки де-

структив ирода” (Эрих Фромм, Раймон Арон), “оммавий ирода” (Ортега-и-Гассет) ва “шахсий ирода” (Рой Баумайстер, Игорь Манн, Робин Шарма, Роберт Кийосаки) каби персонализм, индивидуал фаоллик тарафдорларининг қарашларига таъсир этди.

Бунинг ёрқин мисоли Роберт Гриннинг “Ҳокимиятнинг 48 қонуни”, “Ўйин усталари” ва “Инсон табиатининг қонунлари” асарларидир. Муаллиф “инсон мудом ким ёки нима устидандир ҳокимлик қилишга интилади, бу йўлда энг разил, бешафқат усулдан ҳам қайтмайди” деган концепцияни асослашга интилади. Демак, ирода деструктив, бешафқат бўлиши мумкин. Айниқса, ҳокимият, давлат бошқаруви шундай сифат соҳиби бўлган шахслар қўлига тушса! Ҳитлернинг интеллектуал, гуманистик-фалсафий қарашларга мойил олмонларни, Муссолинининг Уйғониш даври орқали Европада гуманистик тараққиётни бошлаб берган итальян халқини фашизмга ишонтиргани, ёвуз мақсадни жамиятга сингдира олгани ҳанузгача таажжуб уйғотади. Наҳотки, халқ иродаси шу қадар заиф ва кучсиз бўлса?! Перикл, Жан-Жак Руссо, Иммануил Кант, Раймон Арон, Карл Поппер, умуман, халқ ҳокимияти, демократия ва эркинлик ҳақида фикр юритган Жон Локк, Огюст Конт, Карл Маркс, Ҳанна Арендт, Жон Роулз каби мутафаккирларнинг ғоялари, даъватлари, наҳотки, сафсата бўлса? Улар учун ирода ва эрк сўз ўйиними? Ҳа, афсуски, кўпгина сиёсатчилар учун халқ иродаси ва эрки анчайин сўз ўйини, жами-

ятни ўз истаклари бўйича яшашга мажбур этиш технологиясидир. Бу ўринда мисоллар етарлича, уларни четдан ҳам, ўзимиздан ҳам келтиришимиз мумкин. Бир файласуф айтганидек, “Ким ирода ва эрк ҳақида ёзмоқчи бўлса, у ҳузур-халоватидан кечсин”. Чунки бу тушунчалар негизда ҳеч ким топиб-асослаб беролмаган ва топиши ҳам мушкул бўлган жумбоқ, яъни борлиқ субстанцияси, асоси ётади. Уни Арасту сонда деб билди; ушбу сон аввал адолат, кейин руҳ ва ақл, кейин эса имкониятдир, деб кўрсатди (*қаранг: Коэн М. Взламывая философию. Москва, АСТ, Стр. 72*). Бу ўринда имконият тушунчаси муҳим. Имкониятсиз ирода ўзини намоён қила оладими? Йўқ. Имкониятсиз эрк мавжудми? Йўқ, албатта. Имконият – ирода ва эрк кафолатими? Уни ким беради? Жамиятми? Давлатми? Худоми? Балки шахснинг ўзи ўзига имконият яратар? Унда жамияту давлатга не ҳожат? “Ким дунёнинг моҳиятини билмаса, у ўзининг қаердалигини ҳам билмайди. Ким нима учун яратилганини билмаса, у ўзининг кимлигини ҳам, дунёнинг нималигини ҳам билмайди” (Марк Аврелий). Арасту назар-

да тутган “имконият” инсонга ирода ва эрк орқали бу дунёнинг моҳияти ва ўз яратилиш маслагини билиш учун берилгандир.

Инсон мудом ирода ва эрк амрида. Иродангиз пойдор бўлса, яшашга, яратишга, борлиқни ўзгартиришга қодирсиз; эркин инсонсиз. Ўзига ирода тиламоқ – ўзига эрк тиламоқдир. Фақат иродали инсон эркка, эркин яшашга муносибдир. Биз эркин ирода инъоми бўлгани учун севамиз. Демак, ирода ва эрк инсоннинг ўз-ўзига инъомидир. Эркин севиш – иродани севишдир; ирода ва эркин севиш – инсоннинг ўзини, ўзи яратган дунёни севишидир. Севган одам яратмоққа қодир! Ирода ва эрк амрига мувофиқ севмасангиз ва яратмасангиз, бу дунёнинг нелигини ҳам, нимага яратилганингизни ҳам билмай кетасиз...

Биз кўпинча ўзимизга эркин, эркин яшашни тилаймиз. Аслида, аввал эркка муносиб ирода тиламоқ керак. Иродаси бор одам эркка ҳам эришади, эркини ҳимоя ҳам қила олади. Иродасиз кимсага берилган эрк – қафасга ўрганган қушга берилган ҳуррият кабидир...



Шодмонқул САЛОМ

SENGA TAQLID QILMAYMAN, DUNYO!

* * *

Ориповга ҳавас қилардим,
 Ўртар эди мунгли ноласи.
 Ўтмас пичоқ бўғзим тилишин
 Қайдан билай – қишлоқ боласи.
 Ҳайратларим учди ҳавога,
 Саробмидинг, азим келажак?
 Ҳаммасига етар-ку фаҳминг,
 Бошқа гапни айтишинг керак.
 Шоирларни отгали ўқим,
 Кўрмоққа кўз йўқдир гоҳи... рост!
 Йигига зўр берган қизчадай
 Шеър ёзишни билурлар, холос.
 Ким кўрибди бу тўнғиз дунё
 Куй тинглаган, рангларда ёнган?
 Ҳеч ким билмас жодугар бу дев
 Қачон гўдак ёшига қонган?
 Навоийнинг саботин айтманг,
 Тақвонг ибрат эмас, Саъди-ё!
 Булбулларнинг юрак қонига
 Пайтавасин ювгандир дунё.

Бахти кулган, беқайгу дея
 Ориповга ҳавас қилардим.
 Тунлар баднафс итлар галаси
 Талар экан, қайдин билардим?!
 Йўқ, мен шоир бўлмоқчимасман!
 Ожиз қалам ва гариб тилак...
 Керак эмас ўзи тўймаслар
 Таъна билан ташлаган суяк.
 Йўқ-йўқ, шоир чиқмагай мендан,
 Гўл боламас менинг юрагим.
 Бойчечакни юлмоқчимасман,
 Олислардан кўрмоқ – тилагим!
 Аё зоҳид, йўқ, кибр этмам,
 Чин тавбам бор Ўзига бешиак.
 Аёлининг ўйнашига ҳам
 Зар тўн ёнган тўйни этгум тарк.
 Мардлар, алплар – зўр афсоналар...
 Уларни ҳам шоирлар ёзган!
 Гар яшаган бўлса ҳам улар,
 Қиличида қабрини қазган.
 Мардлар, эрлар – яшамаган, йўқ,
 Чумолига таланиб ўтган.
 Бу очкўзлар зиёфатидан
 Туз ҳам тотмай ўтса бўларкан.
 Эй, қўлимга қараган дунё!
 Қўлим тўла шамол ва ранглар.
 Сен ҳимиллаб, терлаб ўлтиргин,
 Чулғамайди сени оҳанглар.
 Йўқ, мен шоир бўлмоқчимасман,
 Кеч бўлса ҳам этакни ёндим.
 Сизнинг эсноқ ростингизданмас,
 Ёлгонлардан бир ҳикмат топдим.
 Англаб қолди юрагим менинг,
 Ёлгонларни ўгирдим чиндай;
 Бошин силаб бир етимчанинг,
 Ҳамёнини ўгирлагандай.
 О, билурман, чин шоирлар бор!
 Ҳа, шубҳасиз, бор хабардир шеър.

Улуғ шоирларимни ютиб,
Қайтимига бизни бердинг, Ер.
Сенга ўхшаб қолди шоирлар,
Менга ўхшаб қолди шоирлар.
Алиф каби келмиш эдилар,
Нунга ўхшаб қолди шоирлар.
Воҳ! Бўғзимда бир булбул хордир,
Овқат тиқиб йўл бермас риё.
Ориповга ҳавас қилгандим,
Сенга тақлид қилмайман, дунё!

XXI асрга айтарим

Замин бекор айланмас экан,
Вақт фазода фитна тугади.
Юлдузларнинг гоҳи-гоҳида
Ер шарига кўзи тегади.
Йўқ, шунчаки нур сочмас қуёш,
Тутқун сингил – ой тўлмас бекор.
Товонимга кирган тиканнинг
Юпитерда ҳисоботи бор.
Тили бўлса айтсин денгизлар,
Эси бўлса тушунсин одам:
Юпанч учун келмас кундузлар,
Қўрқув учун тугилмас тун ҳам.
Йўқ, бекорга айланмайди Арз,
Ғам, шодликда мувозанат бор.
Фақат тўлаб қутулинар қарз,
Катта, жуда катта ҳисоб бор.
Жуда катта даргоҳ бор – бешик,
Жуда улуғ нигоҳни кўрдим.
Бобом отган она мамонтнинг
Гуноҳига мен қўрқиб турдим.
Томирдаги қоним кўп қадим,
Гарчи кўп бор тиг урди риё.
Бухорийнинг таҳоратидан
Қолган сувга юз чайгил, Дунё.
Эй сен, кўкка бир бор боқмаган,
Руҳи – банди, мудраган юрак.

Боланг “нон” деб қўл чўзган вақти
Сенга Қуддус нимага керак?!
Панамангни ечгин бошингдан,
Мен дўптимни олай қўлимга.
Маҳатмани отган қотил ҳам
Кимга ўхшар: сенгами, менга?
Бунда чекма – димиқди олам,
Руҳиятни тутунлар қучди.
Уйгонолмай чирпанар болам,
Оёқлари Озонни тешиди.
Брунони ёқиб, сўнг унинг
Ёругида ўқ йўнган, эй кин,
Шарқ кўтарган машъала томон
Етсин дея айланар замин.
Бир карвонда кетаётирмиз,
Кетаяпмиз, йўлдошим, ишон.
Нечун совуқ зерикишинга
Пайгамбарлар бўлсинлар нишон?
Айтмай десам, айтмоқ – менга фарз,
Ёзмай десам, юрак тўла шеър.
Боққил, қандай кенгдир бу олам,
Қара, қандай айланади Ер,
Бешик каби чайқалади Ер...

Шоир руҳи

Йигламоқ ҳам бир шеърдир, шеърдай оқади ёшим,
Юраги хуруж қилган Ердадир бир адашим,
Ўзи ўзимга ўхшар, мен билан тенгдир ёши,
Ул Нуҳнинг кемасидан жой тегмаган мамонтдай,
Қўрқув ё андишадан кўзидан тинмай ёши,
Овозини чиқармай ҳўнграб бораверади.

Зоҳирда тасдиқ этиб, ботинида инкорлар,
Саратонда ҳам кетмас кўксин музлатган қорлар,
Битмайдиган ярасин сира қилмай ошкорлар,
Суюкларин синдириб ўтиб борар устидан
Занглаган қўнгироққа эргашиб юрган норлар,
Тишин тишига босиб инграб тураверади.

Овози етмасин деб карнай чалиб турарлар,
Бир ўғрилиқ қилганда ойлар тўлиб келарлар,
Кимнинг дардини олса, сўнг шу соғлар куларлар,
Соқий, тўлдириб қуйгил, унга шернинг сутидан,
Не асрким, йўлбарсни хашак бериб боқарлар,
Оҳи гулларга сингиб титраб тураверади.

Баргда турган томчини ёмгир деса, ишонган,
Лойдан маъбуда ясаб, кейин шунга сизинган,
Соясига суянган, кўпайишса қувонган,
Болдирин томирлари бўртиб чиққан асирлар –
Оғриётган жойини айтолмай жим таянган,
Мардона руҳ қилт этмай, чидаб тураверади.

Раббим! Бундан аввал ҳам шундай савдо бўлганми?
Бу оламнинг чиптаси ортиқча сотилганми?
Бу шум хочга Исодан бошқа ҳам тортилганми?
Зинокорнинг завқидай, беванинг қаргишидай
Бу талх майдан одамдан бошқа ҳам тотинганми?
Шуни сендан чирқираб сўраб тураверади,
Овозини чиқармай ҳўнграб бораверади...

* * *

Ҳали сенинг юзларингдан доғлар кетар,
Кетар менинг кўксимдаги губорлар ҳам.
Ҳали сенинг тушларингни ой ёритар,
Оқ турнадек учиб келар хабарлар ҳам.
Ахир, ҳали осмон борин айтгани йўқ,
Замин ҳали бергани йўқ бор меҳрини.
Ҳали офтоб ўз сўзидан қайтгани йўқ,
Шоир ҳали ёзолмади зўр шеърини.
Ҳали дунё киприк қоқмай жим турибди,
Ҳали меҳмон бўлолмаган туйгулар бор.
Болаликнинг тушларида яшаётган,
Адолатли кўзёшлар бор, кулгулар бор.
Жангга кетган ботир каби бўз тўлқинлар,
Дарё гувоҳ – соҳилига қайтгани йўқ.
Согинч ҳали бу дийдорга тайёр эмас,
Интиқ кутган, лекин бунини кутгани йўқ.

Ҳали умид йўл четида ўлтирибди,
Мен бу йўлнинг ҳар бир тошин шарҳлаганман.
Ғаму шодлик тенглашганда кўкка учган
Юлдузларни юрагимда чархлаганман.
Кўрдим, узун кипригининг соясида,
Қирқта малак кокил тарар – нигоҳи чўг.
Шеър келяпти изтироблар воясида,
Энди ёнгин, яшамоқнинг иложи йўқ.
Зўр сукунат Парвардигор ҳузурида,
Юрак вулқон, еру само бир титрайди.
Англаб қолдим, шу лаҳзада англаб қолдим:
Қиёматда шоирлардан шеър сўрайди.

Устоз Шафоат Термизий ёди

Шафоатни кўрдим – кўп ҳоргин,
Нигоҳида ҳасрати тойир.
Ғарқ пишганда ташлаб кетилган
Кузги боққа ўхшарди шоир.
Шафоатни кўрдим сўнги бор,
Оғир ботган болишига боши.
“Шафоати бор юрт бу!” деган
Сатрларга ўхшар кўзёши.
Маили, дедим, хайру хўш қилдим,
Дуо қилди титроқ қўллари.
“Дарё бўлгил, денгизга қўшил,
Оллоҳёрнинг берсин йўлларин”.
Кетдим. Елкам куйди ловуллаб,
Икки кўзин мендан олмайди.
Шоирларнинг елкасида ҳам
Кўзлари бор – алдаб бўлмайди.

* * *

“Исботим йўқ, аммо барин билурман!”
Гунг ва кўр бир тутқун бўзлаб турадир.
Бўйнидаги гулнинг шиқирлашидан,
Юрак тубигача музлаб борадир.
(Шу ҳолида нени кўзлаб борадир?!)

Сайёралар – тасбеҳ Тангри қўлида,
Яшамоқ – гўр ташбеҳ тақдир тилида.
Ўзича мақсаду манзил йўлида,
Адоги кўринмас қисмат чўлида
Чумоли ҳам шошиб, тезлаб борадир.

Вақт тўфони бору йўқни қучганда,
Асрлар кемадай илкис кўчганда,
Бир-бирига тегиб лаби учганда,
Не-не маънолардан маъно ўчганда,
Одам... ҳақиқатни излаб борадир.

Сезаман – заминга келгандир ярмим,
Ярмимни қайгадир яширган Раббим,
Бўлмаса, серсавол бўлмасди қалбим,
Уйғонай дейман-у, етмайди қурбим,
Руҳим тўзонларда бўзлаб турадир.

Умрим – туш. Уйгонгум – мавжудман, чинман.
Тушимда одамман, уйгонсам кимман?
Қирқ йил ухладингиз десалар, жимман,
Аммо тош эмасман, руҳдан қисмман,
Ерга маъно бўлган битта исмман,
Ҳали менга мени сўзлаб берадир,
Кўнгил шу суҳбатни излаб борадир.

* * *

Бул орзуга бул умр кам – биладурмен,
Билиб туриб тагин хуштор бўладурмен.
Ичи қора, юзи гулгун бағритошнинг
Қаршисидан кетолмасдан турадурмен.
Яралмасдан аввалимда жамгарганим –
Арзон-гаров дўконига берадурмен.

Қўлидаги болдай ширин заққумлигин
Тотмай туриб – Ҳақ сездирди – билган эдим.
Дарёдаги чўп устида жуфт чумоли
Ишрат қилиб ўтган эди, кўрган эдим.

Билиб туриб такрор хато қиладурмен,
Бундан зиёд яна қандай ўладурмен.

Азоб бериб кулган сайин севадурмен,
Етолмасим билган сари қувадурмен.
Аё гардун, кири кетмас оёгингни
Юрагимнинг ёши билан ювадурмен.
Айтмишларки, бир кун кўзга тушади кўз,
Бундан ортиқ қандай расво бўладурмен.

Эй, оғзидан кўпик сочган тентак туя,
Эй, Эгаси излаб юрган дайди қулун.
“Воҳ! Мани ҳам қўмсагувчим бор эди-я!
Дод! Бўйнимда қирқ йиллик ип – бунча узун!..”
Арқонимни судраб қаён борадурмен,
Биладурмен, охир тутар – биладурмен.
Билгунимча бунча нодон куладурмен,
Кулиб туриб бир кун жим ўладурмен...

* * *

Тангрим, мени “йўқ” де сўраганларга,
Манзилимни ўчир юракларидан.
Туш кўргандай бўлсин бул қари морбоз,
Сира кўринмайин истакларида.
Йўқ, қўл силтамадим, тушундим, холос,
Асли эрта чиқди менинг саводим.
Бунча кўнгли нозик кўнгил бергансан!
Руҳимнинг тақвосин бўзди ҳаётим.
Тангрим, караминг кенг, қаттиқ яширгин,
Одам пойи етмас жойларинг бор-ку.
Қушларнинг тушига мени яширгин,
Ваъдангда тузилмай яшаш ҳам бор-ку.
Юрагим совқотди, назар қил, Эгам,
Сўраганимни бер, сўрмагандан қўрқ.
Устимни ёпиб қўй очилмас қилиб,
Биласан – устимнинг очгилиги йўқ...



Бу воқеани қоғозга туширяпман-у, менга биров ишонади деб ўйламайман. Бор-йўғи кимнингдир ҳаётини асраб қолсам дейман. Бахтиқаро қисматим тарихи зора бошқаларга дарс бўлса. Рост, айти чокда аҳволим танг, ночорман; лекин энди тақдирга тан бергандекман – пешонада борини кўраман.

Исм-шарифим – Эдвард Жорж Иден. Стаффордшир шимолидаги Трентам деган шаҳарчада туғилганман. Отам боғбон бўлган. Онадан

Яқинда инглиз классик новеллалари тўплами қўлимга тушиб қолди. Ўзим фантастика жанрига ихлосманд эмасман-у, Херберт Уэллснинг бир ҳикояси менга маъқул бўлди: кекса файласуфнинг иқрори ва истиффорини ифодаловчи мактуб тарзида битилган асар.

Уэллс ижодининг мухлислари билади: у ҳаёти мобайнида уч маротаба Россияга келган. Фарб ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб Совет Иттифоқини зиёрат этган ҳам айнан шу. 1920 йили совет ҳукумати таклифига жон-жон деб рози бўлган адиб “ашаддий социалист” ўлароқ коммунистлар қурган давлатга бориб, орадан ўтган олти йил мобайнида (у илк бора бу ўлкага 1914 йили келган) мамла-

уч, отадан эса беш яшарлигимда етим қолганман. Мени амаким Жорж Иден асраб олиб, ўз фарзандидек боқиб катта қилган. Ўзи тоқ ўтган – уйланмаган. Мактаб кўрмаган бўлишига қарамай, Бирмингемда қалами ўткир журналист ўлароқ тилга тушган. У менга зўр таълим бериб ўқитди ва бир қаричлигимдан, жамиятда кўзга кўринган одам бўлиш керак, деган фикрни миямга сингдирди. Тўрт йил аввал амакимни тупроққа топширдим. Унинг бор-буди менга мерос қолди. Қарзларини узганимдан кейин қўлимда беш юз фунт стерлинггина бор эди. Ўшанда мен энди ўн саккизга кирган эдим. Амаким васиятномасида пулни беҳуда совурмай, ўқиб одам бўлишга сарфлагин, деб насиҳат қилган эди. Мен шифокорлик ихтисосини танлаган ва марҳум амакимнинг ҳиммати ҳамда ўзимнинг стипендия учун бўлган беллашувдаги муваффақиятим туфайли Лондон университети тиббиёт факультети талабаси бўлиб улгурган кезларим эди. Сизга ҳикоя қилаётган савдолар бошимга тушгунга қадар мен Университет кўчасидаги 11-уйнинг юқори қаватида, деразалари орқа ҳовлига қараган фақиргина ҳужрада яшар эдим. Бу ерда доим ғир-ғир елвизак эсиб турарди. Уй биттагина бўлмадан иборат эди, чунки мен ҳар бир шиллингни тежаб-тергаб харжлардим.

Бошмоғимни яматаман деб Тоттенхэм-Корт-роуддаги устахонага йўл олган куним илк марта юзлари заҳил бир қарияга дуч келдим. Шу тариқа бутун ҳаётим ўша кимса ортидан айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Мен уйдан чиққанимда у йўлакда эшикдаги уй рақами ёзилган тахта-лавҳага иккиланибгина қараётган эди. Унинг қизаринқи-



катда нима ўзгаришлар юз берганини ўз кўзи билан кўришга ошиқади. “Янги давлат” ҳам донгдор ёзувчи Совет Иттифоқининг доврўғини бутун оламга ёйишидан умидвор эди. Меҳмон “чиройли” кутиб олинди, ҳамма нарса унга “чиройли қилиб” кўрсатилади. Умидлар пучга чиқмайди: Уэллс Россия ҳақида китоб битади. Лекин “Зулматда қолган Россия” деб номланган бу асар кўпроқ танқидий руҳда эди. Мамлакатдаги аҳволни кўрган адиб “ўқсиллар доҳийси” билан учрашиб бирмунча ҳафсаласи пир бўлади. Негаки, унинг тасавурида социалистик давлат мутлақо бошқача бўлиши керак эди. Ленинни у “Кремлдан чиққан хаёлпараст” деб атайди. Ажабки, “Вақт машинаси”, “Дунёлар

раган қовоқлари босиб тушган нурсиз кўк кўзлари менга қадалдию серажин чехраси бирдан ёришиб кетди.

– Зап вақтида чиқдингиз-да, жаноб Иден, – деди у. – Уйингиз рақамини эслай олмай турган эдим. Хайрли кун!

Мен, тўғриси, бундай муомаладан довдираб қолдим, негаки умрим бино бўлиб бу одамни биринчи марта кўриб турардим. Яна-тагин қўлтиғимга эски пойабзалимни қистириб олганимдан ҳам уялдим. Чол менинг унчалик хушламаётганимни пайқади.

– Бу жин ургур ким бўлди экан деб ўйлаяпсизми? Мен сизга дўстман, худо ҳаққи, ишонинг. Сизни олдин ҳам кўрганман, гарчи сиз мени умрингизда учратмаган бўлсангиз ҳам. Қаерда гаплашиб олсак бўлади?

Мен шошиб қолдим. Еттиёт бегона одамни фақирдан-фақир хужрамга олиб киргим келмади.

– Балки кўча кезармиз? Афсуски, ҳозир уйга таклиф қилолмайман... – дедим қўл тўлаб изоҳлашга уринарканман.

– Ҳай, майли, – деди чол атрофга аланглаб. – Кўча кезамиз дейсизми? Хўш, қаерни айланамиз?

Мен эшикни қия очиб, бошмоғимни ичкарига ирғитдим.

– Менга қаранг, – деди чол дона-дона қилиб, – нафсиламрини айтганда, менинг бир хаёлий орзум бор; келинг, бирон жойда нонушта қиламиз, жаноб Иден. Мен бир қари одамман, жуда қари – мақсадимни қисқа-лўнда ифодалай олмайман, боз устига денг, баланд овозда гапиришга чоғим келмайди, кўчадаги шовқин-сурон ҳам...

Мени кўндиришга уринаркан, чол қоқшол, қалтироқ қўлларини кифтимга қўйди.

жанги”, “Кўринмас одам”, “Доктор Моро ороли” каби хаёлот маҳсули бўлган асарлар муаллифига, айниқса, Лениннинг бутун мамлакатни электрлаштириш режаси эриш туюлади. “Мутлақо қоқ, аҳолисининг аксарини оми деҳқонлар ташкил этган баҳайбат мамлакатда бундай дадил лойиҳани амалга оширмаққа ишониш – хомхаёлликдан бошқа нарса эмас” деб ёзади у.

Орадан ўн тўрт йил ўтиб – 1934 йили адиб Кремлда Сталин билан ҳам ҳамсуҳбат бўлади. Улар талай масалаларда баҳслашган, аммо бир тўхташга кела олмаган, Уэллс кўзлаган мақсадига эришолмаган бўлса-да (у маълум бир миссия билан келган эди), Сталинни Ленинга

Мен бўз йигит эдим ва кекса бир одам мени нонушта билан сийласа осмон узилиб ерга тушмасди, лекин айни чоқда кутилмаган бу илтифотдан заррачаюм кўнглим ёришмади.

– Менга қолса... – дея оғиз жуфлашим билан:

– Келинг, биз ҳозир менга маъқулини қилақолайлик, – дея гапимни бўлди қария мени қўлтиқлаб оларкан. – Оқ сочимнинг озми-кўпми ҳурмати бордир ахир.

Рози бўлиб унинг йўриғига юрдим, бошқа иложим бормиди?

У мени Блавитск ресторанига бошлади. Унинг қадамига қараб, имиллаб юришимга тўғри келди. Емак (умрим бино бўлиб оғзимда мазаси қолган энг тотли нонушта) чоғи шеригим сўроқларимга жавоб бермади-ю, уни синчиклаб кузатишимга имкон бўлди. Чолнинг ияклари тоза қирилган, юзи қоқсуяк, серажин эди, бужур лаблари орасидан икки қатор ясама тишлар кўриниб турарди. Қордек оқ сочлари сийрак ва хийлагина узун. Бўйи бир қаричгина; ўзи менга ҳамманинг бўйи паст туюлади. Қария ниҳоятда букчайиб қолган эди. Уни кузатар эканман, у ҳам мени “тадқиқ” этаётганини пайқадим. Алланечук ғалати, суқ нигоҳи кенг елкаларим узра кезиб офтобда қорайган бақувват билакларимга ўтди, сўнг сепкил босган юзимга қадалди.

– Ана энди дардимни дoston айласам бўлар, – деди у емакдан сўнг тамаки тутатиб ўтирганимизда. – Аввало шуни сизга айтиб қўяйки, мен жуда қари, алмисоқдан қолган бир одамман. – У бир он сукутга чўмди. – Хуллас, гап бундай, каминада анча-мунча ақча бор, энди шуни кимгадир мерос қолдиришим керак, бироқ менинг бола-чақам йўқ, васият қилиб ўтказиб берадиган бирон хеш-ақрабо ҳам.

ўхшаган “қувгина-шумгина” эмас, тўғри, самимий инсон экан, дея таърифлайди. Нима ҳам дердингиз, биргина суҳбатдан олинган хулоса-да.

Дарвоқе, ҳикояга қайтсак. Уэллс қаламга олган воқеа бутунлай янгилик, топилма эмас, ундан олдин ҳам, кейин ҳам бадиий адабиётда таносух – руҳ кўчуви ҳодисасига кўп бора мурожаат этилган. Айниқса, бугунги кунда экранларни тўлдирган бадиий фильмлар орқали бу мавзунинг сийқаси чиқиб кетган десак лоғфи йўқ. Лекин Уэллс ҳикоясининг хотимаси қизиқ, якуни кутилмаган... Одамзод ҳар қанча урдабурон, устаси фаранг бўлмасин, қисматга чап бера олмайди. Яъни ўша гап – гап: тақдирга тадбир йўқ...

Таржимон

Бундай очик гапириб қария менга ўйин қиялпти деган ўй миямда йилт этдию сергак тортдим, бор-йўқ бойлигим – беш юз фунт ҳам қулоғини ушлаб кетмасин тағин. У дардини дастурхон қилиб, ёлғизлигидан, тайин бир меросхўр топишга қийналаётганидан роса арзи ҳол этди.

– Обдан ўйлаб-ўлчаб кўрдим, – деди у. – Пулни етимхоналаргами, хайрия ташкилоти ёхуд бирон кутубхонага қолдирсамми ёки бирор талабага стипендия тайинласаммикан дедим. Охир-оқибат шундай қарорга келдим... – Унинг нигоҳлари юзимга тик қадалди. – Мен ёш, мағрур, виждонли, ўзи камбағал, лекин тани-жони ва фикр-хаёли соғлом бир йигит топиб, меросхўр этиб тайинлашга, топган-тутганимни унга қолдиришга аҳд қилдим. – У гапини дона-дона қилиб қайтарди: – Унга боримни васият қилиб қолдиришга аҳд қилдим. Токи у бошқа ташвишлардан фориғ бўлиб, эмин-эркин ўзи танлаган соҳани мукамал эгаллашга бор кучини сарфласин.

Мен мутлақо қизиқмаган одамдек пинагимни бузмай, очикчасига риёкорлик билан:

– Демак, сиз мендан маслаҳат сўраяпсиз? Ёки шундай одам топишга кўмаклашиб юборайми? – деб сўрадим.

Сўхбатдошим мийиғида кулганча тамаки буруқситиб юзимга тикилди, унинг бир оғиз гапирмай, хўжакўрсинга қилаётган камтарлигимни фош этганини кўриб мен ҳам ўзимни тутолмай хохолаб юбордим.

– Эҳ, бу йигит қандайин зўр мартабаларга эришган бўларди-я! – деди завқланиб чол. – Менинг эса ҳасаддан ичим ёниб кетаётир: шунча сарватни мен тўплайман-у, бошқа биров маза қилиб сарфлайди деб... Бироқ, табиийки, менинг шартим бор; меросхўрим баъзи жиҳатлардан ён беришига тўғри келади. Масалан, у менинг ном-насабимни қабул этиши керак. Шунча нарсага эга чиқиб, эвазига нимадир бермаслик инсофдан эмас-да, ахир. Унга бойлигимни топширишдан аввал ўша одам ҳақида ҳамма гапни билмоғим даркор. Энг асосийси, у соппа-соғлом бўлиши лозим. Унинг насл-насаби қандай, ота-онасию бобо-бувиси нимадан ўлган – барини билишим, йигитчанинг феъл-атворини обдан ўрганишим керак...

Мен ичимда ўзимни ўзим қутлай бошлаган эдим, бироқ унинг талабларини эшитиб байрам қилишга ҳали эрта эканини билдим...

– Англашимча, – дедим мен, – ўша одам менман...

– Ҳа, – деди у асабий сўзимни бўлиб, – сиз, айнан сизсиз!

Мен оғиз очолмай қолдим. Эҳ, хаёлан қаерларга бориб келмадим дейсиз, ҳатто туғма скептицизм – шубҳакорлигим ҳам бу ширин орзуларни бўға олмади. Ажабки, қалбимда ҳеч қандай миннатдорлик ҳисси уйғонмади, нима дейишни, ўзимни қандай тутишни билмас эдим.

– Хўш, нега айнан мени танладингиз? – дедим.

Қария мен ҳақимда профессор Ҳазлердан эшитгани, у мени ҳам тани жони соғ, ҳам ақл-хуши жойида йигит деб таърифлаганию бисотини қолдириш учун айнан мен каби тўрт мучаси бутун ва қалбан пок бир меросхўр қидираётганини айтди.

Чол билан дастлабки учрашувим ана шу тахлит кечди. У ўзи ҳақида лом-мим демади ва мен учун сирлилигича қолди. У ҳозирча исмимни, ким эканимни айтмай тураман, деди. Унинг баъзи саволларига жавоб берганимдан сўнг Блавитск ресторани эшигида хайрлашдик. Нонушта ҳақини тўлаётганида чўнтагидан бир сиқим тилла танга чиқарганини кўрдим. Тўғриси, фақатгина меросхўри жисмонан соғлом бўлишини қайта-қайта таъкидлаганидан бир оз ажабландим.

Биз қария билан келишиб олдик: мен ўша куниёқ ҳаётимни катта пул эвазига суғурта қилдириш учун маҳаллий суғурта ташкилотига ариза берадиган бўлдим. Бу ташкилот ҳақимлари бир ҳафта мобайнида роса қонимни ичди; аъзойи баданимни қаричлаб текшириб-ўрганиб чиқди десам лоф урмаган бўламан. Бироқ бобой бундан кўнгли тўлмай, машҳур ҳақим Ҳендерсоннинг шахсан ўзи мени кўриқдан ўтказишини талаб қилди. Ҳафта охири – жумага келибгина Троица айёми арафасида у узил-кесил қарор қабул қилибди. Аллақачон шом чўкиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганда мени йўқлаб келди: соат тўққизлар атрофи эди – имтиҳонга тайёрланаётган, кимёвий формулаларни ёдлаб ўтирган эдим. Даҳлиздаги газчиноқ тагида турган чолнинг юзи хира ёғдуда алламбало ғалати кўринарди. Менга у баттар букчайиб қолгандек туюлди, ёноқлари ҳам ичичига ботиб кетгандекми-ей...

Ҳаяжондан унинг овози титраб чиқди.

– Кўнглим жойига тушди, буткул, буткул қаноат ҳосил қилдим, жаноб Иден, – деди у. – Энди эса, шундайин унутилмас кунда сиз мен билан кечки овқатни баҳам кўриб, бошингизга бахт куши кўнганини нишонламасангиз бўлмайди... – Чолни йўтал тутиб қолди. – Кўп кутмайсиз, ишонаверинг, мерос тез орада сизники бўлади, – деди у лабига рўмолча босар ва қоқсуяк, узун бармоқлари билан кафтимни сиқар экан. – Кутишга мутлақо ҳожат қолмайди.

Биз кўчага чиқдик, арава чақирдик. Ўша оқшом кечагидек кўз ўнгимда: бир маромда елдек учиб бораётган фойтун, газчиноқ ва электр ёғдусининг ранго-ранг жилолари, кўчадаги оломон, биз кирган Режент-стритдаги ресторан ва тўкин-сочин зиёфат... Аввалига башанг кийинган ресторан хизматчиси менинг одми уст-бошимга беписанд назар ташлаганидан ўзимни ўнғайсиз сездим, кейин эса зайтун данагини нима қилишни билмай гарангсидим, аммо бир оздан сўнг шампан шароби баданимни қиздиргач, ўзимни эмин-эркин қўйиб юбордим. Ўтиришимиз аввалида чол ўзидан гап очди. Ҳали фойтунда эканимиздаёқ у исмини айтган эди. Бу кимсан Эгберт Элвешем деган машҳур файласуфнинг ўзгинаси экан. Унинг номини мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ эшитганман. Ўқувчилигимда ақл-тафаккури мени ҳайратга солган шундай буюк мутафаккир мана шу шартти кетиб парти қолган чол бўлиб чиққанига ишонгим келмасди. Чамаси, ҳар қандай бўз йигит дафъатан бирор донгдор одамга бақамти келиб қолса, нечукдир ҳафсаласи пир бўлиши табиий.

Қария ўзини ҳаётга боғлаб турган заифгина ришталар узилиши ҳамоно менинг қаршимда очилажак гўзал келажак ҳақида тинмай лоф урар, уй-жойи, банкдаги пуллари, муаллифлик қалам ҳақи тўғрисида жағи тинмай жаврар эди. Файласуф деганлари бу қадар бой бўлиши етти ухлаб тушимга кирмаган экан. У менинг еб-ичишимни суқ билан кузатиб ўтирарди.

– Эй, худойим сизга шунча куч-қувват ато этган-а! – деди у ва: – Бу ёғи кутишга ҳожат қолмади, – дея қўшиб қўйди чуқур тин олиб (менга у нимадандир енгил тортгандек туюлди).

– Тўғри, – дедим шампан мусалласидан бошим айланаётганини сезиб, – эҳтимол, менинг истиқболим порлоқ ва сизнинг шарофатингиз ила ҳавас қилгуликдир. Мен энди сиздек зот номини олиш шарафига муяссарман. Аммо сизнинг шундай ўтмишингиз борки, менинг келажаким унинг олдида сариқ чақага арзимамайди.

У бошини сарак-сарак қилди, мақтов-тасаннодан нечукдир маънос тортгандек синиқ жилмайди.

– Келажак! – деди у. – Уни менинг ўтмишимга алмашган бўлармидингиз?

Шу вақт хизматчи баркашда ичкилик кўтариб келди.

– Сиз номимга, мавқеимга жон деб эга чиқасиз, менимча. Аммо ўз ихтиёрингиз билан ўтмишимни ҳам қабул қилишга рози бўлармидингиз? – деб сўради чол.

– Бор обрў-эйтиборингиз билан қабул қилган бўлардим! – дедим илтифотни жойига қўйиб.

У яна мийиғида кулди.

– Кюммель беринг бизга, икки кишилик! – деди жаноб Элвешем тепасида турган хизматчига ва киссасидан аллақандай қоғоз халтача чиқарди.

– Куннинг айна шу вақти, яъни овқатдан сўнг одам кўнглига келган номаъқулчиликни қилса ҳеч бокиси йўқ. Донолигимдан кичик бир намуна деса бўлади буни. Бу ҳақда ҳеч қаерда ёзмаганман.

Унинг қонсиз, қалтироқ бармоқлари қоғоз халтачани очди: ичидан нимпушти кукун бор экан.

– Манави... – деди чол. – Яхшиси, бунинг нима эканини ўзингиз тахмин қилақолинг. Кукунни қадаҳингизга солинг, қарабсизки, кюммелни ичиб ўзингизни нақд жаннат боғида юргандек сезасиз.

Нигоҳларимиз тўқнашди, унинг боқишларида қандайдир сир-синоат бор эди.

Шундай катта олимнинг ичкиликка зиравор-кукун қўшиб ўтиргани менга эриш туюлди, лекин бунга худди қизиқиб қараётгандек кўрсатдим ўзимни. Ўлгудек маст бўлганим учун хушомад қилишдан ҳам тортинмасдим.

Жаноб Элвешем кукуннинг ярмини ўзининг, қолганини менинг қадаҳимга солди. Кейин бирдан чаққон ўрnidан туриб, алоҳида тавозе билан қўлини мен томон чўзди. Мен ҳам қўл узатдим ва биз қадаҳ уриштирдик.

– Тезроқ меросга эга чиқишингиз учун! – деди чол қадаҳни лабига босиб.

– Йўқ, йўқ – фақат шу учун эмас! – дедим мен шоша-пиша.

У қадаҳни лабига теккизганча кўзимга тикилиб қаради.

– Узоқ умр кўрайлик! – дедим мен.

Чол менга тикилган кўйи туриб қолди. Сўнг:

– Узоқ умр кўрайлик! – деб қаҳ-қаҳ уриб юборди ва биз бир-биримиздан кўз узмай ичкиликни сипқордик.

Қадаҳни бўшатгунимча чол ўткир нигоҳини мендан олмади. Бутун вужудимни аллақандай ғалати бир ҳис қамради. Илк ҳўпландоқ миямда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бош чаноғим ичида нимадир ғимирлаётгандек туюлди, қулоқларим эса кучли гувиллашдан том битаёзди. Шаробнинг лаззатини сезмадим, унинг хушхўр шираси томоғимни қандай силаб ўтганини-да англамай қолдим. Фақат рўпарамда бир жуфт кўккўз менга тешиб юборгудек қада-

либ турганини пайқардим, холос. Бошимнинг чириллаб айланиши, қулоғимдаги гувиллаш асло тўхтамайдигандек эди. Шууримнинг аллақайси пучмоқларида бўлиб ўтган ҳодисалар чала-чулпа милт этардию яна йўқоларди.

Ниҳоят, чол енгил тин олиш билан бу сўнгсиз сукунатни бузди. У қадаҳини столга дўқ этказиб қўйди.

– Хўш, қалай?

– Ажойиб, – дедим мен шаробнинг маза-матрасини сезмаган бўлсам-да.

Бошим ҳамон гир-гир айланарди. Мен курсига чўқдим. Ўйларим алғов-далғов эди. Бир оздан сўнг шуурим тиниқлашди, бироқ ҳамма нарсани эгри-бугри кўряпман, худди ботиқ тошойнага қарагандек. Улфатимнинг қилиқлари ўзгариб қолибди, ажиб асабий, шошқалоқ-ми-ей. У чўнтак соатини чиқариб қарадию пешонаси тиришиб кетди.

– Ў-ҳў, ўн бирдан етти дақиқа ўтибди! – дея хитоб қилди у. – Ахир бугун ўн биру йигирма бешда... Ватерлоо вокзалида... Мен борақолай энди.

Жаноб Элвешем ҳисоб-китоб қилиб, инқиллай-синқиллай уст кийимини кия бошлади. Хизматчи йигит ёрдамга келди. Бирпасдан сўнг қарасам, чол извошда ўтирибди. Мен у билан хайрлашарканман, ҳалиям ўзимни ажабтовур беўхшов ҳис этардим: атрофимда ҳамма нарса майда бўлиб қолган, мен худди... қандай тушунтирсам экан сизга – гўё дурбиннинг тескари томонидан атрофга қараётгандек эдим.

Жаноб Элвешем қўлини пешонасига босди.

– Бу ичкилик... Сизнинг қадаҳингизга солмасам бўларкан! Эртага бошингизни кўтаролмай қоласиз. Тўхтанг, мана! – У менга юпқа хатжилд узатди – дорихоналарда кукун дори солиб бериладиган оддий қоғоз халтача. – Уйқу олтидан шу кукунни сувга аралаштириб ичинг. Боягиси наркотик эди. Эслаб қолинг: буни ухлашдан олдин ичасиз. Бу миянгизни равшанлаштиради. Яна бир марта қўлингизни узатинг-чи менга, меросхўр.

Чолнинг титроқ қўлини сиқиб қўйдим.

– Кўришгунча, – деди у. Нигоҳидан сездимки, мени ақлдан оздираётган ичкилик унга ҳам таъсир қилибди.

Бирдан нимадир эсига тушди чоғи, чол пинжаги чўнтагини кавлади ва яна битта қоғоз халтача олди, буниси ҳажми ва кўринишидан соқол қиртишлашга ишлатиладиган совун кукунининг узунчоқ идишини ёдга соларди.

– Мана, – деди у. – Сал қолса унутаёздим, олинг. Бироқ эртага мен сизни йўқлаб бормагунча очақўрманг буни.

Қоғоз халтача оғиргина экан, қўлимдан тушиб кетаёзди.

– Хўп, – дедим ёлдираб, у эса ясама тишларини кўрсатиб менга илжайди.

Аравакаш мудроқ босган отга қамчи урди.

Элвешем менга тутқазган оқ қоғоз халтанинг орқа-олди ва белига қизил муҳр урилган эди.

Агар бу пул бўлмаса, ё платина, ёки кўрғошин чиқар.

Мен қоғоз халтани авайлаб-эҳтиётлаб чўнтагимга тикдим. Бошим ҳали-ҳануз гир-гир айланаётир, шу аҳволда Режент-стритда кезиб юрган оломон оралаб уйимга йўл олдим, кейин Портленд-роуднинг зимистон орқа кўчаларига бурилдим. Мен ўзим ҳис этган ғалатиликларни борича, аниқ эслайман. Шуурим шу қадар тиниқ эдики, руҳий ҳолатимни ҳам аниқ ҳис этар ва ўзимга ўзим бобой қадаҳимга солган нарса умрим бино бўлиб оғзимга олиб кўрмаган афюн эмасмикан, дердим.

Ҳозир ҳол-аҳволимни бор икир-чикири ила таърифлаб беришим мушкул: буни шахсиятнинг парчаланиши десакмикан? Режент-стрит бўйлаб кетар эканман, гўё Ватерлоо вокзалидаман деган ғалати ўй миямни тарк этмади. Вагон зинапоясига оёқ қўйяпман деган хаёлда ҳатто Политехника институти биносининг зинасига чиққим ҳам келди. Кўзларимни ишқалаб Режент-стритда эканимга ишонч ҳосил қилдим. Буни сизга қандай тушунтирай? Дейлик, мана, қаршингизда устаси фаранг бир актёр – у сизга хотиржам тикилиб турибди; афтини бужмайтирса – тамоман бошқа одамга айланади-қолади! Агар мен айна чоқда Режент-стрит ўзини худди ўша актёрдек тутяпти десам, қўйсангиз-чи, ақлга сиғмайдиган нарса-ку дейсиз, тўғрими? Бироқ бу Режент-стрит эканига ишонч ҳосил қилганимдан кейин ҳам тушунисиз хаёлий хотиралар миямни ачитиб юборди. “Ўттиз йил аввал шу ерда акам билан жанжаллашиб қолган эдим” деган уй келди миямга. Бирдан қаҳ-қаҳ уриб юбордим. Бир гала тунги дайди-саёқлар ҳайрат ва завқ билан менга анграйди. Ўттиз йил илгари мендан ном-нишон йўқ эди-ку ахир, бунинг устига, на акам бор, на укам. Шубҳасиз, ҳалиги кукун одамни эс-ҳушидан айирар экан, чунки ўлиб кетган акам ҳалиям хаёлимдан чиқмай, унга ачиняпман. Портленд-роудга бурилганимда эса телбалигим баттар авж олса денг. Мен бир вақтлар бу ерда дўконлар бўлганини эсладим ва кўчанинг ҳозирги

хамда аввалги кўринишини қиёсламоққа тутиндим. Шаробдан сўнг ўй-фикрларим чалкаш ва бир оз талвасали экани-ку тушунарли, бироқ бундаин аниқ-ёрқин хаёлий хотиралар қаёқдан келиб қолди миямга – ҳеч ақлимга сиғдирилмас эдим. Фақат эслаётганларим эмас, тутқич бермай хаёлимдан фаромуш бўлаётган хотираларни ҳам айтаман-да. Стивенснинг “Жонли табиат” дўкони қаршисида тўхтадим ва дўкандор билан нима муомалам бор эди деб эслашга зўр бериб уриндим. Шу вақт биқинимдан автобус ўтиб қолди – менга гўё тарақа-туруқ қилиб поезд ўтгандек туюлди. Мен гўё олис-олисларда юргандек, хотираларимни қувиб зимистон чоҳларга йиқилиб, сўнг чиқолмай қийналаётгандек эдим.

– Ҳа, айтгандек, – дедим ўзимга ўзим. – Стивенс эртага менга учта қурбақа бераман деб ваъда қилган эди-ку. Тавба, шуниям унутганимни қаранг.

Мен Юстон ҳамда Тоттенхэм-Корт кўчаларидан бир оз ваҳимага тушиб, аммо бутунлай бошқа йўлдан бораётганимни хаёлимга ҳам келтирмай кетмоқда эдим. Чунки мен одатда йўл яқин бўлсин дея бир қанча ёнқўчаю торқўчаларни кесиб чиқардим-да. Ниҳоят, Университет кўчасига бурилдим, шу ерга келганда уйимнинг рақамини унутиб қўйганим маълум бўлди. Бир амаллаб, калламга зўр бериб 11 рақамини эсладим, бироқ қулоғимга буни кимдир шипшиб қўйгандек бўлди, ким эканини билмайман. Фикримни тартибга солиб олиш мақсадида зиёфат тафсилотларини бирма-бир эслашга уриндим. Лекин ўлай агар, суҳбатдошимнинг юзини эслашга ҳарчанд ҳаракат қилмай, кўз ўнгимда ўз қиёфам пайдо бўлаверди – худди тошойнага қараганда ўз аксимни кўргандек. Яъни, жаноб Элвешем ўрнида, қанчалик ғалати туюлмасин, май таъсирида юзи қизариб, кўзлари ялтираб, вайсаб ўтирган ўзим эдим.

“Ҳалиги кукунни ичиш керак, – деб ўйладим. – Тоқат қилиб бўлмай қолди энди”.

Гугурт билан шамни даҳлиздан қидирдим (ҳеч қачон бу ерда турмас эди), кейин бўлмама қайси томонда эди дея обдан бош қотирдим.

“Мен мастман, – деб ўйладим, – буниси аниқ, шубҳа йўқ”.

Кейин бунинг тасдиғидек, зинанинг ҳар поғонасига қадам қўйганимда, ўз-ўзидан қоқилиб кетавердим.

Аввалига хонам менга нотаниш туюлди.

– Э, бўлмаган гап! – дея ғўлдирадим ён-веримга аланглаб. Бор иродамни ишга солиб ақл-хушимни йиғиб олганимдан сўнг ғайри-

табиий манзаралар ўрнини таниш нарса-буюмлар эгаллади. Мана, эски тошойна, ромига оқсил хусусиятлари ёзилган қоғозчани ўзим қистириб қўйганман. Мана – оёғим остида уйлик кийим-бошим ётибди. Лекин барибир булар негадир рост эмас, хаёлга ўхшарди. Мени ўша аҳмоқона туйғу ҳеч тарк этмаётир: гўё вагонда ўтирибман, поезд ҳозиргина нотаниш бекатда тўхтади ва мен ойнадан ташқарини кузатяпман. Ўзимга келиш учун бор кучим билан каравот тахта-сини сиқдим. “Эҳтимол, бу келажак башоратидир, – дея хаёлимдан ўтказдим. – Руҳшунослар жамиятига ёзилиб қўйиш керак”.

Жаноб Элвешем берган қоғоз халтани пардоз столи устига қўйдим-да, каравот канорига ўтириб бошмоқларимни еча бошладим. Менга шундай туюларди: ҳис-туйғуларим гўё бошқа бир ҳис-туйғуларни босиб турар ва ўша ҳислар нуқул биринчиси остидан чиқиб намоён бўлишга уринар эди.

– Жин ургур! – дедим тутқиқиб. – Нима бало, эсим оғиб қолдимми ёки ростдан ҳам бир вақтнинг ўзида иккита жойда юрибманми?

Чала-ярим ечиниб, жаноб Элвешем берган кукунни финжондаги сувга солдим. Сув вишиллаб кетди ва ярақлаган қаҳрабо тусга кирди. Бир кўтаришда финжонни бўшатдим ўзимни тўшакка ташладим. Ётдим миям ҳам дам олди. Бошим ёстиққа тегар-тегмас ухлаб қолибман чоғи.

Босинқираб ўйғондим, аллақандай махлуқлар кирибди тушимга. Чалқанча ётган эканман. Шунақа – юракни зиқ қиладиган туш кўрмаган одам бормикан?! Уйғонгач, унутасиз, бироқ барибир қандайдир нохуш таассурот кўнглингизни ғаш этиб тураверади. Оғзим алланечук бемаза эди, аъзойи баданим бемадор, танам ўзимга бўйсунмаётгандек. Бу ҳисдан халос бўлармиканман дея бошимни ёстиқдан узмай шифтга тикилиб ётавердим. Шунда балки яна ухлаб қоларман. Бироқ, аксинча, бу ҳис камайиш ўрнига ортиб бораверди. Бошида ён-веримда таажжубланарли ҳеч нима сезмадим. Тунчироқ жуда заиф эди, шунчаликки, хона деярли зимзиё деса бўлади. Уйдаги жиҳозлар анчайин қорайиб кўриняпти. Кўрпани бурнимгача тортиб ёпиниб олган эканман, фақат кўзим очиқ, ётган кўйи қаршимга тикилиб-тикилиб қарадим. Хонага кимдир яширинча кириб пул солинган қоғозхалтани ўғирлаб кетган деган хаёл келди миямга. Сўнг зора ухлаб қолсам дея, чуқур-чуқур нафас олиб узоқ ётдим; э, қаёқда – чучварани хом санабман. Бу ҳам камдек, кўнглимда бир хавотир уйғонди: нимадир бўлган – бунга аминман. Бошимни кўтариб зимистон хонани сер солиб кузатдим. Атрофдаги қорайиб

турган жиҳозларга бирма-бир қараб, қуюқ зимистон ичра пардалари тортилган дераза қаерда, стол, китоб терилган рафлар, камин-ўчоқ қаерда дея тахмин қила бошладим. Ён-веримда турган бу буюм-жиҳозлар менга бегона эди. Балки каравот олдинги жойида эмас, бошқача қўйилгандир. Китоб терилган раф ўрнида ғира-ширада унга ўхшамаган нимадир оқариб турганини пайқадим. Стул суянчиғига ташлаб қўйилган кўйлак ҳам меники бўлиши мумкин эмас: аллақандай кичкинами-ей.

Болаларча қўрқувни енгиб, кўрпани очдим ва оёғимни пастга узатдим. Лекин у полгача етмади, одатда пастак каравотда ўтирганимда оёғим ерга тегиб турарди. Бу гал тўшак қирғоғига аранг етиб, осилиб қолди. Каравот этагига сурилдим. Шу ерда – каравот ёнида синиқ курси турарди. Унинг устида гугурт билан шам бўлиши керак. Қўл чўзиб, пайпаслаб ҳеч вақо тополмагач, атрофимни тимирскилай бошладим. Қўлим қандайдир қалин, момиқ матога тегди. Уни ўзимга тортдим, бу каравот бошидаги парда экан.

Уйқум ўчиб кўзим мошдек очилди, бегона ётоқда ётганимга амин бўлдим. Гарангсиб қолдим ва кечқурун нималар бўлганини тўлиқ эслашга уриндим. Ажабланарлиси шундаки, тафсилотларни икир-чикиригача эслаяпман: зиёфат, кукун: аввал биринчиси, кейин иккинчиси, мастманми-хушёрманми дея иккиланганларим, имиллаб ечинганим, юзимни муздек ёстиққа босиб ётганим... Бирдан булар кеча бўлдим ёки ўтган куними, дея шубҳаланиб қолсам денг. Нима бўлганда ҳам бу менинг ётоғим эмас, қандай келиб қолдим бу ерга – ўйлаб ўйимга етолмасдим.

Тўғримда, ҳув боя ҳам фарқлаганим, оқимтир нарса борган сари ёришиб бораверди – дераза экан, ундан берироқда ясси шаклдаги тошойна турибди, парда ортидан унга ғира-шира қуёш нури тушмоқда эди.

Ўрнимдан қалққанимда ўзимни жуда кучсиз, беҳол сездим – таажжуб. Қўлларимни олдинга чўзганча дераза томон секин-аста қадам ташладим, бироқ минг эҳтиёт бўлсам-да, олдимдан чиққан курсини пайқамай тиззамни уриб шикастлаб олдим. Тошойнани айланиб ўтдим, у ниҳоятда ваҳимали, икки ёнида чиройли биринч шамдонлар бор эди. Пайпаслаб парданинг ипини қидирдим, лекин тополмадим, бехосдан попуги қўлимга илиндию пружина қарсиллаб, парда тепага кўтарилди.

Кўз ўнгимдаги манзара мутлақо нотаниш эди менга. Осмоннинг тангадек очиқ ери йўқ, буткул булут қоплаган. Қоп-қора

қуюқ булутни аранг ёриб, сизибгина кун ёришиб келмоқда. Ҳув олисда – уфқдаги булутлар этаги қонталаш-қизил тусли ҳошия билан ўралган. Ерда ҳеч нимани кўриб ҳам, фарқлаб ҳам бўлмади ҳали. Фақат узоқлардан туман ичра дўнгликлар – уйларнинг учбурчак томлари, дарахтлар, дераза тагида тўп-тўп буталар ва оқиш-кулранг йўлкалар қорайиб кўзга ташланади. Бу жойлар менга шу қадар ёт-бегона эдики, бир сония ҳали-ҳамон ухляяпман, туш кўряпман шекилли деб ўйладим. Пардоз столини пайпаслаб ушладим: силлиқ тахтадан ясалган. Устида биллур шашчалар турибди, тароқ ётибди. Кичкина тақсимчадаги ғалати нарсани ушлаганимда юмшоқ-қаттиқ бўртиқлари бор тақага ўхшади. Бу ердан на гугурт топдим, на шам.

Хонани қайта кўздан кечириб чиқдим. Энди, пардалар очилгач, буюм-жиҳозларнинг ғира-шира кўланкаси аниқроқ кўринди: дарпардали каттакон кат, орқасида оқ рафли, ярақлаган мрамар камин-ўчоқ.

Пардоз столига суяниб кўзимни юмиб очдим, диққатимни жамламоқчи бўлдим. Ҳаммаси бор нарса – ҳақиқат, туш-пуш эмас. Мен ҳатто кеча ичганим ғалати ичимлик таъсирида хотирамда қандайдир бўшлиқ пайдо бўлди деб ҳам ўйладим. Балки аллақачон мерос теккан уй-жойимга келиб олганману хотирамни йўқотиб, бошимга бахт қуши қўнғандан сўнг нималар бўлганини унутиб қўйгандирман? Озроқ сабр қилсам, хотирам тиниқлашиб, барини эсларман. Ваҳоланки, Элвешем бобо билан ўтиришимизни жуда яхши эслайман: шампан майи, гиргиттон хизматчилар, кукун, ичимлик... Калламни кесиб ташлашга ҳам тайёрманки: булар бир неча соатгина аввал бўлди ахир!

Кейин эса тамомила одатий ва шу билан бирга даҳшатли бир нарса содир бўлдики, ҳали-ҳануз ўша дақиқани эсласам титраб кетяпман.

– Жин ургур, мен бу ерга қандай келиб қолдим? – дедим баралла овозда.

Лекин бу менинг овозим эмас!

Бу қандайдир чийиллаган овоз, талаффузи ҳам тиниқ эмас, жангани ҳам сира меникига ўхшамайди. Ўзимни тинчлантириш учун бир қўлим билан иккинчисини ушладим – қўлим қоқсуяк эди, терим ҳам бужмайган – қариянинг қўли.

– Ахир бу туш-ку! – дедим яна ўша ёқимсиз овозда – бу чийилдоқ сас-товуш томоғимга қандай ўрнашиб олди, худо билади. – Туш бу!

Шу заҳоти беихтиёр қўлимни оғзимга тикдим – бир дона тишим йўқ, бармоқларим бужмайган юмшоқ милқларимни силади. Жирканиб кетдим. Ваҳимадан ҳушдан кетаёзим. Ҳозироқ ойнага қараб юзимни кўргим, даҳшатли, қўрқинчли бу ўзгаришга дарҳол амин бўлгим келди. Гугурт оламан дея гандираклар ўчоқбошига бордим ва рафни пайпаслай бошладим. Шу вақт бўғзимдан хириллоқ йўтал отилиб чиқди ва мен қалин тунги қўйлагимга ўралиб олдим, тааж-жуб, эгнимда шу либос. Ўчоқ тепасида гугурт йўқ эди. Ногоҳ оёқ-қўлим совуқдан музлаб қолганини ҳис қилдим. Йўтала-йўтала бурун тортиб (эҳтимол, бир оз инқиллаб) каравотимга йўналдим.

– Ахир бу туш-ку! – дея минғирлар эдим мен тўшакка кирарканман. – Туш кўряпман!

Кексаликка хос одат – тинмай битта гапни қайтараётганимни ўзим пайқаб турибман.

Кўрпани елкамгача тортдим, кейин бошимни ҳам буркаб олдим, ажиндан бужмайган қўлларимни ёстиқ тагига тикдим шу билан тинчланиб ухламоқчи бўлдим. Шубҳасиз, босинқираяпман. Эрталаб бу алоқ-чалоқ тушдан асар ҳам қолмайди, яна куч-ғайрати танасига сиғмайдиган шижоатли йигит бўлиб уйғонаман, ёшлигим, илмга чанқоқлигим қайтади. Кўзимни юмиб бир маромда нафас олиб ётдим, уйқум келавермагач, имиллаган қўйи уч сонининг даражасини ҳисоблашга тутиндим.

Сўнги илинжим ҳам чиппакка чиқди – кўз илолмадим. Менга бир бало бўлган – борган сари бунга амин бўляпман. Бир пайт қарасам, даража ҳисоби паққос эсдан чиққан, кўзим бақрайганча кемшик милқларимни силаб ётибман. Дарҳақиқат, кутилмаганда мен чолга айландим-қолдим. Ақлга сиғмайдиган бир йўсинда бутун ҳаётимни ҳатлаб ўтиб қарилик фаслига қадам қўйибман. Қай тарзда, қандай қилиб – билмадим-у, умримнинг энг гўзал палласини, куч-қувватимни, муҳаббатга, орзу-умидларга лиммо-лим ҳаётимни ўғирладилар. Юзимни ёстиққа босдим бу бари хаёл дея ўзимни ишонтиришга уриндим.

Шошилмай, бироқ оғишмай тонг ота бошлади. Ниҳоят, энди ухладан умид узиб каравот четига ўтирдим ва ён-веримга кўз ташладим. Хира тонг ёғдуси дераза оша сизиб кириб, уй ичи аста-секин ёришаётир. Бўлма кенг-мўл ва мен шу кунгача тунаб келган ётоқлардан минг чандон зўр жиҳозланган. Пастак стол-тахмонда гугурт билан шам ётибди. Ёпиниб ўтирган кўрпамни ташлаб, ёзнинг намкаш тонг ҳавосидан жунжикиб ўрнимдан турдим-да, шамни ёқ-

дим. Кейин тишларим такиллаб-қалтираб (шунчаликки, қўлимдаги шамўчирғич ўқидан сакраб-сакраб кетаётир) тошойна қошига бордим ва... ойнада менга тикилиб турган Элвешемни кўрдим! Тўғриси, ич-ичимда мен шундай бўлишини билган эдим. Шунга қарамай даҳшатга тушдим. Жаноб Элвешем менга доим жисмонан заиф туюлар ва унга ачинардим. Аммо ҳозир мен ўзим Элвешемга айланиб қолганимни билганимда, ёқавайрон тунги қўйлагидан қилтириқ бўйни чўзилиб турган қарияга қараб, у менга қанчалик аянчли, бечора кўринганини сизга тасвираб бера олмайман. Ёноқлари ич-ичига ботган юз, айқут-уйқут бўлиб ётган ирkit кокиллар, хира тортган ёшли кўз, титраб турган буришиқ лаб... Сиз, қалбан ва жисман неча ёшда бўлишингиз керак бўлса – шу ёшдаги одам, ёт танага бу тарзда банди этилиш менга қанчалик қимматга тушаётганини хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз. Орзулари бир олам алпкелбат йигит дабдурустдан мана шундай букчайган, қалтироқ чолга айланиб қолса!..

Эй, мен ҳикоямдан чалғиб кетдим. Бу аҳволга тушганимни англаганимдан сўнг бир оз бошимни йўқотиб қўйган бўлсам керак. Ўзимга келиб, миям тиниқлашганда атроф ёп-ёруғ эди. Қандайдир ғалати тарзда мен чолга айландим, агар бу сеҳр-жоду бўлмаса, нима?! Буни билмайман. Энди, шу ҳақда ўйларканман, бу Элвешем деганлари ақл бобида шайтонга ҳам дарс беришини англаб турибман. Модомики мен унинг танасида эканман, бас, у ҳам менинг жисмимга, куч-қувватиму келажакимга эга чиққан, бу кундек равшан. Бироқ буни кимга, қандай исботлайман? Айни чоқда шу тўғрида бош қотириб ўтирибману одам бу тахлит ўзгариб қолишига ақл бовар қилмаяпти – миям тарс ёрилиб кетай деяпти. Рўй берган воқеанинг ҳақиқат эканини тан олиш учун мен ўзимни чимчилаб, кемшик милқларимни силаб боқишим, ойнага қараб ўзимни кўришим ва ён-веримдаги нарсаларни ушлаб-пайпаслаб чиқишим керак. Ёки бутун умримиз галлюцинация – рўё, хаёлотдан бошқа нарса эмасмикан? Чиндан ҳам мен Элвешемга, у эса менга айландими? Эҳтимол, мен Иденни туш кўргандирман? Бу ёруғ оламда Иден деган одам бормиди ўзи? Агарда мен Элвешем бўлсам, ўтган тонг нима қилганим, ўзим яшайдиган шаҳар номи, бу туш-рўёларни кўргунимга қадар нима ишлар рўй берганини эслашим керак эмасми? Ўйлайвериш миям ачиб кетди. Кеча кечқурун хотирамда аллақандай ғалати иккиланиш бўлган эди-ку! Бироқ ҳозир фикрим равшан, тиниқ. Иденга боғлиқ бўлмаган бирон бир хотиротнинг соясини ҳам эслай олмаяпман.

– Мана шундай қилиб эсдан оғиш ҳеч гап эмас-да! – дея қичқирдим чийиллаб.

Инқиллаб-синқиллаб ўрнимдан турдим-да, бир қоп гўштдек оғир ва жонсиз жисмимни судраб бет-қўл ювгич ёнига бордим. Оқсоч бошимни муздек сув тўлдирилган жомга тикдим. Бошимни сочиққа артатуриб ўзимни Элвешем деб ўйлашга уриндим – бефойда. Мен Элвешем эмас, Иден эканимга ҳеч бир шубҳа йўқ, бироқ Элвешем жисмидаги Иденман.

Агар мен ўтган асрларда яшаганимда эди, жодуланганман деб тақдирга тан бериб қўяқолардим. Бугунги скептицизм замонида мўъжизага ким ҳам ишонади? Менга қандайдир руҳий найранг қилинди. Бир кукун билан тешворгудек нигоҳ қилган ишни бошқа кукуну ўткир нигоҳ ёки шунга ўхшаган дори-пори ҳам қилиши мумкин. Бундай воқеалар илгари ҳам бўлган: одамлар хотирасини йўқотган, бироқ бундай – шамсия алишгандек тана алмашиш!.. Мен қаҳ-қаҳ уриб юбордим. Ҳайҳот! Бу аввалги гулдираган жарангдор қаҳқаҳа эмас, кексаларга хос бўғиқ хихилаш эди. Қария Элвешем менинг устимдан роса маза қилиб кулаётгандир деган ўйдан қоним қайнаб кетди – илгари ҳеч бу аҳволга тушмаганман. Ерда ётган кийимни олиб шоша-пиша кия бошладим. Кийиниб бўлгачгина бунинг фрак билан шим эканини пайқадим. Жавонни очиб уйлик кийим топдим – катак шим билан отамзамонидан қолган халат. Оқсоч бошимга ўзи каби ёшини яшаб-ошини ошаб бўлган қалпоқни қўндирдим-да, бу даҳмазалардан безор бўлиб йўтала-йўтала судралибгина бўлмадан чиқдим.

Тахминимча, соат чорак кам олтилар бўлиб қолган, пардалар туширилган, уй сокинлик қўйнига фарқ эди. Қимматбаҳо гилам тўшалган зина майдончаси кенг ва шинамгина. Зина пастга – нимқоронғи холлга олиб тушарди. Мен чиққан бўлманинг қаршисидаги хонанинг эшиги қия очиқ экан. Иш столи, айланувчи китоб жавони, стол ортидаги оромкурси суянчиғи ва рафларга териб қўйилган ҳашамдор жилдли китобларга кўзим тушди.

– Менинг иш бўлма, – дедим ўзимча ғудраниб ва майдончани кесиб ўтиб хонага йўналдим. Овозим қулоғимга ёқмай, миямда бир фикр ярқ этди. Қайтиб ётоқ бўлмага кирдим ва ясама тишимни оғзимга солдим – лоппа-лойиқ тушди.

– Шуниси тузук, – дедим кавшаниб кўриб, яна иш бўлмага ўтарканман.

Стол тортмалари қулфлоқ эди. На иш бўлмадан, на шимим чўнтагидан калит-палит чиқди. Яна имиллаб ётоққа кирдим ва аввал

ерда ётган камзулнинг киссасини титкиладим. Кейин эса кўзим тушган кийимларнинг барча авра-астарини ағдариб чиқдим. Ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Агар кимдир шу тобда хонага киргудек бўлса, ўғри тушган деб ўйлаши аниқ. Хуллас, кечаги зиёфатнинг ҳисоб-китоб паттасидан бошқа на калит, на бир танга-чақа, на бир парча қоғоз топдим.

Дабдурустдан тинкам қуриб, ўтириб қолдим. Атрофимда ёйилиб ётган авра-астари ағдарилган кийимларга қарадим. Ҳовурим босилди. Борган сари рақибим нечоғли уддабурону ўзим нечоғли чорасиз эканимни яққол англай бошладим.

Базўр жойимдан кўзғалиб, яна иш бўлмага ошиқдим. Зинапояда пардаларни кўтараётган хизматкор хотинни кўрдим. Афтидан, юз ифодам уни ҳайратга солди ва у менга лол бўлганча тикилиб қолди. Хонага кириб эшикни ёпдим ва косовни олиб столга ёпишдим – уни бузиб очмоқчи бўлдим... Стол устидаги ойна синган, қулф бузилган, тортмалардаги хатлар ерда сочилиб ётарди. Кексаликка хос ғазаб отига миниб патқаламларни ҳар ёққа ирғитган, сиёҳдонни ағдариб ташлаган эдим. Бундан ташқари, камин устида турган каттакон гулдон ерга тушиб чил-чил синибди – қандай қилиб, ўзим ҳам билмайман. Хуллас, на пул, на чек дафтарчаси ёки на мени ўз ҳолимга қайтаришга ёрдам берадиган бирор бир йўриқнома топилди. Мен умидсизликка тушиб тортмаларни тарақлатиб очиб-ёпиб ўтирганимда бўлмага бош қарол билан икки оқсоч хотин бостириб кирди.

Менинг чолга айланиш тарихим, муболағасиз айтганда, ана шундай рўй берди. Бу гапларимга биров ишонмайди. Менга худди эсидан айрилган қарияга қарагандек қарашади. Ҳатто ҳозир ҳам менга кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Ҳолбуки, мен ақли расо одамман, эс-ҳушим мутлақо жойида. Шунини исботлаб бериш учун ҳам бошимдан ўтганларни ипидан-игнасиғача ёзиб ўтирибман. Шу ерда ўқувчимга мурожаат қилмоқчиман: хўш, ўзингиз айтинг, ҳозиргина сиз ўқиб чиққан ҳикоянинг услубида ёки баён тарзида ақли ноқислик аломати сезиладими? Мен чол танасига банди этилган йигитман, бироқ бу шубҳасиз ҳақиқатга биров ишонмаяпти. Тўғри, менга ишонмайдиганларга тентакка ўхшаб кўринаман; тўғри, мен котибларимнинг исм-шарифини билмайман, мени назорат қилиб турадиган шифокорларни ҳам, хизматкорлариму қўшниларимни ҳам танимайман. Ўзим тушиб қолган шаҳарнинг номи ҳам, у қаерда жойлашгани ҳам менга қоронғи. Табиийки, ўз уйимда хоналар

қандай жойлашганидан беҳабарман ва турли хил ноқулайликларга ҳам кўз юмьяман. Тўғри, мен ўта ғалати саволлар бераман. Тўғри, мен баъзан кўзёш қиламан, бақираман, тушкунликка тушиб қоламан. Менинг на бир чақа пулим, на чек дафтарчам бор. Банк ҳам менинг имзомни тан олмаса керак, чунки тахминимча, мен ҳалиям Иденнинг ҳуснихати билан ёзаман, мушакларим бўшашгани ҳисобига ёзувим бир оз ўзгарган бўлиши мумкин. Атрофимдагилар ёлғиз ўзим банкка боришимга йўл қўймайди, ўзи бу шаҳарда банк ҳам йўқ шекилли. Менинг ҳозирги ҳисобрақамим эса Лондоннинг қайсидир қасабасида жойлашган банкда. Менимча, Элвешем уйдагиларнинг баридан ишончли вакилининг исмини сир тутган, бироқ бунга ишончим комил эмас. Шубҳа йўқки, Элвешем психология ва психиатрияни обдан ўрганган ва менинг ўзим ҳақимдаги ҳикояларим атрофимдагиларнинг бу чол руҳий хасталик муаммосини ўрганишга муккасидан кетгани оқибатида ақлдан озган деган тахминларини исботлайди, холос. Тағин шахсиятнинг собитлиги ҳақида гапиришларига ўлайми!

Икки кунгина аввал мен соппа-соғлом азамат йигит эдим. Бутун ҳаётим олдинда эди. Энди бўлса шўртумшуқ, бесаранжом, буткул тушкунликка ғарқ бўлган ғазабнок бир чолман. Куни билан ҳашаматли, ҳайҳотдек бегона уйда тентираб юраман, атрофимда ҳамма қадамимни пойлайди, мендан жиннидан қўрққандек қўрқади ва қочади. Бу асно навқирон жисму жасадга соҳиб бўлган Элвешем Лондонда етмиш йил мобайнида тўплаган билим ва заковати билан янги ҳаёт бошлаётир!

У менинг умримни ўғирлади!

Бу қай тарзда рўй берди, аниқ билмайман.

Иш бўлмадан асосан хотира психологиясига оид бир талай қўл-ёзма топдим, баъзи жойларига мен мутлақо тушунмайдиган шартли белгилар қўйилган. Қайсидир қайдлар Элвешем математика фалсафасига ҳам қизиққанини кўрсатади.

Бундай тана алмашув қандай юз берди – ақлимга сиғдирилмайман, бу менинг ақлимдан хориж. Эсимни танибманки, мен моддият тарафдориман, бироқ бу – яққол руҳнинг танадан ажралиш ҳодисаси – таносухдир.

Мен бир таваккал иш қилмоқчиман: аллақандай дори топдим, шуни ичиб кўрмоқчиман. Бошимдан кечган савдоларни қоғозга тушириб бўлишим билан ичаман. Эрталаб нонушта маҳали бир пичоқни қўйнимга солиб олган эдим, шунинг ёрдамида ёзув столининг

махфий тортмасини буздим – бу тортмани пайқашим унча қийин бўлмади. У ердан мўъжазгина яшил шишачадан бошқа ҳеч вақо чиқмади. Унинг ичида оқ кукун бор экан ва қоғоғига “Озод бўлиш” деб ёзилган қоғозча ёпиштирилган. Афтидан, бу оғу бўлса керак. Элвешем билмаган киши бўлиб менга заҳар тиқиштирганини англаб турибман. Агар шишача бундаин астойдил яшириб қўйилмаганида, шу йўл билан у ягона гувоҳни гумдон қилишни кўзлаган, деб амин ҳам бўлардим. Бу одам аслида абадий яшаш йўлини топган. Агар бирон кор-ҳол рўй бермаса, у менинг танамда кексайгунча яшайди, кейин эса уни тарк этиб, яна бир ёш йигитнинг умрига зомин бўлади. Агар унинг бешафқатлиги эсга олинса, қандай қилиб борган сари тажрибаси ортиб боришини ўйлашнинг ўзи қўрқинчли... Қачондан бери бир танадан иккинчисига ўтиб юрган экан-а?..

Уфф, ёзиш ҳам жонга тегди. Кукун сувда тез эрир экан. Таъми бемаза эмас.

Жаноб Элвешемнинг иш столидан топилган ҳикоя мана шу. Унинг жасади стол билан оромкурси ўртасида ётган экан. Оромкурси анча нари сурилиб кетибди, чамаси, ўлим талвасасида итариб юборган. Ҳикоя йирик-йирик ҳарфларда, ораси очиқ-очиқ ёзилган. Элвешемнинг одатий майда ҳуснихатига сира ўхшамайди.

Яна иккита қизиқ маълумотни айтиб ўтмасак бўлмайди. Модоники, Элвешемнинг бор мол-мулки бу йигитчага мерос қилиб қолдирилган экан, Иден билан Элвешем ўртасида қандайдир алоқа бўлган. Бироқ йигит бу меросни қўлга кирита олмади. Элвешем ўзини ўлдираётган чоқ, қанчалик ғалати туюлмасин, Иден аллақачон омонатини топширган эди. Бир кун аввал Ҳауэр-стрит билан Юстон-роуд кесишган гавжум чорраҳада уни извош уриб кетади ва ўша ернинг ўзида тил тортмай ўлади. Шундай экан, бу ғаройиб воқеага аниқлик киритиши мумкин бўлган ягона одам ҳам энди бизга ҳеч гап айтолмайди.

**Рус тилидан
Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи
таржимаси**



QADRIYATLAR & QORISHGANDA

Маданиятшунос битиклари



Етти юз ёшли устун

Хоразм – рўйи заминдаги қадим ўлкалардан бири. Унинг қудрати ва улугворлигини мўъжиза туфайли бугунги кунларгача сақланиб қолган нодир иншоотлар, санъат асарлари орқали тасаввур этса бўлади.

Биргина “темир дарахт” дея ном олган гужум ўстириш ва ундан ҳам қадимийроқ ёғоч ўймакорлиги мактабини айтинг! Кўҳна устунлар, дарвозаю эшиклар ва бошқа ёғоч буюмларнинг бизгача етиб келгани мустаҳкамликда пўлатдан қолишмас гужум шарофатидан. Асрлар оша куёш олови, ёмғиру қорлар остида қойим турган, тинкани қуритадиган саратону қаттол аёзларга дош бериб келаётган ёғоч устунлар,

айниқса, эътиборга молик. Мен бир меъморий обида ҳовлисидаги устунлардан бирини суратга олдим – энг қадимийси 700 йиллик экан!..

Черков олдидаги оғочлар

Самарқанддаги илк рус православ черкови қурилганига 140 йил бўлибди.

Авлиё Георгий ибодатхонаси нималарни кўрмади дейсиз: шон-шараф ва мутаассиблик, байрам ва мотам маросимлари... фожию таъқиб, таҳқир ва хўрлик... Меҳроблар мурдор этилди. Кўзга кўринган неки бор – гумбаз, қўнғироқхона, хоч, иконалар... вайрон қилинди. Самолёт макетлари, янги “яримхудо”лар, қўлбола авлиёю ўткинчи муқаддас оталарнинг портретлари ўрнатилди...

Ҳаммасини ўз ўрнига қўйиш фурсати етди, бино маънавият ва таълим-тарбия ўчоғига айланди.

Иншоот атрофидаги боққа беш туп оққайин ўтқазиб, ихоталаб қўйилибди. Бу ниҳоллар ўтмишдаги каби оғир синовлардан асрасин дея ният қилинган бўлса не ажаб...

“Artisane” оқшоми

Нукуслик Жўллибой Изентаев (1943 – 2009) менинг жон дўстим, фикрдошим, сафдошим эди. Ўзбекистон халқ рассоми уновнини биринчи бўлиб олган қорақалпоқлардан, илк академик, рассом, тасвирий санъат устаси, қорақалпоқ тарихи жонқуяри.

Ортида уч ўғил ва уч қиз қолди. Неваралари бир этак.

Ўғилларига пойтахт номларини берган: Тошкёнбой, Нукусбой, Жарлиқоғон.

Кенжа ўғли Италия Тасвирий санъат академиясини тамомлади, рассом, узоқ йиллар Тошкент суратгирлар уйида директор бўлиб ишлади.



Нукусбойнинг ҳам фитратида мусаввирлик бор, у бўш вақтларида *naiv* усулида амалий санъат намуналарини яратади. Шаҳар марказида “Artisane” номли ажойиб ресторан ҳам очган. “Artisane” қорақалпоқчада “ўз ишининг устаси” деган маънони билдиради.

Аминманки, ўртанча Изентаев она шаҳрини янада кўркам қилиш ҳамда Нукусбой деган номни оқлаш учун бор куч-ғайратини аямайди. Қорақалпоқлар эса бобо тарих мезони билан ўлчаганда навқирондан навқирон шаҳар бўлмиш Нукус билан ҳаммиша фахрланиб келганлар ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак.

Кун келиб Нукусга йўлингиз тушса, асло эринманг – албатта “Artisane”га кириб ўтинг. Пушаймон қилмайсиз. Иккиланмай “Нукус ғалақлари”га буюртма беринг. Кейин кўрасиз, “Artisane” тилингиздан тушмай қолади!

Ўйламангки, ресторан рекламага муҳтож деб. Асло! Тамадихона мудом гавжум, унда ҳаммиша турнақатор навбат. Биз ҳам ресторан соҳиби билан суратга тушиш учунгина ўн беш дақиқа кутиб туришимизга тўғри келди.

Бетховеннинг музикий сўзанаси

Бу оқшом Катта театр залига одам сигмайди. Меҳмонлар қомусий олим, дўстим ва сафдош акам Абдулла Аъзам даъвати билан ҳозир бўлган. Оқшом олмон бастакори яратган дурдонадан, баайни унинг оҳангларида, ундаги тимсоллардан бунёд бўлди... Симфония яратилганидан буён бугунга қадар дунёнинг қай бурчида ижро этилган бўлса, оқшомнинг музикий сўзанаси ўша бари ижроларнинг овози, акс садоларидан “тўқилган” эди гўё.

Музыка сеҳру жозибаси туғдириши мумкин бўлган шундай ҳиссиёт мени бир гал Мисрда – Жузеппе Вердининг “Эҳромдаги Аида”сини тинглаганимда асир этган эди...

Раҳмат сизга, Мавлоно!

“...*Ҳаёт завқу сафоларидан / Фақат севги қаршида мусиқа банда...*” (Александр Пушкин. “Тош меҳмон”дан, Ҳамид Ғулум таржимаси).

Ҳайратомуз таносуб

Бозор ва мазор – ўзбеклар учун дахлсиз ва айрича икки макондир. Уларга тегиб бўлмайди – ҳосиятсиз дейишади. Чорсу ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Нақл қилишларича, ҳатто бадқаҳр Чигатой ҳам ўрдаси аҳлига Мовароуннаҳр, жумладан,



Шош бозорларига дахл қилмасликни буюрган экан. Тошкентнинг энг қадимий бозорларидан бўлган Чорсу минг йиллик тарихга эга; Чигатой ҳам, Ҳубилай ҳам кезган уни. Ўтган асрда Тошкентни истило қилган рус аскарлари кўп жойни вайрон қилган-у, Чорсуга тегмаган. Ажабки, шаҳардаги қарийб барча муқаддасот ва рамзий обидаларни бузиб ташлаган большевиклар-да бозорларга, Чорсуга ҳатто бармоғини теккизмаган. “Эски дунё”га ўт кўйган, черковларни портлатиб, масжид ва синагогаларнинг гиштигача ерга қорган худосизлар, янги коммунистик таълимот байроқдорлари ҳам Чорсуни обод этса этдики, бир тошини-да нари-бери қилмади.

Ўзбекистоннинг эски бозорларидаги гумбазлар – қадимий тимларнинг чўнг акс садосидир. Замонавий гипермаркет ва mallлар ўз тузилишини юз йиллар мобайнида меъморий мумтозлик касб этган тимлар – ўша савдо мажмуаларидан олган.

1966 йилги ер силкинишидан кейин, шоирлар таъбири билан айтганда, “Шарқнинг олтин дарвозаси” – Тошкентни тиклашга кўплаб республикалардан талантилган меъморлар жалб этилди. Архитекторларга зилзила хароб қилган шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб қолган ҳолда, уни қайта тиклаш топширилган. Тошкентга келганлар орасида Андрей Косинский ҳам бор эди; у тим ва гумбазларнинг мислсиз таносубидан ҳайратга тушди. Меъмор ўз топилмасини талабалари билан биргаликда амалга оширган бир қатор лойиҳаларида муваффақият ила қўллади. Ўша йиллари кўпгина меъморий ёдгорликлар таъмирланди. “А ля Восток” (“шарқона”) безак-

Амир Тему́р дарвозаси

Жиззахга боришда Сангзор дарёси бўйида ғор бор. У Амир Тему́р дарвозаси деб аталади. Маҳаллий аҳоли ва гидлар сўйлаб юрадиган афсонага кўра, Тему́р ҳали навқирон йигит эканида мағорани аскарлари билан бир кечада қазган ва мўғул лашкарининг орқа тарафидан чиқиб, янчиб ташлаган экан.

Обида билан боғлиқ муҳим артефактлар ҳам сақланиб қолган; улар бу ғорнинг улуғвор тарих учун нақадар аҳамиятли бўлганини кўрсатади. Мана улар: XV асрда Амир Тему́рнинг суюкли невараси Мирзо Улуғбек ўша қояда ўйма ёзувлар қолдиради; XVII асрда Бухоро ҳукмдори Абдуллахони соний ҳам ғалабасини шу жойга муҳрлайди; XIX асрда эса император Николай Иккинчининг сўзлари битилган металл лавҳа ўрнатилади... Бу ёдгорликларнинг айримлари бугунги кунларга қадар етиб келмаган эса-да, мавжудлари тарихий қимматга эга эканига шубҳа йўқ. Бугун дара-ғор ёнидан тезюлар поездлар, минглаб автолар у ёқдан-бу ёққа елиб ўтади. Қанийди, туризм идораси шу тарафга ҳам бир назар ташласа, мағора сайёҳлик “макка”сига айлантирилса... Ўша устунлару ўйма ёзувларнинг нусхасини тиклаш учун катта маблағ шарт эмас. Боз устига, кейинроқ даромад ҳам ўзи оқиб келаверади.

Таассуфки, юртимизнинг бу мўътабар манзилида – дарвоқе, уни умуминсоний десак ҳам бўлади – гоҳида вандализм, манкуртлик ва хўжасизликни кўраимиз...

лари урфга айланди. “Сталинча услуб”га тўйинган Тошкент шарқона мовий-ферузаланг жилларда янгича қиёфа касб этди. “Мовий гумбазлар”, Эскишаҳардаги ҳаммом (кейинчалик бузиб ташланди), Чорсунинг етти тоқи каби иншоотларда майоликадан (икки қават сирланадиган сопол) дадил фойдаланилди. Чорсу гумбазлари шу тариқа Ўзбекистон пойтахтининг “ташриф қоғози”га айланди.

Айтишларича, гумбазларнинг тарҳи сопол косадан олинган экан. Кимдир-бирова хоразмлик машҳур кулол Раҳимберди Матчонов ясаган косалардан бирини тушиб синмасин дея тасодифан стол устига тўнкариб қўяди; бу ажойиб манзара меъморнинг тасаввурини созлайди ва шу тариқа Чорсунинг етти гумбази кашф этилади. Коса нақшу нигори кобальт ва феруза рангларининг матчононча уйғунлашуви туфайли айрича манзара касб этган. Қирқ йиллардан буён шарқнинг оловли офтоби остида турган бу улкан мозаикавий паннонинг на ранги ўчди, на нураб тушди – ҳали-ҳануз яп-янгидай турибди. Мана сизга муҳаббат у виждон билан қилинган ишнинг натижаси!

Косинский раҳбарлик қилган ва Тошкент Политехника институти битирувчилари В.Азимов ҳамда Л.Нефедов тайёрлаган лойиҳа ўша кезлар “СССР архитектураси” журналида эълон қилинган (1970 йил, 12-сон). 1980 йилда эса Одилов ва Азимов лойиҳаси асосида Чорсу гумбазларини қуриш бошланган...

Ферузаранг етти гумбаз – Тошкент бренди, уни бус-бутун ҳолда асраб, авлодларга етказиш – бурчимиз.

Сиздан миннатдорман, Маэстро!

Ўрта Осиё рассомлиги, Ўзбекистон санъати тарихига дахлдор кўп воқеалар, янаям чуқурроқ кирганда эса, замонавий ўзбек тасвирий санъат мактабларидан бирининг таваллуди шу инсон номи билан боғлиқ.

Менинг оилам, дўстларимнинг тақдири ҳам шу исм билан вобаста.

Мен Беньков номидаги Республика рассомлар мактабида таҳсил олганман, бўлажак умр йўлдошимни ўша ерда учратганман, фарзандларим ҳам шу даргоҳда ўқиган. “Қайта қуриш” йилларида ўқув даргоҳи инқирозга юз тута бошлади, бошқа юртлардан келган ва “Беньков мактаби” довуғини оширган устозлар ҳам уни тарк этди. Ўша кезлар “Беньков”га раҳбарлик қилиш менинг зиммамга тушди. Уч йил директор бўлиб ишладим. Бошқа ёққа ўтиб кетганимдан кейин ўқув муассасаси номи ҳам ўзгарди.

Йиллар ўтди, таълим даргоҳининг шон-шарафи ҳам, ўзига хос мактаби ҳам йўқликка юз тутди. Сўнграқ довуғдор Беньков номи қайтарилди, аммо мақоми оддий мактаб даражасига тушди.

Татарларнинг олис Қозон шаҳрида туғилган рассом Беньковнинг шарафли номи ва ишлари эса йилдан-йилга улуғворлик касб этаётир. 2009 йилда таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан илк бора рассомнинг тўлиқ асарлари кўргазмаси ташкил этилди, бу тадбирга бош қўшганимдан фахрланаман.

Ҳаммаси учун Павел Петровичдан миннатдорман, унинг ёрқин хотираси олдида бош эгаман...

Юбилей муборак бўлсин, Маэстро!

Улуғхон қурдирган улуғвор обида

Дунёнинг турли шаҳарларида не-не масжидларни кўрганман. Мана буниси эса мени лол қолдирди!

Ислоом меъморчилиги услубини Бенгалияга XV асрда саркарда Улуғхон Жаҳон келтирган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан анча йиллар олдин Улуғхон Жаҳон узок Мовароуннаҳрдан бу ўлкаларга келган ва 1442 – 59 йилларда уни бошқарган султон Насриддин Муҳаммадшоҳни ўзига бўйсундирган. Улуғхон салтанат пойтахтини кўчиради ва янги бошкентда улуғвор бир масжид қурдиради. Мазкур иншоотда Византия, Самарқанд ва ҳинд меъморчилиги услуби уйғунлашиб кетган. Энг қизиғи, унда ўнта меҳроб мавжуд. 77 гумбазни эса 33 та устун кўтариб турибди.

Бангладеш аҳолисининг 168 миллиони мусулмондир; уларнинг аксари Бухоро зиёратини орзу қилар экан. Бинобарин, Бангладешда она заминимиздан борган зотлар барпо этган ўрта аср ислоом меъморий обидалари ҳам талайгина.

Демократия қурбонсиз бўлмас

...Сайлов қурбонларсиз ўтмади. Ўндан зиёд одам ҳалок бўлди. Демократия шу қадар қимматли қадриятки, уни қарор топтириш ва ҳатто сақлаб қолиш ҳам қурбонларсиз бўлмас экан. Қарангки, дунёдаги энг фақир мамлакатлардан бирининг халқи фикран қанчалар етук ва жасоратли!

Шайх Ҳасина хоним тўртинчи марта бош вазир этиб сайланди. Дарвоқе, унинг отаси – Бангладеш мустақиллиги асосчиси Шайх Мужибур Раҳмон 1973 йилда Ўзбе-

кистонга келган. Эрксевар, ўз келажаги-га ишончи собит, инсондўст, айна чоқда, бизга ва юртимизга хайрихоҳ Бангладеш халқи давлат бошқарувини тўртинчи маротаба оқила аёл кўлига топширди. Биз ўзбеклар ҳам бангладешликларга айрича ҳурмат билан қараймиз, шундай эмасми?

Олма – олам мўъжизаси

Олма – инсоният тарихидаги азалий ва серқирра рамзлардан биридир. Тақиқ меваси, Ньютон олмаси, Стив Жобснинг “Apple”и, Наманган олмаси...

Ҳамкасбим Азиза мени Паркент тоғларидаги далаҳовлисидан олиб келган олма билан сийлади. Унинг ранги ва нақшларини ҳайрат ила томоша қилар эканман, хона муаттар ҳидга тўлди. Ўзимни тутиб туролмадим: олмани қарс этиб тишладим. Роҳатижон!

Рўйи заминда бу меванинг етти ярим мингдан ортиқ нави бўлиб, 175 мамлакатда олмазорлар мавжуд экан. Ўзбекистон олма етиштириш бўйича жаҳонда 11-ўринда туради. Башарти, олмалар мусобақаси ўтказилганда, Азизахонимнинг Паркентдаги боғида етиштирилган олма ҳиди, таъми ва бежиримлиги билан албатта бош соврин соҳибига айланарди. Бу санъат одами – рассомнинг анчайин муболағаси деб ўйлаясизми? Унда Азизахонимдан илтимос қилинг, зора, сеҳрли олма сизга ҳам насиб этса... Ахир, каминангиз ҳам ўша олма тимсолида олам мўъжизасига дуч келмадими?..

Айтматов автобуси

Наманган шаҳридан узокроқ қишлоқ ва маҳаллаларда яшайдиганлар бу эски ав-

тобусни – буюк туркий адиб Чингиз Айтматовнинг ранги унниқиб кетган сурати туширилган кўчма кутубхонани сабрсизлик билан кутадилар. Нодир китоблар кони, фильмлар макони! Кутубхоначининг айтишича, қишлоқ аҳли кўпинча Айтматовнинг ўзбекча китобларини сўрар экан.

Ўйлашимча, адибнинг байналмилаллиги қишлоқ одамнинг туйғулари, ўй-ташвиши, дарду изтиробларини қаламга олганида; айнан унинг тилида сўзлаб, унинг тимсолини яратганида! Ўқувчининг миллати ёки тилининг аҳамияти йўқ, муҳими, у – қишлоқ одами. Яшаш жойи, ҳатто кўнгил дунёси-да бир хил, руҳияти муштарак. Шунинг учун қишлоқ одами – у ўзбек ё қирғиз бўладими, тожик ёки русми, буюк Айтматовни севиб ўқийди.

Дўппига лойиқмизми?

Дўппини диний маросим тимсолига айлантирдикми дейман... Тушунча ва қадриятлар қоришиб кетса, шундай бўлади одатда. Болалигимни эслайман: дўпписиз юриш айб саналарди. Энди эса дўппи кийсангиз, “Нима, таъзия бўлдимми?” деган саволга рўбарў келасиз. Ҳа, бир қолипга солиш амалиёти кундалик дўппини маросим кийимига айлантирди-қўйди. Саудиялик араб музокара ёхуд учрашувга миллий кийимида келса, ғалати туюлмайдими; яҳудий сиёсатчилар кипеда чиқса – ҳурматга лойиқ деб биламиз. Ўзбек дўппи кийсин-чи, аввал-бошлаб ўзимиз сўроққа тутамиз, ҳайрон бўламиз, ўнғайсиз сезамиз ўзимизни...

Бир раҳбар ўз идорасида дўппи кийишни жорий қилибди – вазирона иш, да-





дил қадам. Ишқилиб бу кампаниябозликка айланиб кетмаса бўлди. Ҳа-да, шу заҳоти “чопонбозлик” бошланиши, қай бир “ватанпарвар” “нимчапўшлик” таклифи билан чиқиши ҳам ҳеч гап эмас. Барибир, тушунмайди одам – араб БМТга галабея, дишдаша ва ғутрада келса нега биров савол бериб безор қилмайди, яхудий кипеда юрса таажжубланмайди-ю...

Камина ўн беш йиллардирки, кузда Бельгия сувости денгизчилари кепкасини кияман. Қишда XVIII – XIX асрга хос қалпоқда юраман; Абдулла Қодирийнинг Отабеги кийган бош кийим эсингиздами – ўшанда. Қишда хизмат сафарига боришга тўғри келса, русларнинг барратери қалпоғини бошга иламан. Биров сўроқ-савол қилмаган. Лекин ўзбек миллатига мансуб вазир дўппи кийса, дарров ҳайронпазлик бошланади, баъзиларнинг ҳатто аччиғи чиқади денг...

Тарҳи тоза, тарихи бой

Наманган маданий, меъморий ёдгорликларга бой. Уларнинг ҳар бири бетакрор шакл ва мазмунга эга. Мустақиллик йилларида шундай бўлдики, масжиду сарой қурилиши дейсизми, тарихий мақбараларни таъмирлаш дейсизми – ҳаммаси бир қолипга солинди. Наманганда эса манзара мутлақо бошқача. Ҳар бир иншоотда холдеккина бўлса-да нуқта борки, меъмор ул нақш ё хусусни бошқа жойда ишлатмайди. Шундай усталардан бири – Мулла Қирғиз

меъмор. У асли Наманганга таҳсил олгани келади. Талабалигида бўш вақтлари бир устага шогирд тушади. Сўнг эса машҳур бинокор Исматулла Охунд мураббийлигида меъморлик алифбосини ўрганади. Йигитча ўқимишли, ақлли, Қуръонни ёд билар; ҳам эскичасига, ҳам янгичасига саводли эди. Шунинг учун уни ҳурматлаб “мулла” дер эдилар. Бинокорлик соҳасидаги таҳсил тез орада маҳсулини берди, йигит бирин-син тарҳи ниҳоятда уйғун, гўзал иморатлар барпо эта бошлади. Мулла Қирғиз яратган иншоотлар кўзгусимон-симметрик нақшлар туфайли улғувор кўринади. У катта-кичик гумбазлар қуришда моҳирга айланди. Атоуллохон тўра, Мулла Қирғиз, Ғойибназар қори, Мавлоно Лутфуллоҳ масжидлари, шунингдек, Наманган кўприги ва бошқа кўплаб иншоотлар ана шу меъмор томонидан барпо этилган. Устози Исматулла Охунд касбнинг жамики сирларини унга ўргатади ва ҳатто кўзюмар чоғида дангаса ўғлига эмас, талантли ва саботли шогирдига оқ фотиҳа бериб кетади.

Меъморнинг асл исмини ҳеч ким билмайди. Қачонки ундан исмини сўрашса, “Қирғиз деяверинглар, қирғизлар қандай истеъдодли эканини билиб қўйишсин”, дер экан ҳазиллашиб.

Олисларга етаклар хаёл...

1957 йилнинг ноябри. Рим кинотеатрларида машҳур кинорежиссёр ва сценарийнавис Марио Моничелли суратга олган фильм намойиш этилади...

Ўғлим менга тушлик жўнатибди.

Хаёл узоқларга олиб кетди. Болалигим эсимга тушди.

Урушдан кейинги йиллар. Отам мактаб директори ўринбосари бўлиб ишларди. Мактаб уйимиздан 12 км узоқда эди. У эрталаб саҳармардонда велосипедда ишга кетар, бизга нонушта қилиб олинглар деб тайинлашни сира унутмас эди.

Йиллар ўтди. Отам урушда яраланган эди, шу сабаб оламдан эрта ўтиб кетди.

Бирин-кетин фарзандларим туғилди. Қизларим-ку ёшлиқданок нонушта тайёрлаб, эрталаблари дастурхон тузашни билди. Бироқ ўғлим... ҳар қанча тайинлашимга қарамай, тамадди қилмай мактабига кетиб қолар эди.

Йиллар ўтди... Энди ўғлим мендан олдин ишга отланади ва “Отажон, нонушта қилмай ишга кетманг, кардиомагнит ичишни унутманг...” деб СМС юборади.

Тунов кунни ота-ўғил жумага чиқдик. “Тушлик қиламизми?” деб сўрайди ўғлим. “Соат 2 да йиғилиш бор... Оқшомгача, соғ бўл, болам!” дейману ишга югураман.

Юқори қаватга чиқарканман, ёшгина йигитча “Сизга овқат опкелдим, совимасдан еб оларкансиз, тайинлаб юборишди”, дейди.

Ўғлимнинг ҳам ўғли бор – Темур Малик Турсуналиев. Ўғлим, дейман пичирлаб, сенинг зурриётинг ҳам шундай меҳрибон бўлсин! Илоё, ҳамма болалар ота-онасининг тириклигида қадрига етсин, вафотидан кейин эса ҳаққига дуо қилсин!

Дарвоқе, Моничелли кинематография тарихида ўзига хос рекорд ўрнатган: 1933 йилда фаолиятини бошлаган режиссёр 2006 йилда 41-фильмини намойиш этган! Киночининг “Нишонга хато урма, Асунта” фильми бизда айниқса муваффақият қозонган. 2010 йилда саратон дарди билан

касалхонага ётқизилган режиссёр 95 ёшида ўзини деразадан пастга отган...

Унинг фильмлари эса айнан бизнинг кечмишимиз, ҳаётимиз ҳақида сўйлаган каби ҳамон яшаётир.

Италиялик муаззин

Бахмал тумани марказида хайрия ҳисобида жоме масжид қурилди. Кексалар худди ўша жойда юз йиллар бурун мавзенинг энг кўркам саждагоҳи бўлганини эслайдилар. Даҳрийлик талотўплари замонида Бутуниттифоқ худосизлар жамияти фаоллари уни бузиб ташлаб, ўрнига “болалар уйи” қурган экан. Ҳолбуки, худосизлар келгунга қадар маҳаллий халқ “болалар уйи” нималигини билмаган, ҳеч ким фарзандини ташлаб кетмаган... Хаёлда бир ёруғ умид уйғонади: бу масжидда қилинажак дуолар жамият зеҳниятини яна тоза ўзанга буради, энди одамлар фарзандини ташлаб кетмайди, “болалар уйлари” буткул барҳам топади... Зора! Шояд!

Масжид очилиши арафасида қурбонлик қилинди, юз қирққа яқин қурувчига эҳсон тарқатилди, Қуръон тиловатидан кейин хайрли ишга бош қўшганларнинг барчаси ҳаққига дуо қилинди. Маросимда олис Италиядан келган Массимо Амброзини ҳам иштирок этди. Меҳмоннинг исломга муҳаббати ва динимизга оид кўп нарсани билиши маълум бўлгач, имом “Масжиднинг илк муаззини ўзингиз бўласиз”, дея лутф қилди унга. Жаноб Амброзини таклифни бажонидил қабул қилди ва қисқа фурсатда имон келтириб, муаззин вазифаларини ўрганишга, 52 метрли минорага чиқиб азон айтишга сўз берди.



BERUNIYNING AQL MASH'ALI

Бу йил инсоният тафаккури, дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган аллома Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний таваллудининг 1050 йиллиги нишонланади.

Берунийни ўрта мактабданоқ китобдафтарлар муқовасидаги сурати орқали таниган бўлсам-да, унинг ижодига илк бор ошно тутинмоқ ўтган асрнинг 90-йилларида насиб этди. Ўша кезлар қўлимга жаҳоншумул адиб Хорхе Луис Борхеснинг “Гулистон” журналида босилган “Марвлик ҳақим ёхуд ниқобли бўёқчи” ҳикояси тушди. Уни ўқигач, адиб келтирган маълумотлардан мутаассир бўлиб, Муқанна ҳақидаги тарихий манбаларни излашга кириш-

дим. У маҳаллар “Шарқ юлдузи” журналининг наср бўлимида кичик муҳаррир бўлиб ишлардим. Таҳририятга келиб-кетиб юрадиган тарихчи олимларимиздан бири буюк аллома Беруний “Осор ул-боқия” рисоласида у ҳақда ёзганини айтгач, ўша асарни излаб Алишер Навоий кутубхонасига бордим.

Берунийнинг битиклари мени ниҳоятда лол қолдирди, тасаввурларимни остин-устун қилиб юборди. Асарнинг ўша қисми-ни кўчириб олдим, бироқ қолган бўлимлари ҳам беихтиёр ўзига тортиб кетаверди. Собийлар, ҳарронийлар, қуршлар, маздакийлар, монийлар, қарматийлар, зардуштий-

лар ва бошқалар ҳақидаги маълумотларга илк бор дуч келган эдим.

Табиийки, у даврда улғайган бир йигитчанинг ақли Абу Райҳон Беруний закосининг қамровини тасаввур ҳам этолмасди. Шундай бўлса-да, қалбимда у муҳтарам зотга нисбатан ихлос уйғонди, алломанинг мероси бир умрлик ҳамроҳимга айланди, вақт-соати билан бошқа асарларини ҳам ўқиб чиқишга, ҳаётини ўрганишга имкон туғилди.

Алқисса, исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад бўлмиш у зот Хоразмнинг Қиёт шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида туғилган. Замонавий манбаларда у Кот ёки Кат деб аталади.

Илмдаги мақом

Берунийнинг ўсмирлик, ёшлик ва етуқлик даври ҳақида бир қанча қимматли манбалар бор, бироқ унинг қандай инсон бўлганини энг аввало ўз асарларидан билиб оламиз. У китобларида илмий рисоаларга хос бўлмаган ажойиб услуб қўллаган: рўй берган воқеалар тафсилоти, фикр-мулоҳазаларини ҳам битиб кетган.

Берунийнинг таъкидлашича, отаси у эсини танимасидан бурун вафот этган, онаси эса ўтинчилик билан кун кечирган. Ёқут Ҳамавийнинг “Иршод ал-ариб ила маърифат ал-адиб” асарида олимнинг ўзи ёзган шундай мазмундаги шеър келтирилади: “Оллоҳга қасамки, мен ўз сулоламан, ўз бобомни билмайман. Қандай қилиб билардим, агар отамни ҳам кўрмаган бўлсам? Мен – Абу Лаҳаб, тарбия кўрмаган шайх ва волидам – “хамма латол хатоб...” (Крачковский И. Избранные произведения.

Том 4. М.-Л., Издательство АН СССР, 1957. Стр. 245). Қуръони каримнинг “Масад” сурасида келган “хамма латол хатоб” ибораси “ўтин орқалаган” деган маънони билдиради.

У ўсмир ёшида ўз даврининг буюк олими – “Батлимуси соний” (Иккинчи Птоломей) деб ном олган Мансур ибн Ироқ назарига тушади. Тақдирнинг унга илк совғаси эди бу. Мансур ибн Ироқ офриғий ҳукмдорлар сулоласидан бўлиб, иқтидорли ўсмирнинг закоси уни шунчалар мафтун этадики, кейинги йилларда ёзган бир қанча асарини Абу Райҳонга бағишлайди. Ёқут Ҳамавийнинг нақл қилишича, Беруний ҳам “Сўнғги Маъмун назар солди ҳолимга, / Бошим кўкка етказди ул султоним” дея устозига чексиз ҳурмат изҳор қилган.

“Мен болалик чоғимданоқ, – деб ёзган эди Беруний, – ёшим ва шароитимга қараб, имкон қадар кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: биз турадиган қасабага бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатиб ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб кўяр эдим” (Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 4-том. “Фармакогнозия”. Тошкент, “Фан”, 1973. 139-бет). Шу тариқа, у юнонча ва сурёний-





“Осор ул-боқия”нинг XIV асрга оид қўлёзмасига ишланган расм

чани ўрганади. Сурёнийни билиш – иброний ва аъромийни билиш демакдир. Демак, ул юнон Абу Райхон учун тақдирнинг иккинчи совғаси бўлиб чиқади.

Ўсмир ёшида у Батлимуснинг “Ал-Мажистий”, Арастунинг “Мантик”, “Мобаъд ат-табиат” ва “Ал-хаботот”, Ҳабаш ал-Ҳосибнинг жадвалларини ёд олади (Ҳабаш ал-Ҳосибнинг асл исми Абу Жаъфар Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвозий бўлиб, математикада параллакслар фаразининг янги усулини кашф этган, бу усул кейинчалик Кеплер тенгламаси деб номланган). Бодғис тепалигига чиқиб Хоразмнинг Ер юзида жойлашган ўрнини аниқлайди, глобус ясаб, ўша кезлар маълум бўлган шаҳар ва қишлоқларни белгилайди.

“Тураржойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чега-

раларини аниқлаш китоби”да бундай ёзади: “Мен Батлимуснинг “Жуғрофия”сида баён қилинган усулни ал-Жайхоний ва бошқа олимларнинг “Йўллар ҳақида китоб”идаги усуллар билан бирлаштиришга кўп уриндим, бу ҳақдаги тарқоқ фикрларни йиғдим, ноаниқ нуқталарни изоҳлаб, бу соҳани тўлдирдим. Жой ва шаҳарлар номини, улар орасидаги масофаларни ўша ерларни кезган ва кўрган кишилар оғзидан эшитганларига асосланган ҳолда аниқладим. Йўловчилар, сайёҳлар, карвон эгалари ва йўлбошловчилар билан сўзлашиб, билиб олганларимни таққослаб, уларнинг қай бири ишончли эканини текширдим. Бу мақсадга етиш йўлида ўзимни сира аямадим. Натижаларни ёдда сақлаш билан бирга, ёзиб ҳам бордим. Ўйладимки, мамлакатда тинчлик ҳукм суриб, хавф-ха-

тар бўлмас дея. Лекин қўққисдан фалокат содир бўлиб, барча хулосаларим ва ёзганларимни нобуд қилди...” (“Танланган асарлар”. 3-том. “Геодезия”. 1966. 91-бет).

Аллома “фалокат” деб атаган ҳодиса – Амир Абулқосим Симжурининг хоразмшоҳ Али ибн Маъмунни мағлуб этиб, мамлакатни қўлга олиши бўлиб, ҳар ким ўз жонини қутқаришга тушади. Мансур ибн Ироқ Журжонга, Абу Райхон эса Райга йўл олади. Бу фалокат ҳам у учун хайрли бўлиб чиқади. Рай ўша кезлар бувайҳийлар сулоласи измида эди. Ёш йигит у ерда бирмунча вақт қийналиб яшайди. “Осор ул-боқия”да райлик бир киши астрономияга доир масалада у билан баҳслашгани, илми саёз бўлса ҳам, ўзини олимдан юқори тутгани, ҳатто ҳақорат қилишгача борганини ёзади: “Ваҳоланки, орамизда бойлик ва мақтовни ёмонликка, фахрни айбга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликларга учраб, паришонхўл эдим” (“Танланган асарлар”. 1-жилд. “Осор ул-боқия”. 400-бет).

Райда у етук олим Абу Маҳмуд Ҳамид ал-Хўжандий билан танишади, у барпо қилган тенгсиз “Фахр ул-сулс” устурлобини кўради. Кейинчалик Мирзо Улуғбек Самарқандда қурдирган расадхона ўша устурлобнинг бир ярим баравар катта-лаштирилган нусхаси эди.

Машаққат кезлари яна саховатли Мансур ибн Ироқ ёрдам қўлини чўзади: уни Журжонга, Шамсулмаолий ҳузурига чорлайди. Журжон зиёрийлар давлатининг пойтахти эди. Шамсулмаолий лақабли Қобус ибн Вушмгир қаттиқфеъл, шафқатсиз ҳукмдор бўлган. У “...ҳеч бир кишининг

гуноҳини афв қилмасди. Унинг бу феълидан қўшин зада бўлиб, амакисининг ўғли Фалакулмаолийга қўшилди. У Шамсулмаолийни ҳибс қилди ва Хаёник қалъасига жўнатди. Қоровуллардан бири Абдуллоҳ Жаммазабон деган киши эди. Шамсулмаолий унга деди: “Эй Абдуллоҳ, шунча улўғлигим билан бу ҳолга тушмоғимнинг сабабчиси ким бўлди?” Абдуллоҳ беш кишининг отини айтиб, “Шулар сабаб бўлди ва мен ҳам уларнинг орасида эдим. Лекин сен бу ишни ўзингдан кўргин”, деди. Шамсулмаолий сўради: “Нима учун?” Абдуллоҳ жавоб берди: “Халқнинг қонини кўп тўкканин учун бу ҳол сенинг бошинга тушди”. Шунда Шамсулмаолий деди: “Сен ёлғон айтяпсан. Бу иш менинг бошимга киши ўлдирганим учун тушмади, балки киши ўлдирмаганим учун тушди. Негаки, мен сени ва ўша беш кишини ўлдирсам эди, бу ҳолга гирифтор бўлмас эдим” (Кайковус. “Қобуснома”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1986). Бироқ Оламлар Парвардигори бу қаҳри қаттиқ кишининг кўнглини олимларга ҳомийлик учун мойил қилиб қўйди. Халифа ат-Тоий лиллаҳ унга айни шу фазилати учун “Шамсулмаолий”, яъни “Маънолар қуёши” унвонини берган эди.

Тақдир яна кулиб боқади: билим ва тадқиқот учун тўқис шароитга эга бўлган Беруний, шоҳ буйруғига кўра, машҳур “Ал-осор ул-боқия ан ил-қурун ил-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарини ёзиб, уни Шамсулмаолийга бағишлайди. Аллома “келгуси авлодга мендан мерос бўладиган фахр либосини кийишга, шу асарни ёзишга мени журъатлантирди” дея ҳукмдорга эҳтиромини изҳор этади.

“Осор ул-боқия” – қадимги Хоразм халқлари, яҳудийлар, насронийлар, маъжусийлар ва мусулмонларнинг урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, тақвимлари, динлари, пайғамбарлари, муқаддас китоблари, ҳукмдорлари ҳақидаги қимматли маълумотлар жамланган кенг қамровли қомус эди. 27 яшар йигитнинг закосидан ҳайратда қолган Шамсулмаолий унга ва-зирлик рутбасини таклиф қилади. Беруний ўта юксак одоб билан шоҳ таклифини рад этиб, Гурганжга бормоққа рухсат сўрайди.

Бу вақтга келиб мағлуб хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг иниси Абул Аббос Маъмун яна Хоразмни қўлга киритган эди. Ўз юртига қайтган Берунийни шоҳ иззат-икром билан қаршилаб, “Дор ул-ҳикма”га раис этиб тайинлайди, шу билан бирга мамлакат бош мироблигини топширади.

Бу – тақдирнинг Берунийга навбатдаги ҳадяси эди. Абу Райҳон Абул Аббос Маъмунни “ўта юксак хулқли киши, бирон марта оғзидан ножўя сўз чиқмаган эди” деб таърифлайди. Ҳатто ҳукмдор бир масалани сўрагани уйига келганини ёзади.

Беруний камҳосиллик сабабини мироблар ўз ишини масъулият билан бажармаганида деб билади. Эски суғориш йўллари, ариқларни излаб кезади, Жайхун сувининг миқдорини аввалдан билиш учун шоҳдан ёрдамчилар сўрайди (улар гулхан ёқиш орқали дарёдаги сув сатҳини билдириб туришлари керак эди). Шу тариқа у тоғларга ёққан ёғин ва қор-музнинг эриш даражасига қараб, Хоразмга етиб келадиган сув миқдорини аниқлашга уринади.

Берунийнинг Абу Али ибн Сино билан ёзишмалари сақланиб қолган бўлиб, икки

ёш олимнинг фалсафа, фалакнинг жойлашуви ва ҳаракати, моддалар хусусиятлари ҳақидаги баҳслари ўта қизиқарли ва ҳозиргача ўз қийматини йўқотмаган. Беруний бутун олам тортишиш кучини айнан навқиронлик чоғида кашф қилган, бугун “3D” деб аталадиган уч ўлчамли фазо тушунчалари ҳам унинг ҳисобларидан ўрин олган эди.

Беруний Гурганжда ўн беш йилдан зиёдроқ қолиб кетади. Кейин эса олим ҳаётининг Ғазни даври бошланади. Тарихнинг шу даври бир оз чалкашроқ. Баъзилар “Султон Маҳмуд Хоразмга аввалдан кўз тиккан эди, шу сабабли босиб олди”, дейдилар. Аслида воқеа бошқачароқ бўлган.

Гап шундаки, Маҳмуд Ғазнавий Хуросон ва Мовароуннаҳрда “султон” унвонига сазовор бўлган илк ҳукмдор эди. Ўша давр таомилига кўра, мамлакатларни забт этиш учун халифанинг рухсати лозим эди. Халифа Ал-Қодир биллаҳ султон Маҳмудга Мовароуннаҳрни беришга кўнмагани ҳақиқатга яқинроқ. Буни султон ва халифа ёзишмалари тасдиқлайди.

Мовароуннаҳрни ўз ҳукми остига олиш ўйи султон Маҳмудда кўпдан буён бор эди. Бу ишни амалга ошириш фурсати келгач, султон Маҳмуд халифа ал-Қодир биллаҳга шундай нома юборади: “Мовароуннаҳрни менга бергин, йўқса қилич билан олурман ва раият менга муте бўлади. Агар сен Мовароуннаҳр тасарруфининг ёрлиғини юборсанг, мен у ёрлиқни халойиққа кўрсатурман, токи раият сенинг фармонинг билан менга муте бўлсин”. Халифа элчи орқали бундай жавоб йўллади: “Оламда менга Мовароуннаҳр раиятидан итоатлироқ қавм йўқдир, ҳаргиз бермасман. Аммо

сен мендан фармон етмай туриб уларга қасд қилсанг, бутун оламини сенга душман қилгайман” (*“Қобуснома”, 130-бет*).

Султон Маҳмуд Хоразм ҳукмдори оиласи билан қариндошлик ришталари ила боғланган бўлиб, аввалги хоразмшоҳ Али ибн Маъмун унинг синглисига уйланган эди. Сўнграқ тахтга келган Абул Аббос Маъмун шаҳзода отасиз қолмасин, деб оғасининг хотинига уйланиш учун султон Маҳмуддан рухсат сўрайди. Рухсат бўлгач, уни никоҳига олади, шу тариқа, султон Маҳмуднинг жияни унинг ўғлига айланади. Султон Маҳмуд ёшининг улуглиги, ўртадаги иттифоқ ва қудачилик урфига кўра, Хоразмшоҳга мактуб юбориб, барча йирик шаҳарларда номига хутба ўқитишни талаб қилади. Хоразмшоҳ Маъмун сарой киборлари ва обрўли ҳарбий бошлиқлар кенгагини чақириб, уларни нома мазмунидан хабардор этади. Аъёнлар Маҳмуд Ғазнавий истагига қатъиян қарши чиқади. Абул Аббос Маъмун кўнгилчан киши эди. У султон Маҳмуд элчисига кенгаш фикрини тушунтириб, муҳлат сўрайди. Шу билан бирга, айрим шаҳарларда Ғазнавий номига хутба ўқишга буйруқ беради. Хоразмшоҳнинг бу қарори сарой киборларига хуш келмайди. Улар “Кўшин пухта ҳозирлик кўрган. Султон Маҳмуд черигига бемалол қарши тура оламин. Хутба ўқитиш ва пул зарб этиш эса мағлубиятдир. Мамлакат ҳур экан, биз сенга садоқат билан хизмат қиламиз. Мабодо сен туфайли эркимизни қўлдан берсак, қиличларимизни яланғочлаймиз ва сени ўлдириб, салтанатни бошқа кишига топширамиз” дея ғала-ғовур кўтаришади. Бу сўзлар султон Маҳмуд қулоғига ҳам етади. Лекин орадан бир оз

вақт ўтгач, хоразмликлар кўрқув ва хавотирга тушиб қолишади. Улардан бири – Хоразм қўшини лашкарбошиси Инолтегин эди. Хиёнаткор аъёнлар фитна йўлини тутиб, хоразмшоҳ Маъмунни (айрим маълумотларга кўра, Султон Маҳмуднинг синглисини ҳам) заҳарлаб ўлдиришади. Бошқаларга эса, “Эрталабки салом учун саройга кирганимизда, шоҳ вафот этганидан хабар топдик” деб айтишади. Маъмун ўрнига унинг ўғли, султон Маҳмуднинг жияни Абу Алини тахтга ўтқозишади (*Абу Наср Утбийнинг “Тарихи Яминий” китобидан*).

Ҳукмдор оиласига суиқасд қилиниши кечириб бўлмас ҳол эди. Султон Маҳмуд Ғазнидан кўшин билан Балхга, у ердан Хоразмга йўл олади. Хоразмни забт этгач, барча айбдорларни тутиб жазолайди. Мамлакатга Амир Олтинтошни волий тайинлаб, йиллик ўлпон тайин этади. Бир қанча кишилар, шунингдек, олимлар устози Абдуссамад Аввал ал-Ҳакимни қарматий ва кофирликда айблаб, ўлимга буюради. Шубҳа сиртмоғи бўйнига тушганлар орасида Абу Райҳон ҳам бор эди. Айтишларича, султон уни ҳам қатлга буюрмоқчи бўлади, лекин бир аъён “Абу Райҳон деганлари юлдузшуносликда ўз замонининг пешвоси, подшоҳларнинг ундайларга эҳтиёжи зўр бўлади” дея уни қутқариб қолади. Ҳибсга олинган лашкарбошилар ва уларнинг бола-чақаси, уста хунармандлар билан бирга “Дор ул-ҳикма” олимлари ҳам Ғазнига йўл олади.

Тақдир Маҳмуд Ғазнавийдек қаҳри қаттиқ фотиҳни ҳам Абу Райҳонга мойил қилиб қўяди. Айнан шу ҳукмдор изни билан олим йигитлик чоғида ўзи турли асар-

ларида тадқиқ этган Ҳинд диёрига сафар қилади, маҳаллий халқнинг урф-одатлари, таълимотлари ва билимларини ўрганиб, “Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”ни битади. “Ҳиндистон” деб ном олган ушбу рисола бугунги кунда ҳам ўта қимматли, тенгсиз асар деб эътироф этилади.

У даврда Ҳинд ўлкаси “дор ул-куфр” ёки “дор ул-ҳарб” деб аталар, ҳиндлар ботил эътиқодда деган тушунча собит эди. Беруний ҳиндлар эътиқод қиладиган динлар моҳиятини очиб беради, уларнинг илм-фани юнон илм-фанидан баҳра олгани, бироқ замонлар ўтиши билан ортда қолиб кетганини асослайди.

Олимнинг “Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни аниқлаш китоби”) асари ҳам муфассаллиги билан кишини ҳайратга солади. Муаллиф уч юздан зиёд қимматбаҳо тошнинг қаттиқлиги, солиштирма оғирлиги, ранги, қирралари тузилиши, таркиби, сув ва оловга чидамлилиги каби асосий хусусиятларини тушунтириб берган. Китоб Қобус ибн Вушмгир саройида ёзиб тугаллангани айтилади, бироқ унда келтирилган ҳаётий воқеалар асар йиллар давомида тўлдирилиб борилганини кўрсатади. Ушбу парчага диққат қаратайлик: “Мисол учун, атиргулни оладиган бўлсак, аввалбошда тоза оқ атиргулни, сўнг бир оз қизил тус аралашганини, қизиллик орта боргани сайин ол ёноқлар рангига кирганини, янада қизаргани сайин шақойиқ ва ҳатто қора тусга яқинлашганини кўрасиз. Энди уларнинг номланишини санаб ўтсак: руммоний – анор уруғи ранги, баҳраманий – заъфарон гулли, уржувоний –

мовий аралаш қизил, усфурий – қирмизи, банафсожий – бинафша, жимрий – лангиллаган кўмир чўғи ранги, шамий – ёнаётган шам алангаси ранги, лаҳмий – янги сўйилган кўй ёки оҳу эти ранги, вардий – пушти, гулнорий – анор гули ранги. Шунингдек, уйқаш туслар ҳам бор. Сарикнинг тусларига келсак, қобидий – жигар рангида, тамий – қуритилган хурмо, радбий – шохдаги хурмо, мишмиш – ўрик, утружий – пўртахол, тибний – сомон, асалий – бол ранги. Шаффоф бўлмаган сариқ тошлар учун ақрабий – чаён ранги, афсурий – эшак тишининг ранги, фалфалий – қалампир ранги. Яшил ва мовий тошлар энг оз тусланишга эга. Зулмоний – тўқ яшил, райхоний – райхон барги туси, силкий – лавлаги барги ранги, алас – сули унганидаги ниҳоли ранги, зайтуний – зайтун, ринед – дафна япроғи ранги.

Лекин энг қимматлиси – турли ранглар уйғунлашган лаълдир. Мисол учун, буқаламун тусли лаълда сариқ, яшил ва само ранги тажассум этади. Уни нурга тутиб айлантирилса, нур ёки соя тушишига қараб турли рангларда товланади, мана шу хусусияти кишини маҳлиё қиладди. Бир киши менга қизил, яшил ва сариқ туслар бир-бирига аралашиб, ўзига хос яхлит ранг пайдо қилган улкан ёқут ҳақида сўзлаб берган эди...” (Абу Райхан Бируни. *Избранные произведения*. “Минералогия”. Ташкент, “Фан”, 1963. Стр. 297).

Ғазнавий ва Беруний муносабатлари ҳақида сўз борар экан, аллома кези келганда ҳукмдорга танбеҳ ҳам берганини қайд этиш жоиз. Мана бунинг тасдиғи: “(Султон Маҳмуд) Меҳржон байрами кунлари Хоразмдан қайтиб келгандан сўнг мунажжим-

ларнинг башорати тўғрисида сўз кетди. Унинг ўн йилдан ортиқроқ умри қолган деб эмишлар. (Султон Маҳмуд) шу гапдан сўнг бундай деди: “Менинг кўрғонларим бойликлар билан шунчалар лиқ тўлиб-тошганки, уларни кунма-кун тақсимлаб чиқиб, тўлиқ сарф этмоққа эҳтиётли киши ҳам, исрофгар ҳам ожиздир”. Бир сафар (шу сабабли Маҳмуд менга доим танбеҳ берар, койир эди) журъат қилиб унга бу сўзларни айтдим: “Худога шукрлар қилинг ва ундан тилангки, у бойликларингиз манбаини, бахтли тақдир ва ютуқларингизни асрасин. Сиз фақат унинг марҳамати билан хазиналарингизни топгансиз. Агар омад кетиб, бу тақдир ўчгудек бўлса, бойликлар бетартиб сарф бўлиб, бир кунга ҳам етмайди. Мақтанчоқликдан парҳез қилинг” (“*Танланган асарлар*”. 5-жилд. “Минералогия”. Тошкент, “Фан”, 2017. 28-бет). Шох билан олим орасидаги муносабат, ҳарҳолда, айрим олимлар ва адиблар талқинидагидек бўлмагани кўриниб турибди. Берунийнинг бу журъати сабаби эса, унинг ҳаётий қоидаларига ҳамоҳанг эди: “Подшоҳлар олдида рост сўзни айтар экансиз, уларнинг савлатидан ҳайиқманг, улар жисмингизга ҳукмронлик қила оладилар, ammo қалбингизга даҳл эта олмаслар” (“*Танланган асарлар*”. 2-жилд. “Ҳиндистон”. Тошкент, “Фан”, 1965. 26-бет).

Ҳаётий маслак

Буюк алломанинг кишилиқ сиймосини илмдаги сиймосидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Шаҳразурий деган олим бундай ёзган: “Абу Райхон ўзига энг керак нарсалар билан кифояланди. Молу сарват-

ни назарига илмас, кундалиқ ташвишларга вақт сарфламай, тамомила билим денгизига шўнғиган, қачон қараманг, букчайиб ёзиб ўтирганини кўрардингиз. У олий билимлар дарвозаларини очиб, муаммоларнинг ечимини топиб, бошқалар тушуниши учун осон қилиб қўйди. Унинг қўли қаламдан сира узилмади, нигоҳи мудом чақнаб, қалби тафаккур ила банд бўлди. Фақат икки кун – Наврўз ва Меҳржон байрамида тирикчилик ишларига эътибор қилиб, хизматкори билан либос ва егулик ғамлашга чиқарди. Бошқа вақт эса, бундай икки-чирларни хаёлига ҳам келтирмасди”.

Олимнинг ўзи битган хотираларга қулоқ тутамиз: “Тўрт юз тўққизинчи йил, жумодул охир ойининг сешанбасида (мил. 1018 йил 21 октябрь) мен Кобул яқинидаги Жайфур қишлоғида эдим. Фикру зикримни бу жойларнинг жуғрофий кенглигини ўлчаш истаги эгаллаб олган эди, бироқ у кезлар шунчалар қийинчиликда эдимки, худо раҳмат қилгур Нуҳ ҳам, Лут ҳам буни кўрмаган бўлса керак. Юксакликни ўлчаш учун бирон асбобим, уни яшаш учун воситам ҳам йўқ эди. Шунда мен ҳисоб тахтасининг орқа томонига ҳар даражаси олти бўлимга бўлинган ва ҳар бири ўн дақиқани билдирувчи ўлчов ёйи чизиб, уни осиб, кенгликни осма тошлар ёрдамида ўлчадим...” (*Избранные произведения*. Том 3. “Геодезия”. Ташкент, “Фан”, 1966. Стр. 144).

Умрини олам сирларини очмоққа сарфлаган, илмнинг ибодатга тенг эканини қоида билган ва бу қоидадан чекинмай яшаб ўтган буюк зотнинг нафақат кашфиётлари, балки ҳаёти ҳам дунё аҳлига ўрнак бўла олади. Фақиҳ Абул Ҳасан Валволийий

нақл қилган воқеа ҳам ғоят ибратлидир. Жон бераётган Беруний Валволийжидан “Сен менга “Ал-жаддат ал-фосида” ҳақида нима деган эдинг?” деб сўрайди. “Шундай ҳолатда-я!” деб таажжуб билдирган суҳбатдошига “Дунёдан ўша масалани билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхшироқ эмасми?” деб жавоб қилади. Мерос ҳисоблаш усули ҳақидаги у масала тушунтириб берилгач, хаста олим хотиржам тортади ва ўзи ҳам ваъда қилган нарсасини Абул Ҳасанга ўргатади. Кўп ўтмай йўлда кетаётган Абул Ҳасан йиғи товушини эшитади. Абу Райҳон жонини Ҳаққа топширган эди...

Салафлар ва ҳалафлар

Беруний “Дор ул-ҳикма”да Абу Али ибн Сино, Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масихий, Абу Фатҳ ал-Хурмузий, Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Али ибн Муҳаммад ибн Мискавайҳ, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Али ал-Ҳасан ал-Хубубий каби замонанинг етук кишилари билан ҳамнафас бўлган. Ҳазнида бундай кишилар давраси янада кенгайган: султон Маҳмуд саройида Унсурий, Фирдавсий, Манучеҳрий, Фаррух Сейистоний, Абул Ҳасан Мусофир каби ўнлаб шоир ва алломалар жамланган эди. Ҳар бирининг ҳаёти бир китоб бўлишга арзийди.

Шу ўринда Берунийнинг яна бир улғу замондоши Ибн Синонинг ажаб тақдирига эътибор қаратсак. “Дор ул-ҳикма” олимлари Ҳазнига йўл олар экан, Абу Али ва Абу Саҳл Масихий у ёққа бормай, чўл-биёбонлар орқали Журжонга қочиб кетишади. Журжон ва Гурганж ораси минг чақиримдан зиёд бўлиб, йўл икки чўл орқали ўтади. Уловсиз, озуқасиз сафарга чиқиш ақл-

га сиғмайди. Устига-устак, икки олим катта қишлоқлардан четланиб-яшириниб йўл босишга мажбур эди. Нақл қилишларича, Маҳмуд Ҳазнавий Ибн Синонинг қирқта суратини чиздириб, работларнинг доруғаларига тарқатган ва уни қўлга олиб, Ҳазнига келтиришни буюрган экан.

Хўш, Ибн Синони биёбон оша қочмоққа ундаган сабаб нима эди?

Гап шундаки, султон Маҳмуд “Ер юзида биронта исмоилийни қолдирмайман” дея уларга қарши уруш очади. Исмоилийлар, бошқа манбаларга кўра қарматийлар ёхуд тоҳирийлар ким эди? Бу саволга жавобан Абу Райҳоннинг таърифини келтира қоламиз: “Биз баён этган ҳодисадан кейин қарматийлар иши кучайди ва Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий кўзголиб, уч юз ўн саккизинчи ҳижрат йили Маккага борди, тавоф қилаётган одамларни ўлдирди ва жасадларни Замзам қудуғига ташлади. У хонаи Каъбанинг пардасини тортиб олди, тилласини ўғирлаб, тарновини кўчирди, қоратошни синдирди. Кейин уни Куфа масжидига осиб қўйди ва ўз шаҳрига қайтди...” (“Осор ул-боқия”, 248-бет). Баъзи кишиларга кўра, Ибн Синонинг отаси ва акаси исмоилий мазҳабида эди. Султон Маҳмуднинг онтидан хабардор бўлган Абу Али мени ҳам ўлдирди деб ўйлаб, Гурганжни тарк этгани ҳақиқатга яқин. Бироқ Абу Саҳл Масихийнинг қочиб кетиш сабаби номаълум, агар у насронийлиги туфайли шундай йўл тутди дейилса, “Дор ул-ҳикма”даги яна бир ҳаким – Абул Хайр ибн Ҳаммор ҳам ғайридин бўлиб, султон унга зуғум қилмагани маълум. Ҳаммор умри охирида Беру-

ний туфайли исломга киради, бунинг учун султон Маҳмуд Беруний қошида таъзим қилгани нақл қилинади.


Гарчи Ибн Сино ўзининг бу тоифага мансуб эмаслигини билдириб рубойи (*Замин аҳли аро танҳо мусулмон мен эдим, эй воҳ, / Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ*) битган эса-да, хавф ва машаққатларга тўла чўллардан Журжонга яёв жўнашини Ҳазнавийнинг онти билан изоҳласа бўлади. Йўлда Масихий ҳалок бўлади, Ибн Сино эса манзилга етиб боради.

Берунийнинг исмоилия мазҳабига муносабати “Оқ кийимлилар ва қарматийлар ҳақида” рисоласида батафсил баён этилган бўлса керак, афсуски, у бизгача етиб келмаган. Бироқ “Пайғамбарлик даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари – уларга оламлар Эгасининг лаънати бўлсин – тарихлари устида сўз” асаридagi қарматийлар боби унинг эътиқодини аниқ намоён қилади.

Сайф уд-давлат, ямин уд-давлат, фахр ул-миллат каби унвонларга ноил кўрилган Маҳмуд Ҳазнавий 1030 йилда вафот этгач, тахтга унинг ўғли – Берунийнинг шогирди Масъуд Ҳазнавий ўтиради. У ўз устозига кўп марҳаматлар кўрсатади.

...Унинг ихтиёрида бор-йўғи паргор, чизғич, устурлоб ва армила бор эди, холос. Аксар оламшумул кашфиётларини у тафаккур, мушоҳада ва тажрибалар орқали амалга оширди.

Беруний солиштирма оғирликларни ўлчади, Ернинг тортиш кучини кашф этди, курраи арз Қуёш атрофида айланишини тахмин қилди. Ибн Сино ва Масихий таъсирида “Сайдана” асарини ёзди. Математика, ҳандаса, физика, тарих фанида ўзгача бўлган кўплаб олимларнинг тадқиқотларини таққослаб, хатоларини тузатди. Сув билан қуруқлик муттасил ўрин алмашиб туриши, чўлларда денгиз чиғаноқлари уч-



Ойнинг тўлиш босқичлари (Беруний чизмаси)

рашининг сабабларини изоҳлади. Мингдан зиёд юлдузнинг ҳаракат йўлини белгилади, ўзга оламлар мавжудлиги ҳақда ёзди. Жоннинг нима эканига тўхталиб, уни “кув-ваи табиия”, бугуннинг таъбири билан айтганда, ҳаёт кечирмоқ учун зарур билимларни ўзида жамлаган дастурий қувват деб атади. Ўсимликларни тирик мавжудот деб билди. “Қимматбаҳо тошларни аниқлаш китоби”даги баъзи бўлимларни бугун бемалол “Гигиена ва эстетика” деган ном билан ўқитса бўлади.

Беруний кашф қилган “сув ўғирлаш асбоби” диққатга сазовор, ҳозир у “сифон” деб аталади. Моддаларнинг солиштирма оғирлигини ўлчовчи асбоб, қимматбаҳо тошларнинг вазнини аниқлаш учун нозик тарози, туташ идишлар қондасига асосланган ускуна, юқори аниқликдаги устурлоб, армила... – буларнинг барчасини ўзи ясади.

Берунийнинг мана бу битиги жуда қизик: “Раъода, яъни “қалтировчи” деб танилган бир балиқ... тўрда тирик турган вақтида уни овлаган кишининг қўли увишади, ҳатто шундай дейдиларки, биров қамишни олиб, унинг бир учини ўша балиқ устига қўйиб, бошқа учини ўзи ушлаб турса, қўли увишиб, қамиш унинг қўлидан тушиб кетади” (“Осорул-боқия”, 405-бет). Гап Баҳрул Аҳмар, яъни Қизил денгизда учрайдиган электр скат ҳақида бормоқда. Замондошларимиз бу ўринда сўз электр ҳодисаси ҳақида бораётганини дарҳол тушунади. Бироқ Берунийнинг бунга диққат қаратиши олимнинг кучли қизиқишидан дарак беради: агар ўша балиқ яшайдиган диёрларга бориш насиб қилганида, электр ҳосил бў-

лиши қонуниятларини ўша даврдаёқ кашф этган бўлармиди, деб ўйлаб қоласиз.

Илм йўлидан бир лаҳза ҳам чалғимаган алломадан инсониятга улкан мерос қолди: астрономия (70 та), математика (20 та), адабиёт (18 та), тарих ва этнография (15 та), фалсафа ва картография (4 тадан), метеорология (3 та), физика ва фармакология (1 тадан) каби фанлар бўйича илмий мероси ҳозир ҳам дунё миқёсида тадқиқ этилмоқда. “Денгизлар назарияси” асари жуғрофия ривожига туртки бўлди: у Птолемей фикрини рад этиб, Африка жануб томондан океан билан ўралганини айтди; Марказий Осиё халқларининг жуғрофий жойлашуви, Болтиқбўйи ва Шимолий муз океанига яқин мамлакатлар ва халқлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплади; илк бор Ер шарининг тузилмавий харитасини яратди, йигирма йиллик умрини Ҳиндистон мавзусига бағишлади. Илк асарини йигирма икки ёшида ёзган десак, олим у ҳолда умри давомида ҳар йили учтадан асар ёзган бўлиб чиқади.

Ҳаётининг сўнгги йиллари, бирийўла бир нечта асар бўйича изланаётган кезлар она юрти Хоразмдан Ғазнига вазир ал-Ҳасан келади ва қизи Райҳонага атаб китоб ёзиб беришини сўрайди. Бу ўша – Абу Райҳон Хоразмда бош мироблик вазифасини адо этишга жон-жаҳди билан киришган маҳалда вазир бўлган ва унга бу борада кўмак берган аъён эди. Юртига муҳаббат ва ал-Ҳасанга иззати туфайли Беруний сўралган китобни ёзишга киришади ва тез орада тугаллайди. Дунё олимлари тафаккуридан анча илгарилаб кетган даҳо олим ўсмирлар учун китоб ёзади! Бу ўринда Бе-

рунийнинг нақадар олижаноб, орзуманд киши бўлганини кўраимиз.

Олтмиш бир ёшга кирганида, кечаси шундай туш кўради: қандайдир бир маконда янги ой чиқишини кузатаётган эмиш. Унинг чиқиш жойини излармиш-у, ботиш нуқтаси ҳақида ҳам ўйлар, уни кўролмаслигидан афсусланар ҳам эмиш. Шунда ғойибдан бир овоз “Уни тинч қўй. Сен унинг бир юз етмиш марта ўғлидирсан” дебди. Уйғонгач, дарҳол бу муддатни, яъни бир юз етмиш ойни қуёш йилига ўгиради, ҳосила ўн тўрт йилу икки ой чиқади...

Мангулик сафарига оз фурсат қолган эди. Сафар эса кўп куттирмади...

Эътиқодда собит

Шубҳасиз, Беруний эътиқоди мустаҳкам муслим эди. Унинг иқлимлар, шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги масофаларни ўлчаш, қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракати-га доир ҳисоблари Ер юзининг исталган нуқтасидан туриб Каъбани топишга қаратилган эди. Рубъи маскуннинг деярли барча ҳудудларидан Ҳижозга бориш йўллари-ни аниқлади, бироқ ўзига Каъба зиёрати насиб этмади.

Аллома “Тангри таоло меҳрибондир, шу сабабли, ҳар бир яратиқ ўз яралиш шаклидан розидир. Дунё эса, одам боласининг хизматкоридир. Қайси хожани кўрдингки, хизматкорига хизмат қилсин?” деган ақидада собит эди. Уни умр бўйи “Ҳакимлар тадқиқ қилаётган фан ва билимларнинг мусулмонларга асло кераги йўқ” деган маҳдуд фикр ранжитиб келди.

“Ўз замонамда одамларга қараб кўрдимки, улар нодонлик сиймосида бўлиб,

фазилат соҳибларини душман деб билдилар. Ҳар кимки билим зийнати билан ясанган бўлса, унга озор берадилар, у бечорага ситамлар қиладилар.

Юлдузлар илмини ўрганувчи олимларнинг юлдузлар айланиши ва улар таъсири тўғрисида айтган гапларига ҳамда жаҳон гардишининг ишларини юлдузлардан деб билишларига шоҳидман! Одамлар... илм-фанга қизиқмайдилар, илмга хизмат қилаётганларни ҳам жинлари суймайди. Ҳатто шундай кимсалар борки, илм-фанни мутлақо ёмон кўради, ўз нодонлигига илмни душман деб билади. Ўшалар фаннинг ҳар турига ва билим эшикларини қоқувчиларга динсизлик тошини отадилар. Улар ёмон хулқ эгалари бўлиб, яна ўзларини инсофли-диёнатли санайдилар... улар одамнинг бошқа жониворлардан фарқини билмайди; бу фарқ илм ва билим сабабидан, бундан бошқа нарса туфайли бўлиши мумкин эмас, ахир! Чунки илм бекорчиликдан ўрганадиган шунчаки юмуш эмас, зеро, қайси нарса ундан ҳам фойдалироқ, ундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин?! Дин ва дунёда яхшилик томон тўғри йўл топиш ва ёмонликдан узоқ бўлиш учун илмдан бошқа чора йўқ. Агар илмсизлар бир нарсага қўл урсалар, хато бўлиши ёки бирор нарсадан ўзларича ёмон деб, ундан узоқлашсалар, яхшилик бўлиб чиқиши тайин.

...Ўз фойдасига югурадиган кимсаларнинг у дунёда қийналишига гумоним йўқ. Бу ранжни ўзига олганига сабаб – оддий ибодат, яъни маърифатдан, ҳақ билан ботилни ажратишдан қочганлигидир. Ибодат – яхшилик мояси, жаҳон фаровонлиги-

дир, зеро ҳақиқий одамларгина сидқидилдан шундай ибодат қиладилар.

...Маърифатли кимсалар дунё тўғрисида кўпроқ ўйлайдилар, бу дунё азалдан бор эдими ёки кейинчалик пайдо бўлдими, дея фикр қиладилар. Бу борада ихтилоф қилмаса ҳам, табиатнинг ҳар хиллиги, ундаги оддий нарсаларнинг-да ажойиб экани тўғрисида ўйлайди, шу йўл билан жаҳоннинг тадбирини қилиб турган Зотни, унинг сифатларини танийди. Гумроҳ бандаларга Ул Зотни танитиш йўлида пайғамбарлар ўтган.

Ҳақиқий пайғамбарлар буюқдирлар, лекин ёлғондан пайғамбарман деб даъво қиладиган кишилар одамларни гумроҳликка чорлайди. Сен бундай кишилардан фақатгина сохта пайғамбарман деганларини ёлғончи деб ўйлайсанми? Ўзини билимли қилиб кўрсатадиган, кишиларни чалғитиб, ёлғон манзилларга етаклайдиган қанча киши бор дунёда!" (*"Геодезия", 87-бет*).

Олий мартабали аъёнлардан бири унга "Шаҳарлар ва иқлимлар орасини ўлчаш хазина маблағини беҳуда совуришдан бошқа нарса эмас" дея маломат қилади. Олим бундай жавоб беради: "Сафар қилишдан қолган ва шаҳардан бегона, кўча-кўйларни билмайдиган, бозорларга чиқмайдиган кимса билан шаҳардаги обрўли кимса орасида тафовут жуда каттадирки, у ўз йўлини, керак жойини топиб юради. Борадиган йўлини биладиган мусофир билан, уни билмайдиган кимса орасидаги тафовут ҳам шунга ўхшайди. Йўл топишнинг фойдасини билмайдиган кимсаларга қарата ҳатто нома ташувчи кабутарларнинг озгина билими сабабли ҳам жуда кўп

фойдалар етишини айтгим келади. Ҳар бир инсоннинг, балки ҳар бир жониворнинг аҳамияти уларнинг яхши ишлари билан бўлади. Ҳатто йўлини йўқотган карвонни ўша йўлдан бориб-келиб юрган бир туянинг донолиги кутқаради. Демак, баъзида туянинг билимидан инсон нажот топади" (*Ўша асар, 89-бет*).

Беруний шахсияти яна бир ҳикмат – биргина киши инсоният илмий тафаккурини қанчалар ўзгартира олишининг ёрқин исботидир. Авлодлар уни илоҳий қобилият ато этилган сиймо деб билади. Унинг ўзи эса инсон дунё чалкашликларида чалғимай, қунт билан изланса, ақл бовар қилмас камолотга эриша олиши ҳақида ёзади.

Умри бўйи битта тўн, бир коса сув ва битта нонга қаноат қилган, Шамсулмаолийнинг вазирлик, султон Масъуднинг бир фил кўтара оладиган бойлик таклифини рад этган, инсониятга мамлакатлар хирожига тенг асарлар тўхфа этган Абу Райхон Беруний, ҳаёти мобайнидаги иш ва амалларини сарҳисоб қилар экан, "Мен бу дунёда мукофотсиз, у дунёда ажрсиз қолмасам керак", деб ёзади (*Ўша асар, 91-бет*). Тақдир унга ҳадя этган яна бир ажойибот шу бўлиб чиқди: олам аҳлига қилган беминнат хизматлари, юксак хулқи, нурли шахсияти ва олий фазилатлари туфайли номи шон-шараф солномаларига олтин ҳарфлар билан битилди, даврлар алмашгани сайин янада ёрқинроқ порлайверди. Абадият диёрида эса унга ўзи орзулаган ажру савоблар ҳамроҳ эканига умид қиламиз.



CHIG'ANOQDAGI DUR

ёхуд

Турон ва Ислоннинг илк учрашуви

Турон тарихи Турк хоқонлигидан ўнлаб аср аввалги даврга бориб тақалгани каби ўрта асрларда Ислоннинг қалқонига айланган туркларнинг ушбу динга хизмати ҳам уни қабул қилишларидан олдинроқ бошланган эди.

"Турон" атамаси уч минг йил аввал зардуштийларнинг "Авесто" китобида тилга олинган. Боқий обида яратмоққа бел боғлаган Абулқосим Фирдавсий ўз "Шоҳнома"сида Турон юрти халқини "турклар" деб атади. Маҳмуд Кошғарий қаламига мансуб "Девону луғотит турк" қомусида Турон

салтанати ҳукмдори Алп Эр Тўнга "Шоҳнома"даги Афросиёб билан бир одам экани қайд этилган.

Кейинги даврда ҳам турк хоқонларидан бобурий подшоҳларга қадар бўлган сулолалар, Соҳибқирон Амир Темурдан Абулғозий Баҳодирхонгача бўлган тождорлар, Маҳмуд Кошғарийдан Маҳмудхўжа Беҳбудийгача бўлган шоиру олимлар ўз тили ва миллатини турк деб атади. Шунга кўра ушбу мақолада барча туркий халқларнинг умумий номи сифатида "турк" истилохидан фойдаланилди.

“Сўйласин Афросиёбу...”

XX аср тарихчилари туркларнинг жаҳон саҳнасида чиқишини VI асрнинг ўрталарида тузилган Турк хоқонлиги билан боғласа-да, қадимги манбалар Турон тарихи бир неча минг йил аввалдан бошланганига шохидлик беради.

Туркларнинг аجدодлари бўлган саклар ва хуннлар ҳам Туроннинг соҳиблари эди. Византиялик тарихчи Феофан “Хронография” асарида бунини тасдиқлайди: “Шу вақт биз хуннлар деб атайдиган турклар аланларнинг ери орқали Юстиннинг ҳузурига элчи юборди” (*Theophanes Bizantius. Fragmenta. HGM, Lipsias, 1870, v.I, p.446-449*). Туркларнинг илк элчилик карвони Византияга милодий 558 йилда борган эди.

568 йилда Византиядан турк хоқони ҳузурига элчи бўлиб келган Земарх сафарига бағишланган солномада туркларнинг тили скиф (сак) тили деб аталган.

Хуннларнинг авлоди ва ворисларидан бири Ҳазар хоқонлиги ҳақида Хитой солномаси “Таншу”да “Боси (форс) ва Фолиннинг (Византия) шимолий қўшниси дулгасларнинг (турк) авлоди кэсалар (ҳазар)” деган қайд мавжуд.

Византия манбаларида эса туркларга бундай тавсиф берилди: “Турклар оловни ҳамма нарсадан устун қўядилар, сув ва ҳавони улуғлайдилар, ерга мадҳиялар куйлайдилар, осмон ва ернинг ягона яратувчисига ибодат қилиб, уни Тангри деб атайдилар. Унга от, буқа ва майда ҳайвонларни қурбонлик келтирадилар” (*Феофаннинг “Хронография”сидан*).

Таниқли рус турколог Лев Гумилёвнинг эътирофи-да диққатга молик: “Истами

ва Қора Чурин моҳир саркардагина бўлиб қолмай, истеъдодли ишбошилар ҳам эди. Улар истило этган мамлакатларда “modus vivendi” (мухолиф томонларнинг тинч-отув яшаш ҳақида келишуви – А.Ю.) вужудга келди. Уларга қадар тарқоқ ҳолда яшаб, бор кучини ўзаро урушларга сарфлаган қавмлар тинч ҳаёт ҳузурини татиб кўришди, кўчманчи чорва хўжалигини ривожлантириш имконига эга бўлишди. Буларнинг барчаси кишилар онгида бирлик, яхлитлик тушунчасини ҳосил қилди. Мана шу яхлитлик ўша чоқдан “турк” деб атала бошлади” (*Гумилёв Л. Қадимги турклар. Тошкент, “Фан”, 2007. 163-бем*).

Туркларнинг шуҳрат ва омад қозонгани сабаби нимада деган саволга жавоб берар экан, XII аср муаррихи Фахриддин Муборакшоҳ Марварудий аксар қавмлар киндик қони тўкилган маконда обрўга эга бўлиб, ажнабий элларда эътибордан қолиши, туркларда эса бунинг акси экани, улар ўз чодир ва мамлакатидан қанча олислашса, қудрати ва эътибори шунча ошиши, амиру сипоҳсолар бўлиши ҳақида ёзади. Марварудий ўз фикрини Афросиёбнинг гапи билан қувватлайди: “Турк денгиз чиғаноғи ичидаги дурга ўхшайди: дур ўз маконида қийматга эга бўлмайди, аммо у чиғаноқдан чиқар экан, қиймат касб этади, шоҳлар тожию келинлар қулоғини безайди”.

Жазира узра балқиган ҳилол

Ислом дини ёйилиши арафасида минтақадаги вазиятни таҳлил этсак. Довруқли саркарда Истами Ябғу бошчилигидаги турклар милодий 560 йилда сосонийлар билан иттифоқ бўлиб, Оқ хуннлар (Эф-

талийлар) салтанатини бўлиб олади. Шу тариқа Ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) таваллуд топган 571 йилда Ўрта Осиёни тўлиқ эгаллаб, Туроннинг қадимий шаҳарларини қўлга киритадилар. Турклар ғарбда шимолий Кавказни эгаллаб, Византия билан ҳам қўшни бўлади. Туркларнинг, айниқса, Буюк ипак йўлининг фаол тужжорлари ва дипломатлари бўлган сўғдлар билан бирлашуви Туроннинг янги иқтисодий ва маданий тараққиётига йўл очади. Савдо йўлидаги рақобат Эрон ва Турон ўртасидаги азалий адоватни янгидан қўзғайди. Турклар форсларга қарши иттифоқдош излаб, сўғд элчиси Маниахни Румга юборади.

Ҳидоят пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) Арабистон яриморотидаги элатдошларини муқаддас Ислом ғояси атрофида бирлаштиргач, атрофдаги салтанатлар ҳукмдорларига ҳам мактуб йўллайди. Мактубда Расулulloҳ (с.а.в.) уларни тавҳид динига даъват этади. Манбаларда Рум қайсари Ҳерақл илоҳий даъватга хайрихоҳ бўлса-да, руҳонийлар эътироз билдириб, уни қароридан қайтаргани, Эрон шоҳи эса пайғамбар исми ўз исмидан олдин ёзилгани вазидан кибрланиб мактубни йиртиб ташлагани баён этилган.

Туркларга Расулulloҳ (с.а.в.) нома-си етиб келмаган эди. Аммо улар араб мушриклари каби ўз қўли билан ясаган тошларга, форслар каби оловга топинмас, Тангрига фарзанд ва шерикларни минбаъд раво кўрмас эди.

Милодий VII аср бошларида Европанинг катта қисмида, Осиёнинг ғарбидан марказий минтақаларигача бўлган ҳудудларда

ҳамда Африканинг шимолида Византия (Рум) ва Сосонийлар (Форс) давлати ҳукмронлик қиларди. Икки салтанат ўртасидаги чегаралар тинимсиз муҳорабалар натижасида ўзгариб турарди.

Туроннинг жануби-ғарбдаги қўшниси форслар билан шимоли-ғарбдаги ҳамсо-яси ва ашаддий душмани аварлар ўзаро иттифоқ эди. 628 йилгача давом этган форс-авар иттифоқи Византия империясига кучли таҳдид солиб турган.

Ўз навбатида, Византия ҳам форсларга қарши қудратли иттифоқдош излаётган эди. Шимолдаги антлар, аланлар каби қабилавий тузилмалар мустақам давлат шаклига эга бўлмагани сабаб улар билан келишувлар мунтазамлик касб этмас эди.

Янги илоҳий динни дунёга ёйиш орзусида яшаётган, пайғамбар муждасидан бўлак қувонадиган ҳеч нарсаси: на ҳокимияти, на тарафдори бўлган мусулмонлар ҳамда Ироқ-Шом йўлидаги савдо карвонларининг муҳим манзилгоҳи, бутун арабларнинг муқаддас маъбади саналадиган Каъбага эгалик қилувчи Қурайш мушриклари бу икки салтанат рақобатининг ўртасида эди. Мусулмонлар ва мушриклар урушлар натижасига таъсир этадиган даражада куч-қувватга эга бўлмасалар-да, ўзаро беллашаётган томонларга тарафдорлик қилишарди.



Милодий 613 йил. Ислом нубувватининг бешинчи йили. Рум ва Форс салтанати ўртасида йирик тўқнашув юз беради. Ўша кезлар Форсга Хусрав, Румга Ҳеракл (Ираклий) подшоҳлик қиларди. Фаластин, Сурия, Миср, Ироқнинг бир қисми ва Кичик Осиё Румга тобе эди. Форслар Румга икки томондан ҳужум қилади: Дажла ва Фурот дарёлари бўйлаб Сурияга, Озарбайжон ва Арманистон тарафдан Кичик Осиёга бостириб кирадилар. Форс лашкари Рум қўшинини икки жабҳада ҳам енгиб, денгизгача таъқиб этиб боради. Суриядаги насороларнинг барча муқаддас шаҳарлари эгалланади. 614 йилда бутун Фаластин, жумладан, Қуддус ҳам форслар назоратида ўтади. Уруш давомида ибодатхоналар хароб этилади, минглаб яҳудий ва насоролар қиличдан ўтказилади.

Жанг сурони Мисрга ҳам етиб боради. 616 йилда форслар Нил водийсини ишғол этиб, Искандарияга юриш қилади. Бошқа томондан эса, бутун Кичик Осиёни қўлга киритиб, Рум пойтахти Константинополь остонасига қадар етиб келадилар. Форслар қаерни босиб олса, у ерда оташпарастлик ибодатхонаси қуради, шу йўл билан христианлик ўрнига ўз динини жорий қиларди.

Аламли мағлубиятдан сўнг Рум салтанатига қарашли бир қанча вилоятларда марказий ҳукуматга қарши исён кўтарилди. Африка ва Европадаги ўлкалар, ҳатто пойтахтга яқин баъзи ҳудудлар мустақиллик эълон қилади. Қисқаси, шарқий Рим империяси парчаланиб, лашкар тарқалиб кетади. Император Ҳеракл пойтахтни тарк этиб, Қартажга қочади. Ҳалабадан сархуш

бўлган форслар бир қанча шартларни қўядилар. Рум салтанати рақибнинг барча талабларини сўзсиз қабул қилади ва ўзаро шартнома имзоланади.

Румликларнинг мағлубиятидан хабар топган Макка мушриклари қувониб, “Сиз ва румликлар аҳли китобсиз, биз эса форслар каби аҳли китоб эмасмиз. Бизнинг шерикларимиз сизнинг шерикларингизни енгди, энди биз ҳам сизларни енгамиз”, дейди мусулмонларга. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ҳадис ва ҳаёт” туркумининг 21-жузида ёзишича, ўшанда Оллоҳ таоло “Рум” сурасининг аввалги оятларини нозил қилади: **“1. Алиф. Лаам. Мийм. 2. Рум мағлуб бўлди. 3. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. 4. Саноқли (бизъу) йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Оллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. 5. Оллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳиймдур”**.

Бундай қирғинбаротдан кейин Византиянинг аҳволидан бохабар бўлган хом сут эмган банда “Рум ғолиб бўлажакдир” дейишга журъат эта олмас эди. Буни фақат Қодири якто Оллоҳ айтиши мумкин эди.

Воқеаларнинг давоми улуг муфассир ва тарихчи Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилган ривоятида баён этилган. Ушбу оят нозил бўлганидан кейин мушриклар “Эй Абу Бакр! Сенинг оғайнинг, Рум санокли йилларда Форсдан устун бўлади, демоқда-я?!” деб сўрайди. “Тўғри айтади”, дейди Абу Бакр. Мушриклар гаров таклиф этишади. Етти йил муддатга тўрттадан

туяга гаров ўйнайдилар. Етти йил ўтади, аммо ғалабадан дарак йўқ эди. Бундан мушриклар шодланиб, мусулмонлар маҳзун бўлишади. Абу Бакр Муҳаммаддан (с.а.в.) маслаҳат сўрайди. У зот гаровни зиёда қилиш ва муддатни икки йилга чўзишни тавсия этадилар. Икки йил ўтмай Рум Форс устидан зафар қозонгани хабари келади.

Мусулмонларнинг бу ҳодисадан шодланиши табиий эди. Улар Робби ва Расулининг сўзига шубҳа қилмай, мушриклар билан баҳсга кирган ва гаров орийат масаласига ҳам айланган эди. Мўминлар илоҳий башоратнинг амалга ошишига шубҳа қилмасди, фақат бунга ғайридинлар ҳам ишониши, шу воқеа сабабидан диннинг янада кенг ёйилишини истардилар. Аммо боя таъкидлаганимиздек, мўминларда воқеликни ўзгартириш тугул, унга аралашмоқ учун ҳарбий куч йўқ эди. Образли айтганда, улар мазкур урушлар сели олдида хасдек эди. Хўш, унда илоҳий ҳукми ким ижро қилди? Каломуллоҳнинг башоратини ким рўёбга чиқарди?

Илоҳий мужданинг ижрочилари

Турк хоқонлиги ҳудуди шарқда Тинч океанига ёндош Сариқ денгиздан ғарбда Атлантика океанига туташ Қора денгизгача, шимолий Сибирь кенгликларидан Ҳиндистонгача ёйилган эди. Салтанатнинг шарқий қисмини Улуғ қоғон (хоқон), ғарбий қисмини Ябғу қоғон бошқарарди. Салтанат асосчиси Буминнинг укаси Истами Ябғу ғарбий ўлкаларнинг фотиҳи сифатида ҳукмронлик бошлаган эди. Истами ва унинг ўғли Қора Чуриин ҳокимияти даврида импе-

риянинг ғарбий сарҳадлари кенгайди. Узоқ вақт ҳукм сурган Қора Чуриин ўз улусидан ташқари Шарқий хоқонлик бошқарувида ҳам катта таъсирга эга бўлди.

Қора Чурииннинг ўлиmidан кейин баъзи уквсиз арбоблар даврида салтанат кемаси бир оз чайқалган бўлса-да, унинг набираси Тўнг Ябғу хоқон (618 – 630) ҳокимиятга келиши билан ишлар ўнгланди. Тўнг Ябғу давлат бошқаруви ва дипломатик муносабатлар бобида қобилиятли эди. Янги ҳукмдор Византия ва Сосонийлар ўртасидаги тўқнашувлардан фойдаланиб, Буюк ипак йўли тижоратидан катта даромад олишни кўзлайди.

У ўз салтанати марказида – Чоч (ҳозирги Тошкент) воҳасидан шимолдаги яшил яйловда қароргоҳ барпо этади. Бу ҳудуд шимолдаги кўчманчилар, Хитойда янгидан бўй кўрсатаётган Танг империяси, жанубдаги форслар ва ғарбдаги Византияни назорат қилиш учун стратегик жиҳатдан қулай эди. Ҳукмдор ипак ва зарҳалга бурканган қурви чувач (қуббали чодир) ва олтин тахтада шарқу ғарбдан келган элчи-ялавочларни қабул қиларди.

VII асрнинг иккинчи чорагида хитойлик будда роҳиби Сюан Цзан ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида ов қилиб юрган Тўнг Ябғу хоқон билан кўришади. У ҳукмдорни бундай тасвирлайди: “Хоннинг эғнида яшил атлас тўн, у бўрксиз (бош кийимсиз) эди. Пешонасига танғилган энсиз ипак тасма узун, елкасига тушган сочларини тўзғитмаслик вазифасини ҳам ўтайди. Хонни парчадан чопон кийган икки юз суворий ўраб олган эди. Уларнинг сочлари ўрилган. Бошқа жангчилар туя ва отларга

мини олган бўлиб, кийимлари мўйна ёки газламадан тикилган эди. Узун, байроқчали найзалар, тўғроли ёйлар билан қуролланган эдилар. Жангчилар сон-саноксиз бўлиб, қўшиннинг охири кўринмас эди” (“Қадимги турклар”, 179-бет).

Турк хоқонлиги раияти масрур яшаётган бир паллада Яқин Шарқда вазият чигаллашиб борарди. Азалий рақиблар (Византия ва Сосонийлар) савдо йўлидаги фойданинг асосий улушига эга бўлиш, унумдор экинзор ва баракали яйловларни қўлга киритиш, ўз динини кенг ёйиш орқали ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш каби стратегик мақсадлар йўлида муҳорабани давом эттирар эди. Эроннинг қўли баланд келиб, византияликлар хонумонидан айрилади. Яқин фурсатда Румнинг қўли баланд келиши ҳақидаги илоҳий башоратдан нағолиблар, на мағлубларнинг хабари бор эди...

Воқеалар тадрижини туркларнинг ёрдамига муҳтож ва муштоқ бўлган византияликлар манбасидан ўқиш мантиқлироқ бўлади. Патриарх Никифор “Мухтасар тарих” солномасида ёзишича, 622 йили император Ираклий турк хоқонига элчи юбориб, форсларга қарши иттифоқ тузишга ундайди. Хоқон ҳадяларни қабул қилиб, ҳарбий ёрдам ваъда этади. Ираклий бундан хурсанд бўлиб, унинг ҳузурига йўл олади. Хоқон ўз аъёнлари билан императорга пешвоз чиқади. Ираклий ўзига кўрсатилган юксак иззат-икромдан мамнун бўлиб, тожини ечиб, хоқоннинг бошига кийдиради. Боз устига, иттифоқни мустаҳкамлаш мақсадида қизи Евдокияни турк хоқонига беришга аҳд қилади. Шу тариқа Ираклий турклар билан бир-

га Эронга ҳужум қилиб, шаҳарларни вайрон, оташкадаларни яксон этади (*Nicephori archiepiskopi Constantinopolitani opuscula historica / Ed.C.de Boor. Lipsae, 1880*).

Дастлабки ғалабага қарамай, сосонийлар тамомила енгилмаган, Византия хавфдан батамом фориг бўлмаган, хоқон ҳам кўзлаган мақсадига тўлиқ етмаган эди. Рум солномаларига кўра, 625 йилда Византия императори Ираклий Андрей деган ақлли ва эпчил мулозимини кўп бойликлар ваъдаси билан ҳазарларга (Турк хоқонлигининг вассали) элчи қилиб жўнатади. Кейинги йили Ябғу хоқоннинг ҳарбий кўмагида Агвания ва Атрпатакан эгалланади.

Бу ғалабалар сосонийларни шарқий чегаралар бўйлаб ўраб олиш имконини беради. Эрон билан ипак савдосидаги рақобат туфайли сўғд тижоратчилари Тўнг Ябғу хоқонни Каспий ғарбидаги ҳудудларни эгаллашга ундайди. Турк ўрдуси Дарбанднинг мустаҳкам ва баланд тош деворларини ошиб ўтиб, Гуржистон ва Арманистонни забт этади. Хоқон 627 йилда Тбилиси қалъасини эгаллаб, қолган шаҳарларни забт этиш учун ўғли Бўришадни қолдириб кетар экан, “Агар ҳокимлар ва акобирлар ўғлимни кутиб олиб, тобеликни бўйнига олса, биз ҳам уларга тинч яшаб, бизга хизмат қилишларига изн берамиз”, дея баёнот беради.

Алҳол, турклар Византияни муқаррар ҳалокатдан қутқарди. Қўшнилари кўмагида румликлар мудофаадан жадал ҳужумга ўтди. 628 йилга келиб улар Ктесифон атрофидаги шоҳнинг қасрига ҳам ўт қўядилар. Ғалабадан умидини узган аъёнлар Хусравни тахтдан тушириб дорга осадилар.

Тарих – улғу мураббий, дейдилар. Биз ҳикоя қилган ҳодисалар буюк олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг Лондон музейида сақланаётган яшил нефрит косасига битилган “Карамиди Ҳаққа ниҳоят йўқдур” деган ҳикматини ёдга солади. Илоҳий башоратнинг турклар томонидан рўёбга чиқарилиши ҳам на муслим, на тарсонинг хаёлига келган эди.

Турклар бу омонсиз урушга яккаш моддий манфаат важдан кирган дейиш, бизнингча, тарих ҳақиқатига тўғри келмайди. Муҳорабалардан Буюк ипак йўли тижоратида устунликка эришиш кўзлангани рост. Аммо жанг майдонида жон олиб жон берадиган оддий халқни руҳлантирмоқ учун кучли мафкура ҳам керак эди. Хўш, қандай мафкура эди у? Иккинчи Турк хоқонлигининг атоқли шаҳзодаси ва саркардаси Кул Тегин шарафига қўйилган битиктошдан ушбу парча саволимизга жавоб бўла олади: “Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганида иккисининг орасида киши ўғли (инсоният) яратилган. Инсон болалари устидан (ҳукм юритиш учун) улғу оталари ва уларнинг ворислари ўзларини ер ва осмон ўртасидаги бутун инсониятнинг ҳимоячиси ва ҳукмбардори деб билган, турли қавм-элатларнинг осуда ҳаёти учун ўзини масъул санаган. Турк эрлари дини

таҳқирланган, ўлкаси хароб бўлган, иззати ва номуси топталган одамларни қутқариш мақсадида майдонга чиққан.

Кетма-кет мағлубиятлардан кейин Эронда бошбошдоқликлар даври бошланди. Аркони давлат шоҳларнинг бирини ўлдириб, бошқасига тож кийдиради. Урушлардан тинкаси қуриган Византия ҳам иқтисодий таназзул ёқасида эди. Ҳар икки салтанат ўз ҳудудларини бирин-кетин янги дин, янги маданият ва янги тамаддун олиб келаётган давлатга бўшатиб берди. Мусулмонлар, Ислом пайғамбари башорат қилганидек, Эрон пойтахти Мадоинни, Яман ва Шомни фатҳ этдилар. Шиддат билан кенгайиб борган халифалик давлати тез орада Франция чегараларидан Хитой сарҳадларига, Кавказ тоғларидан Ҳинд воҳаларига қадар ёйилди.

Туркларга келсак, хоқонлик ворислари ислом динини қабул қилибгина қолмай, унинг ишончли ҳимоячисига айланди. Қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, мамлуклар, темурийлар, усмонийлар сингари сулолалар улкан давлатлар барпо этди. Кейинги асрларда турклар Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Форобий, Бурҳониддин Марғиноний, Ал-Хоразмий ва Ибн Сино билан ислом ақидаси, ҳикмати, фалсафаси, ҳуқуқи, риёзати ва табобатига асос солдилар. Аҳмад Ал-Фарғоний – замин, Абу Райҳон Беруний – уммон, Мирзо Улуғбек эса само сирларини очди...



SO'Z QARSHISIDA QO'RQUV

*Yozuvchi Murod MUHAMMAD DO'ST
mutolaa qiladi*

КИТОБ ВА КИТОБИЙЛИК

Луғат титиб билдимки, оғзаки тилда учрамайдиган ёки кам ишлатиладиган сўзларни ёзмада қўллаш “китобийлик” деб аталар экан.

Шаҳри Китобда туғилган шоир ёки олимларнинг тахаллуси сифатида ҳам учрар экан.

Сунъий, ясама, ялтироқ сўзлар ҳам шу жинсдан экан.

Онги атала улус орасида чиройли сўзлаш ҳам китобийлик бўлар экан.

“Романтика” аталмиш кўҳна дарднинг ўзбекча муқобили ҳам айни шу – китобийлик экан.

Менга охирги таъриф кўпроқ ёқди.

Алқисса, умрнинг адоғида, онда-сонда ҳолга яраша сўз битаётган чоғларимда китобийлик деган дардга озгина чап беришни ўргандим.

Аслида китобийлик, аниқроғи – китобларда битилган турли хаёлу орзуларга ортиқча берилиш айб эмас. Хаёлот оғушида юриш мумкин ва кўп мароқли. Лекин бу тарзда яшамоқ қийинроқ.

Кўп орзуларимиз сароб бўлиб чиққанини кўрдик, билдик, азобини чекдик, лекин барибир кўнгил қургур яна ва яна орзу этарга ундайди. Лекин энди, кексалик чоғида, эски оташин ундовлар чўғи сўниб битгандай. Кул тепасида ўзимиз ҳам ижобатига ишонмайдиган тилаклар, ўта жўн, бири биридан ожиз, аммо бирдай нек ва ёруғ тилаклар қолди, холос. Айтайлик, бу кўнгил озулда миллатга ҳам рўшнолик бергин, деган каби...

Албатта, яхши китоб ўқиганда уйғонадиган ҳаяжон, кўнгилни енгил қитқлаб қўядиган титроқ ҳисоб эмас. Йиллар залвари елкадан босиб, кўнгли тошдай қотган одамнинг ҳам (жиллақурса ўзига) ожиз бўлиб кўринмоққа ҳаққи бор.

БОЛА ПИЧИРЛАБ ЎҚИЙДИ

Анча ориф одамлардан болалиқда ўқиган китобларини сўрасангиз, дабдурустдан уятчан бўлқолади, сўнг, гўё бугунги ақли етук одамнинг қачонлардир бола бўлганидан айбсингандек, нечадир китоб номларини қимтиниброқ санайди.

Ҳарҳолда, шунча яшаб Арастунинг “Афлотун билан суҳбатлар”ини гўдаклик кезлари ўқиган одамни учратганим йўқ.

Табиийки, китоблар рўйхати жуда қисқа бўлади (бугунги номаи аъмол ва умуман таржимаи ҳол қаршисида эслашга ҳам арзимаиди, шунчаки зарра, заррадан ҳам забунроқ).

Китобхонлигим китоб ўқишдан эмас, раҳматли отам ўқиб берган турли пайғамбарномаю жангномаларни, узун қиш тунлари сандал атрофида айтилган саноксиз дostonу эртақларни эшитишдан бошланган.

Кейинроқ ҳарф таниб, илк бор сўз тузишни, бир сўзни бошқасига зарб этишни ўргандим. Бурро ўқишдан ҳайратга тушганим йўқ. Энди билсам, ҳайрат дегани жимит бармоқлари ҳарфдан ҳарфга, сўздан сўзга кўчаётган серҳадик боланинг тепасида турган муаллимнинг кўланкасида қолиб кетган экан.

Ҳақиқий ҳайрат кейинроқ – китоб билан ёлғиз қолганимда келди.

Яна эсда асралгани – пичирлаб ўқиганим. Ҳали-ҳануз боланинг пичирлаб ўқишида недир синоат излайман. Балки не азобда тузган сўзларини ҳуркитиб юбормаслик учун баралла овоз чиқармас...

Бугунга қадар сўздан ҳайиқиб, ҳайиқмоқ не – кўрқиб туришимни яна қандай изоҳлашим мумкин?!

ҚЎРҚОҚ КИТОБХОН

Қўлга нима тушса ўшани ўқиганман. Билмасвой, Гулливер, Робинзон Крузо, Алпомишу Гилгамеш, хуллас, “Тоҳир-Зухра, Ёрилтош, / Ойни уялтирган қош”... токи капитан Грантнинг етимчалари қадар...

“Бошсиз чавандоз” ҳақида алоҳида гапирмасам бўлмайди. Негаки, Майн Риднинг қаҳрамонларини бугун ҳам ном-баном санашим мумкин: Кассий Колҳаун, йилкичи Морис, исковуч чол Зеб Стумп, бошсиз чавандоз Ҳенри Пойндекстернинг масъум синглиси Луиза Пойндекстер, испан гўзали Исидора Каварубио де Лос Ланос... Айниқса, охиргиси зўр жарангларди!



Энди англасам, жомлик мишиқи бола ўша кезлардаёқ қишлоғини тарк этиб улгурган экан.

Кейинроқ Жонатан Свифтни ўрнатишда ўқиб, Гулливернинг аслини кўрдим. Баъзида Гулливер ўзбекчага тугал ўгирилмаганмикан, деб ҳам ўйлаб қоламан. Тўғриси, яхшилаб суриштиришга ҳафсала ҳам йўқ. Шунчаки, Гулливер дегани саргузашт роман эмас, балки ирландча зарбулмасал – ҳақиқий сиёсий сатира эканини хийла кечикиб англаганимни тан олмақчиман, холос.

Болалиқдан ўсмирликка кўчсак, Шукур Холмирзаевнинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор?”, Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, “Тилла узук” деган қиссаларини ўқиганимни эсламан. Бу қиссаларни қайтиб қўлга олганим йўқ. Қайта ўқисам ёқмай қолишидан кўрқаман. Такрор мутлаадан кўра, қони энди гупира бошлаган ўспирин китобхоннинг энтиқшларини эслаш ширинроқ туюлади.

Айни одат бора-бора иримга айланишини тасаввур ҳам қилмаганман.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи – тасвир этилмиш муҳит нафасини туйганим билан қадрли. Ўқиганда негадир салбий қаҳрамон – Саидий тарафида турганман. Кейин билсам, Қаҳҳор домла ҳам аслида биз тарафда турган-у, лекин замона талабига қулоқ тутмоққа мажбур бўлган экан...

“Сароб”ни ҳам қайта ўқишдан чўчийман.

“Ўткан кунлар”ни ўсмирликда йиғлаб хатм қилганман. Роман воқеаларини майда тафсилотлари қадар эсламан. Бир вақтлар “Ўткан кунлар” – ўзбек миллий онгининг ажралмас парчасидир”, деб ёзганимдан тонмайман.

Ойбек домланинг “Навоий” романидан бугунги қолипларга кўп-да мос келмайдиган “Қутлуғ қон” романи устунроқ туюлади.

МАВРИДСИЗ ИҚРОР

Йигитлик чоғида китобхонлик расмана дардга айланди. “Китобхўр”, “китоб жинниси” деган иборалар ҳам бўларди. Дардга даво берадиган энг яхши табибларимиз Маҳкам Маҳмудов, Мурод Хидир ва Маҳмуд Саъдий эди. Биз истаб тополмаган неки китоб бўлса – Ҳаммурапи қонунларидан токи Ҳегелнинг “Метафизика”си қадар – шу учовида, жуда бўлмаганда, учовидан бирида албатта топиларди.

Баланд ғурур билан ўта хокисорликнинг гўзал сулҳини шу уч азиз инсоннинг табиатида кўрганман. Учовидан ҳам бирдай қарздорман. Бизга – эгни юпун, қорни оч ва очлиги баробар орзуманд мусофир йигитчаларга вақтида меҳру марҳамат кўрсатгани, ўзлари ночор бўлатуриб қорнимизни тўйғазгани, кўчада қолган чоғларимизда бошпана берганини бот-бот эсламан. Бемаврид бўлса-да шуни айтгим келди...

ДУНЁ АЙВОНИ КЕНГ

Қалам қитирлатиб, ўзимизча “рақиб” излаб, торгина майдон ичида ғимирлаб юрган чоғларимиз айниқса кулгили эди. Янги китобми ёки газет-журналда босилган ҳикоями – барини титкилаб ўқирдик. Чимхўрроқ бўл, вақтингни аягин, нодон, деб айтадиган маслаҳатгўй бўлмагани бугун алам қилади.

Биз йигитликда ҳавас қилган, кейинчалик қадрдон акаларимизга айланган Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовнинг қиссаларини ўқиш нақд байрам эди.

Яна бир акамиз – Неъмат Аминов кейинроқ “Елвизак”ни битгани Бухородан келди.

У кезлар эл суйган адиблар Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодиров давраси биздан анча юксакда эди. Кейинроқ улар билан ҳам танишдик...



Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романи пешдек. Одатда, “Улуғбек хазинаси” кўпроқ мақталади. Муаллиф тарихий асарни ёзатуриб талай манбаларни ўргангани, кўпроқ меҳнат қилгани аниқ. Лекин “Диёнат” романи катта ҳаяжон билан ёзилгани билан устунроқ туюлади. Романда муаллифнинг иссиқ нафаси сезилади.

Раҳматли Одил муаллим ўта ғайратли эди. Табиатида саҳройиларга хос бир жунун, ўжар асовлик бўлардики, қимматли вақтини ёлғон такаллуфларга сарфлаб юрмасди. Ўйлаганини айтар, бировни аяб ўтирмас эди. Шу сабаб, шўровий мафкура дарғалари ёзувчи эски замон вакили – султон Улуғбек ҳақида роман ёзганида ҳам унга дахл қила олмаган, очироғи, кўрққан. Кўтарилган гурзилар бошқа бировнинг – Мирзо Бобур ҳақида роман битган Пиримқул Қодировнинг бошига тушган.

Раҳматли Пиримқул муаллим Одил муаллимнинг акси – ўта жўяли, табиати андак биқик бўлса-да, бирдай юмшоқфеъл ва бирдай тартибли одам эди. Тарихни синчиклаб ўрганди, “Юлдузли тунлар”ни ёзиб, ўзини ўзбек санаган одамлар олқишини олди.

Балки ёшлик ҳаяжони билан ўқилгани учундир, менга Пиримқул Қодировнинг ҳадиксиз, самимият билан ёзилган, бугун салкам унутилган илк романи – “Уч илдиз” азиз бўлиб туюлади.

Эски замонларда яшаб ўтган мумтоз ва муборак зотларга келсак, ҳазрат Навоийни ўқиганман, лекин тузукроқ билмайман. Яхшироқ англашга қурбим етмагани сабаб, устозларимиз Эркин Воҳидов, Азиз Қаюмов, дўстимиз ва устозимиз Иброҳим Ҳаққулнинг суҳбатларига ишқибоз эдим.

Мен учун ҳазрат Навоийнинг буюклиги – Аттор мажозини маҳв этиб, Семурғ васлига интиқ турфа хил қушларни нечадир водийлардан олиб ўтгани ва турфа қушнинг ҳар бирига у н и н г ў з и Семурғ эканини англагани.



Бобурни ҳам кўп ўқиганман, ғазалу рубоийларини ёд олганман, лекин уни ҳам яхши биламан деб айтолмайман. “Бобурнома”ни анча тушуниб мутулаа қилганман. Яна ўқиш ниятим бор. Забардаст шоир, забардаст олим. Иқроор борасида кўрсатган жасорати аскарий жасорати билан баробар инсон.

Аҳмад Яссавий, Лутфий, Сўфи Оллоҳёр – алоҳида дунё. Туркий сўз айтмоқ истаган одам энг аввал булоқ бошида турган шу зотларни билмоғи, иззат қилмоғи керак.

Гулханийнинг “Зарбулмасал”и – кўнгил тўрида асрашга арзигулик асар. Сержило истеҳзо ва шарқона тавозе туфайли захри чандон ошган мазах – ўз йўлига, мени ҳайратга соладиган бошқа жиҳат – муаллифнинг сўзлаш услуби, юзлаб мақолу маталларни санокли саҳифаларга жойлай олгани. Неки ҳол бор – шунга яраша мақол.

Ўришу арқоғида туркий, форсий ва арабий сўз иплари қоришиб кетган, бу кун одамларининг юксак назарига илинмоғи гумон бўлган “Зарбулмасал”нинг нимаси яхши, деган ҳаёлга бораман. Жавобини яна болалик кезларимда қулоққа сингиб қолган оҳангдан топгандай бўламан: р о в и й л а р а н д о қ р и в о я т қ и л и б д у р л а р к и м...

Недир аниқроқ мақсад билан ўрганмаганим сабаб, халқ дostonлари ҳақида кўп гапиришга кучим етмайди. Менга не-не бахшиларни маст қилган муҳташам оҳангларни эслашнинг ўзи етиб-ортади.

“Алпомиш”нинг турли талқинлари, “Гўрўғли” дostonлари туркумидан озмунча хабарим бор. Термалар ҳам, терма орасида келган “қора” сўзлар оҳанги, сўзлаш (айтиш) ритми, сўзларнинг турфа сувратларидан туйган ҳайратим жон чиққуси қадар сўнмаса керак.

Дарвоқе, раҳматли дўстимиз Тоғайнинг, Тоғай Муроднинг кўҳна дostonларимиз қаъридан ўсиб чиққани аниқ. Унинг ёзганида эски, ёддан кўтарилар деган оҳанглар қайта тирилгани ёқади менга. Яъники, тўғри топилган (созланган, деб айтгим келади) оҳанг кучанмай сўзлаш қудратини беради.

ЯНГИ, ЛЕК ЭСКИ МАВЗУЛАР

Мен ёқтирган бир қатор китобларнинг мавзуси битта экан – забунликдан юксакка талпинган, чеккан машаққати боис озмунча бойлик ва шуҳрат қозонган, лекин яна тепадан пастга қулаган одамлар.

Биринчи, ўсмирликда ўқилган китоб – Жек Лондоннинг “Мартин Иден”и.

Иккинчиси – Скотт Фитсджералднинг “Буюк Гэтсби” романи.

Учинчиси – Теодор Драйзернинг “Гений” романи.

Озгина истисно билан бу қаторга Томас Вулфнинг “Взгляни на дом свой, ангел” (ўрисчада ўқиганман, ўзбекча номини тополмадим) романи ҳам қўшса бўлади.

Изласак, тузукроқ эсласак яна топилади.

Дейлик, Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин”, Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” китобларида ҳам уйқаш мавзуни кўрамиз.

Умуман, юксалиб яна қулаган инсон мавзуси ўқувчини муқаррар ром этади.

Миллион бор такрорланиб ҳам сийқаси чиқмаган муҳаббат мавзуси. Ҳоди Тоқтошдан ўтказиб айтиш қийин: “Муҳаббат ул эски нарсадир, ҳар бир қалб уни ёнғорта”. Ўқувчи ўқийди ва ўз ёзиғига қиёс этади. Армонлар бўлиши шубҳасиз. Худди раҳматли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек: *мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман...* Бандаси борки, мударом шу иштибоҳни четлаб ўтолмайди.

*Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат.*

Камбағалнинг алаалоқибат рўшнолик топиши – Нуҳ пайғамбар замонидан бери адабиётни чўктирмай келаётган мавзулардан бири. Озгина моҳирлик бўлса бас, ёзувчи ютқизмайди.

Қувлиги баробар қувноқ муттаҳам мавзуси янада завқлироқ. Энг ибратли исбот учун Николай Гоголнинг “Ўлик жонлар” поэмасини эслаш кифоя.

ҚАРҚАРАЛИК, ҚАЙДАН КЕЛДИНГ ҚОШИМА

...Қайдаги балони солдинг бошим...

Миртемир домланинг шу ва яна юзлаб сатрларини кўп эсламан.

Йигитлик чоғида унинг “Сурат” дostonини ёд билардим. Миртемир домла бизга илк бор ва кейин узлуксиз сўз сеҳру ҳайратини тортиқ этган инсонлардан бири эди.

Миртемир домла ўзбекча сўйлагани, ўзбекча ўйлагани, ёруғ дунёни ўзбекча идрок этгани билан кўнгилга яқин. Қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа туркий қардошларнинг ҳам айтув-айтишувларини мукамал билган, қардошлар оҳангини ўзимизнинг соф ўзбекча оҳангларга бехато пайванд эта олгани билан кўнгилга яқин.



Ўзбекча сўзлаш ва ёзиш ҳақида гап кетаркан, Абдулла Қодирий билан Фафур Ғуломни тилга олмасам гуноҳ бўлади.

Қодирийнинг таҳсинга сазовор “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари эмас, ҳажвий ҳикоялари (ҳатто энг ичида битилган фелъетонлари ҳам) менга катта мактаб бўлган. Адибнинг кичик ҳикоялари – бутунлай бошқа олам. Уларда ёзувчи роман жанрининг қафас янглиғ қоидаларидан буткул озод қиёфада кўринади, ўзбекнинг кўчаларни тўлдириб жанранга сарбаст ва содда тилида сўзлайди, халқона иборалар, киноя, қочирикларни ишлатади, боринги, ўз тилининг жозибасини кўрсатади. Яйраб, ҳузур қилиб ёзгани ҳар бир сатрида зухур этади.



Фафур Фуломнинг насрий асарлари ҳақида ҳам айна шу фикрни айтиш мумкин. Яқинда бир синглимиз “Шум бола” ҳақида гапиратуриб, асарнинг дастлабки қисми қатағон йилларида ёзилганини эслатди, кейин, оммавий қўрқув замонида муаллиф кўнглига шу қадар қувноқ оҳанг қандай сиғди экан, дея савол қўйди. Буни ҳеч ўйламаган эканман. Кўплашиб, балки Фафур Фулом қўрқувдан қочиб, Шум бола саргузаштида паноҳ топгандир, деган хулосага ҳам келдик. Мавҳум, лекин универсал хулоса. У билан асарнинг ўша оғир замонда чала ташлаб қўйилганини ҳам бемалол изоҳласа бўлаверади.

Баъзида “Шум бола” чў-ў-ўзиб ёзилгани яхши бўлган, деб ўйлаб қоламман. 1936 йилдаги Фафур Фулом насрга унчалик бўйин эзмагани аниқ. Лекин 1962 йилдаги Фафур Фулом насрий асар берадиган завқ ашъор завқидан кам эмаслигини билиб улгурган. “Ёдгор”, “Нетай”, “Менинг ўғригина болам”, Насриддин Афанди туркуми... Бири биридан сара асарлар. Лекин “Шум бола” – ҳақиқий шедевр. Унда Шарқ адабиётини чуқур билган донишманд одамнинг кўламли шахси борки, саҳифаларда “Минг бир кеча”, эски жангномалар, асрлар оша халқ ичида яшаб келган қув лати-фалар нафаси сезилади.

“Шум бола” шу қадар халқчил ва севимлики, ҳатто юристлар ҳам уни ўрганади ва тақриз ёзади: “Агар икки қаҳрамонни(нг) (Шум бола билан ошнаси Омон – *М.М.Д.*) психологик криминоген делинквентлик ҳолатини таҳлилга олсак... фақат муҳтожлик – турли криминоген вазиятларга ара-лашиб қолишига сабаб бўлади”.

Иқтибос – реал, уни келтирганим – шунчаки ҳазил.

ОДИЛ БЎЛИШ ҚИЙИН

Жиддий гапга қайтсак, ёзишни ҳунар тутган киши ҳеч қачон одил китобхон бўлолмайди. Қайси китобни ўқиса, унинг қадрини ўзи пеш билган ақида қаричи билан ўлчайди. Турли майл ва истакларидан бир нафас бўлсин узоқлашиб кетолмайди, ўринсиз ишлатилган сўзга қоқилса, бутун-бошли китобни чеккага улоқтириши ҳам мумкин.

Ўзимдан мисол келтирсам, Достоевскийни дастур ва умумий саводу савияни ошириш зарурати боис кўп ўқиганман, лекин ижодига кўнгли қўя олмаганман. Ҳа, албатта, дунёга машҳур улкан ёзувчи, ўз миллатининг кўрки, ғурури. Лекин унинг шахсида ҳам, асарларида – гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона – шовинизм сезилади. Шунинг танга сингдиришим қийин.

Толстойнинг шахсида ҳам, асарларида ҳам кенглик, танглик кўраман. Ўзи иқрор бўлмиш юзлаб гуноҳлари билан, умр бўйи ҳақни излаб чеккан изтироблари билан қўшиб севишга арзийдиган буюк ёзувчи!

Яна бир яхши кўрган, балки энг яхши кўрган ёзувчим – Гоголь. Дардли истеҳзода тенги топилмас адиб. Ундан ўзимга ҳам озгина юққан. Ҳарҳолда, билгичлар шундай дейди.



Кутубхонамда Гоголнинг шўролар замонидан ҳам олдин чоп этилган ўн китобдан иборат тўплами бор. Тўққиз китобнинг муқоваси уринган-у, лекин соғ. Энг кўп ўқилган бўлса керак – “Ўлик жонлар”нинг асл муқоваси сақланмаган, бошқа жўнроқ латта муқова ичига солинган.

Баъзан Гоголни овоз чиқариб ўқийман. Завқланаман, баралла куламан. Неча йиллардир олдин болаларимга ҳам ўқиб бердим. Улар диққат билан эшитди, аммо мен туйган завқни туймади. Афсусландим, лекин хафа бўлиб ўтирмадим. Мен улоқчи от эмасманки, тойларим изимни босса...

Кимдан, қайси ёзувчидан нимани ва қанча ўрганганимни дабдурустан айтишим қийин. Ҳар бир катта ёзувчининг бетакрор услуби бор. Шунга қойил қолиб ўқишнинг ўзи кифоя. Вақтида биз талашиб ўқиган адибларни санаб санаб санаман: Ҳемингуэй, Фолкнер, Ремарк, Акутагава, Тагор, Гарсиа Маркес, Астуриас, Фозил Искандар ва бошқа ва бошқалар...

Узун рўйхатда “Дарвеш ва ўлим” романи муаллифи Меша Селимович ҳам бор эди. Кейинроқ, анча кейин Милорад Павичнинг номи кўшилди.

Ҳар бирига таъриф бермоққа бир банданинг умри етмайди.

Дўстлар билан Мағрибу Машриқ адабиётидан кўп ёзувчиларни ўқидикки, китоб номларининг ўзи кичкина китоб бўлади. Ўқиган ўқимаганга мақтаниб сўзлаган китоблар номи ундан-да бисёр.

Адабиётда недир тузукроқ нарсалар битган тенгдош шоиру ёзувчиларни авлод аташ расм бўлган. Бориники, бошқалар учун авлод ҳам бўлайлик. Ростпараст, сўзпараст, бетгачопар; носирлари анча кибрли, шоирлари ўта бақирок, кейинроқ сал босилиб, онда-сонда тазарру тарафга ҳам юз бурган авлод...

Табиийки, қандайдир мавҳум авлодни ўйламасдик. Нуқул “мен” деб гапирардик. Кейинроқ инсофга келиб, “биз” ёки “ўзимиз” деб гапиришни ҳам ўргандик. Айниқса – “ўзимиз” деган англашма даврага ҳузур бахш этарди.

Бугун даврамиз жисман кичрайган. Лекин тирик юрганлар ҳар гал йиғилганда яна кенгайди – ғойибга кетган дўстлар қайтиб келади...



Zulmatdan nur sari

Курраи заминдаги ҳаёт ниҳоятда мураккаб ва муаммоларга бой, оламнинг сарвари бўлмиш инсон эса ҳеч қачон тубига етиб бўлмас бир буюк мўъжиза ҳисобланади. Ана шу кишилар жамоасидан иборат жамиятнинг шаклланиш жараёнлари, ривожланиш тамойиллари қандай?

Ҳар қандай ижтимоий тузумда давлат тараққиётни таъминлайдиган, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч – илм-фан, таълим, тарбия, маънавиятдир. Жамиятни инсон тафаккури билан бойитади, илм-фан ва таълим эса инсон тафаккурини шакллантиради. Беназир Алишер Навоий сўзлари ила айтганда, “*Ҳар ишқи қилмиш одамизод, / Тафаккур бирла билмиш одамизод*”.

Узоқ тарихга назар ташласак, амин бўламлики, кишилик жамиятининг илк босқичларидаёқ ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш асосида устозликнинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалардан ҳосил бўлган билимлар бойиб бориши натижасида уларни кейинги авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилган. Устоз ва тарбиячилар инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси вакиллари сифатида ажралиб чиқа бошлаган. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши билан орттирилган илм ва хунарни ёшларга ўргатишга киришилган. Сабаби – инсон ўрганган илм-хунари, олган тарбияси туфайлигина ҳаётини давом эттиради, жамиятни ривожлантиради.

“Илм” сўзи ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар асосида бирор ҳодиса ёки нарсанинг моҳиятини билиш, қонуниятини очиш маъносини англатади. Фаннинг қайси соҳасида бўлмасин, дунёнинг сир-синоатларини билиш йўлида камолотга етган

лар “олимлар” деб аталади. Олимларнинг буюкларини эса “мутафаккирлар” деймиз. Абдулла Авлоний илмни бундай тавсифлайди: “Илм инсон учун гоёт олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойна каби кўрсатур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюриб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охирада масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур... Илмнинг фойдаси шу қадар кўпдурки, таъриф қилғон бирлан адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қоронғилигидан қутқарар. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуг ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур” (*Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992. 22-бет*).

Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёнидир. У атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятининг асосий омили ҳисобланади. Тафаккур – кўпгина фан соҳаларининг тадқиқот объекти; ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар унинг маҳсули ҳисобланади. Ғилдирак, олов ҳосил қилиш, ёзув, турли алифболар, металлларга ишлов бериш, буғ ва ички ёнув двигателлари, электр, атом, электроника, компьютер каби тафаккур маҳсули бўлган ўнлаб-юзлаб кашфиётлар одамлар оғирини енгил қилиб келмоқда. Буларни кашф этганлар яшаш жойи, тафаккури, мафкураси, урф-одати, ирқи, жинси, дини, миллати, касб-кори ва бошқа хислатлари билан фарқланиб турса-да, уларнинг илм ва хунардagi хизматларидан Ер юзидаги барча халқлар вакиллари бирдай фойдаланмоқда.

Қадимги Юнонистонда Суқрот, Афлотун, Арасту сингари файласуфлар; Хитойда Конфуций; Марказий Осиёда Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалар фан ва хунарни улкан аҳамиятини эътироф этиб, кенг тарғиб қилганлар. Ал-Хоразмий ҳозирги ўнли санок тизимининг илмий асосларини кашф этиб, ҳисоблаш алгоритми қоидаларини, квадрат тенгламаларни тасниф қилиб фанга киритган. “Ал жабр ва ал муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар қозишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир”, дейди у (*Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, “Фан”, 1983. 78-бет*).

Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида “Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир” деб ёзади (*Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. II жилд. Тошкент, “Фан”, 1965. 125-бет*).

Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолида Арастунинг “Метафизика” китобини қирқ марта ўқигани, ёд бўлиб кетганига қарамай, тушунмаганини эътироф этади. У бир кун китобфурушдан Абу Наср Форобийнинг “Метафизика”га шарҳини сотиб олади ва бир марта ўқигандаёқ юнон мутафаккирининг мақсадини тўғри англайди.

Мирзо Улуғбек нафақат олим, подшоҳ, балки ўз даврида академия яратган маърифатпарвар сифатида ҳам тарихда из қолдирган. Бухородаги мадраса пештоқиға “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ҳадисни ёздириши

ҳам унинг даражасини яққол кўрсатади. Улуғбек академиясида фаолият кўрсатган Жамшид Коший ўзининг “Мифтоҳ ул-ҳисоб” асарида биринчи бўлиб ўнли касрни кашф этиб, амаллар бажаришнинг қоидаларини ишлаб чиқди, шу тариқа математик ҳисобни осонлаштирди.

XVIII – XIX асрларда саноатда туб ўзгаришлар юз бериши туфайли фан тараққиётида янги босқич бошланади. Жеймс Уатт буғ двигателини, Йоханн Гутенберг китоб босишни, Майкл Фарадей электр генераторини, Готтлиб Даймлер ва Карл Бенц ички ёнув двигателини кашф этди.

Афсуски, фан, инсоният тамаддуни равнақиға катта ҳисса қўшган бўлса-да, мафкуралар зиддияти туфайли маълум маънода XIX – XX асрларда икки қарама-қарши қутбга, яъни бунёдкорлик ва вайронкорликка хизмат қила бошлади. Масалан, фан ютуғи ҳисобланмиш пўлатдан одам боласи олий фикрларини ёзувда ифодалайдиган перо ҳам, инсонни ўлдирадиган қуроллар ҳам ясади.

Ўз тафаккури билан Ер юзини обод қилишга, мушкул ишларни осонлаштиришга, тотли-тотли неъматлар яратишга сарфлаётганлар билан бир сафда тафаккур кучини оммавий қирғин қуроллари яшаш, турли зарарли иллатларни ёйишга ишлатаётганлар ҳам бор экани кишини ташвишга солади. Ҳозирги глобаллашув даври халқлар, давлатлар, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашувини тезлаштирмоқда, тараққиёт учун янги имкониятлардан ижодий фойдаланишни тақозо этмоқда. Бундай шароитда ҳар бир фуқаронинг вазифаси мамлакат рақобатбардошлигини кўтаришга ҳисса қўшишдан иборат бўлиши даркор. Бунинг учун тафаккурни ишга солиб, фаол кураш олиб боришга тўғри келади.

Акрам АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди,
доцент

Ziddi zahar izlab

XX аср ўрталаридан ахборот технологияларининг ривожланиши тараққиётнинг янги муаммоларини юзага келтирди. “Ахборот хуружи”, “ахборот учун кураш” шулар сирасига қиради. Бугунги кунда дунёнинг ўнлаб давлати ядро қуролини яра-

тиш устида тажриба ўтказаятган бўлса, юзга яқин мамлакат ахборот хуружларини уюштириш билан шуғулланади.

Ахборот уруши муайян давлатда қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш, одамлар

онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришни кўзлайди. Маълумки, китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, матбуот нашрлари ахборот тарқатишининг асосий воситалари ҳисобланади. Улар инсон дунёқараши ва руҳиятига таъсир ўтказиб, жамоатчилик фикрини ижобий ёки салбий томонга ўзгартиради. Маълумотларга кўра, оммавий аудиторияни жалб қилиш учун радиога 40 йил, телевидениега 14 йил керак бўлган бўлса, Интернет тизими дунё аудиториясини эгаллаши учун 4 йил кифоя қилибди. Дарҳақиқат, интернетда бериладиган пост ёки ёлгон ахборот кишилар руҳиятига жуда тез таъсир қилади. Мисол учун, ёшлар севиб ўйнайдиган айрим онлайн ўйинлар ноҳўя ишларга ундайди, руҳий тушкунликка туширади; оқибатда инсонни ҳатто жонига қасд қилишгача олиб боради.

Ўсмирлик даврида кайфият, ҳис-туйғу ўзгарувчан бўлади. Бу ёшдаги ўқувчилар руҳиятини ўрганиш, уларнинг суицидга мойиллигини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижаларига кўра, 50 фоиз ўқувчиларда депрессиянинг энгил ва ўрта даражадаги ҳолатлари аниқланди ва улар билан коррекция ишлари олиб борилди. Шунингдек, “Бахтли бўлиш учун 100 сабаб”, “Арқон ечиш”, “Мақсад кўйиш” каби тренинглари ўтказилди. Мақсад уларнинг руҳий мувозанатини аниқлаш, ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш ва ҳар қандай муаммонинг ечими борлигини англашдан иборат эди. Бундан ташқари, психологик иммунитетни ошириш учун ўсмирнинг ҳолатига қараб яқка ва гуруҳли суҳбатлар ўтказилди.

Хўш, психологик иммунитет нима? Уни қандай қилиб ошириш мумкин? Ахборот хуружларига қарши психологик иммунитет бу – ҳар қандай маълумотни тўғри деб қабул қилавермаслик, интернет ва ОАВдаги хабарларга кўр-кўрона ишониб кетавермасликдир. Тана иммунитетни жисмоний чиниқиш, психологик иммунитет руҳиятни чиниқтириш орқали кучайтирилади. Одам илмли бўлса, унда ҳар қандай маълумотни анализ-синтез қилиш, ўз муносабатини билдириш, фойдали ёки салбий томонларини кўра олиш салоҳияти шаклланади. Масалан, интернет орқали тақиқланган сайтларга кириб, сохта диндорлар таъсирига тушган айрим ёшларимиз алданиб қолаётгани сир

эмас. Бундай ҳолга тушмаслик учун инсонда билим, тажриба ва ҳаётий сабоқ бўлиши лозим. Кўп илмга, тўғри маълумотга эга инсон эса ахборот хуружларидан ўзини ҳимоя қила олади. Бундай иммунитетни шакллантириш оиладан бошланади. Асосий куч – ота-она, бобо-буви, ўқитувчи-мураббийлардир. Агар оилада болага ёшлигидан тўғри тарбия берилса, нима яхши, нима ёмонлиги тушунтириб борилса, болада ёт ғояларга қарши иммунитет шакллана боради.

Психология илмига кўра, кучли шахсларда организмнинг ҳимоя реакцияси ривожланган бўлади, бу касаллик кўрқуви билан курашишга ёрдам беради. Тадқиқотчилар мана шундай зидди заҳар туфайли инсоният “қоронғи асрлар”дан омон чиқди, деган хулосага келган. Буни яқиндагина кечган пандемияда ҳам кўрдик: кўрқиб ваҳимага тушганларнинг тузалиши қийин бўлди. Хасталикни мардонавор қарши олиб, у билан курашганлар эса соғайиб кетди. Тана соғлиғи руҳий саломатлик билан чамбарчас боғлиқ бўлгани каби психологик ва жисмоний иммунитет ҳам айро бўлиши мумкин эмас. Барча касалликлар ташвиш, асабий чарчоқдан келиб чиқиши анча олдин аниқланган. Психологик иммунитет фикрлаш жараёнини ортиқча ҳиссиётлардан ҳимоя қилади; унинг асосий вазифаси онг остида ҳар қандай муаммони ечиш мумкинлигига ишонччи шакллантиришдир. Буни англаган одам ваҳимадан қутулади; ҳаёт қийинчиликларини совуққонлик билан енғади. Амалиёт кўрсатадики, бундай одамларнинг аксари муваффақиятга эришади. Психологик иммунитетга эга бўлган одам жамият ҳаётига кўпроқ мослашади. Асаб тизимининг ушбу юқори функцияси мавжудлиги аломатлари қуйидагилар: ҳар қандай шароитда эҳтиёткорлик; реакциянинг етарлилиги; стрессга чидамлилиги; турли шароитларга психологик мослашувчанлик.

Психологик ҳимоянинг заифлашуви инсон руҳиятида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бу фикрлашга ҳам, жисмоний ҳолатга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Одам ҳаётдан қониқиш эмас, аксинча, кўрқув ҳисси билан яшайди. Бундай руҳий тушкунликдан қутқариш учун одамни индивидуал ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш концепцияси ишлаб чиқилган.

Ахборот уруши даврида одамларни, айниқса, ёшларни ахборотни саралаб олишга ўргатиш керак. “Тақиқланган ҳудуд қизиқарлидир” деган машҳур ибора бор. Агарда кераксиз ахборотларнинг салбий оқибатлари етарлича тушунтирилмай, “буни кўрма”, “буни эшитма” дейилса, унга бўлган қизиқиш янада кучаяди.

Интернетнинг ижобий жиҳатлари ҳам кўп, албатта. Масалан, маълумотга тез эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот турлари, таълим имкониятлари кабилар. Ҳар қуни турли ижтимоий тармоқларда миллиардлаб инсонлар бир-бири билан виртуал мулоқотга киришмоқда, “YouTube” сингари видеохостинглардан фойдаланмоқда, блогларда ўз фикрини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқда. Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитет тўлиқ шаклланмагани, уларнинг эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишониши назарда тутилса, бу жиддий эҳтибор қаратиш зарур бўлган жараён экани аёнлашади. Ёшлар тарбиясида ислом манбаларидан ижобий фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Қуръони каримнинг “Исро” сурасида “(Эй инсон!) ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)” (*Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент Ислон университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014*) дейилган. Ушбу оят ҳар бир нарсани илмий билишга, билмаган нарсдан четда бўлишга чақиради. Ўзингиз аниқ билмаган нарсага эргашманг, ҳар бир нарсани очиқ-ойдин

ва аниқ билиб олгачгина унга ишонинг ва ҳукм чиқаринг! Демак, гумон ва ноаниқ ишораларга суяниб ҳукм чиқариш мусулмонликка хос эмас. Билганини борица етказиш ҳам омонатдир. Қулоқ нимани эшитса, хиёнат қилмай, ўша гапни аниқ етказиши, кўз ҳам ўз кўрганига хиёнат қилмай, у ҳақда очиқ-ойдин маълумот бериши, дил нимани идрок этса, ўшани англаши керак. “Расулulloҳ (с.а.в.) “Бир кишининг ёлғончи бўлиши учун эшитган нарсасини гапиравериши кифоя қилади”, деганлар.

Хуллас, ахборот – психологик қурол. Ахборот хуружининг олдини олиш учун қуйидагилар талаб этилади: 1) ёшларда ташқи таҳдидлар, бузғунчи таъсирларга тўғри муносабатни, мафкуравий иммунитетни ўз вақтида шакллантириш; 2) глобал ахборот бозорида маҳаллий ОАВ ўрнини ошириш; 3) фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш; 4) психологик-педагогик мазмундаги дастурларни тизимли ёндашув асосида амалга татбиқ этиш; 5) ёшларда касбий, онгли ва ижтимоий фаолият стратегияси, истиқболдаги ҳаётий позицияни шакллантиришга ёрдам берадиган қадриятлар тизимини таркиб топтириш; 6) замон талабларига ҳамоҳанг тарзда маънавий-психологик назария ва усулларни ишлаб чиқиш.

Шунингдек, оилада соғлом ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш, ота-оналарни психологик билим билан қуроллантириш лозим.

Шоира ЭРНАЗАРОВА,

*Республика Мусиқа ва санъат коллежи
директор ўринбосари*

Haq rizoligiga vasila

Жоруллоҳ, Хоразм фаҳри, араблар ва ажалларнинг устози, адиблар каъбаси деб улуғланган буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий бой илмий мероси билан жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган. У Хоразмнинг Замахшар қишлоғида 1075 йил 18 март қуни туғилган. Ҳозирча олимнинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, ислом илмлари, панд-насихат, жуғрофияга оид 73

та асари аниқланган. Замахшарий асарлари илмий аҳамияти боис ўз давридан бошлаб кўплаб нусхаларда кўчирилган ва ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатлари хазиналарида сақланмоқда.

Олимнинг “Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари” (“Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиз вал-хутаб”), “Нозик иборалар” (“Навобиғ ул-қалим”), “Эзгуликлар баҳори ва хабарлар изҳори” (“Раби ул-аброр

ва нусус ул-ахбор”), “Насихатнома” (“Рисалат ун-носиҳа”), “Тасалли бериш ҳақида рисола” (“Рисала фит-таслия”) каби ўғит, панд-насихатга оид асарлари машҳур.

Замахшарий инсонни илм-маърифат, ҳалоллик, доимо рост гапириш, раҳмдил ва саховатли бўлиш, доимо ўзгаларга кўмакка интилишга чақиради. Жумладан, “Атвоқ уз-заҳаб” асарининг 12-мақоласида бундай ёзади: “Сен кўшнилари-рингдан ёрдамнинг аяма, ундан рўзгор буюмларингни қизғанма. Қийналган биродарингга ёрдам кўлини чўзсанг, чанқоқдан ёрилган лабга сув тутгандек, иссиқда қовжираган майсазорга тошқин булоқ сувини очгандек бўласан. Бу хайрнинг энг аълоси ва шарафлисидир. Бу – бардавом бўлишга, бир-бировга тавсия этишга лойиқ феълдир”. Демак, Маҳмуд Замахшарий ҳар қандай қийналган инсонга мурувват ва саховат кўлини чўзиб, унга имкони борича кўмак бериш энг шарафли иш ҳисобланишини таъкидламоқда.

Аллома бошқа бир мақолада саховатпешалик ҳақида қуйидаги ибратни келтиради: “Мардлик – Оллоҳнинг розилигини топишга васила, саховат – олқиш ила ёд этилур фазилат. Дўстлик ва биродарликка фақат саховат аҳлигина лойиқ”.

“Рисалат ун-носиҳа” асарининг 3-мақоласида муаллиф инсонларни, айниқса, зиёли, олимларни кўличиқликка чақиради ҳамда саховатпешанинг илми ҳам, бойлиги ҳам зиёда бўлишига ишора қилади.

Инсонларга саховат қилиш, айна чоқда, яхшилигини миннат қилмасликни уқтиради: “Икки нарса бир дарахтнинг бутоғидир, яъни иккаласи ҳам бир хил: бирор нарса сўраганга берса-ю, аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг саховатини аяб, хасислик қилса. Чунончи Оллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади”, деб ёзади Замахшарий.

Аллома панднома борасида пешқадам бўлган. У инсоний фазилатларнинг барчасига эътибор берган, айниқса, яхшилик, илм аҳлини ҳурмат қилиш, ночорларга ёрдам бериш, кўличиқлик, кўмакка интилишни моҳирона, гўзал услубда тараннум этган. Муаллиф насихатномага оид асарларини адабиётшуносликнинг мукамал ҳамда мураккаб услуби – сажъ, яъни қофияланган наср-

да яратган. Мумтоз адабиётимизнинг кам сонли намояндаларигина бу усулда ёзганлар. “Хайру эзуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқ”, дея таъкидлайди Замахшарий “Навобиғ ул-калим”да. Аллома саховат нафақат инсоннинг ўзига, балки авлодлари саодатига ҳам таъсир кўрсатувчи омилдир дея уқтиради: “Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур, инжу садафга қараганда юқори даражададир”.

Замахшарий давлатмандликнинг асосий белгисини хайр-эҳсонда кўради ва “Бой-бадавлат кишининг фақиру бечорага хайру эҳсондан бошқа фазилати йўқдир”, деб насихат қилади. Шу билан бирга хайру эҳсон, кўмакнинг катта ё кичиги бўлмаслигини таъкидлаб, “Аввал қилиб кетган хайру эзуликларингизга кейин ҳам эзулик кўшаверинг”, дея ўғит беради.

Албатта, фақиру мискинларга берилган садақа, закот молу дунё баракаси ҳисобланади. Хайрия маблағидан фойдаланган инсон ҳам барака топади, ҳам ҳожати раво бўлади.

Аллома хайр-эҳсонда жонбозлик кўрсатиш, эзуликни кечиктирмаслик, айниқса, одамлар бошига қайғу келганида малҳам бўлишга алоҳида урғу беради. “Саховат ишларига астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйдан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошмашошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут”, дейди.

Маҳмуд Замахшарий кимники кўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унга насабининг улўғлиги фойда келтирмас, деган фикрни бот-бот таъкидлайди. Демак, олим инсон бойлиги, мартабаси билан эмас, балки саховати, кўмаги ва яхшиликлари билан ажралиб туришини уқтирмоқда.

Саховат ва мурувват қалбларни ошно этгувчи гўзал инсоний фазилатлар бўлгани боис, инсонлар сахий ва мурувватли кишиларни доим йўқлайди, уларга интилади. Буюк Замахшарий эса асрлар қаъридан ўз асарлари орқали эзгу инсоний фазилатларга ўргатиб келмоқда.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Parvozdagi parilar

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг ҳам маҳобатли, ҳам дастгоҳли асарларида унинг ўзига хос йўналиши ва услуби намоён. Муаллифнинг, айниқса, аёл образи акс этган ижод намуналари томошабинни фикрлашга ундайди. Уларда фалсафий маъно-мазмун, Шарқу Ғарб санъати анъаналарини уйғунлаштирган рассомнинг юксак маҳорати, нозик диди акс этади.

Рассом яратган аёллар образлари орасида энг диққатга сазовори – парвоз қилувчи фаришталардир. Маълумки, атеистик мафкура ўзи зарарли ҳисоблаган диний онгнинг қайта уйғонишидан хавфсираб, шўро санъатида илоҳий китоблардаги образлар яратилишига ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан қараган. Соцреализмнинг онтологик фалсафаси рад этган нариги дунё образлари Ч.Аҳмаров томонидан санъат контекстига оқилана тарзда киритилган.

Мусаввир парвоз қилаётган гўзал фаришталарни тахайюл маҳсули ўлароқ тасвирлаган: Эрам боғида хушбўй атиргуллар орасида ёш йигит-қизлар уднинг сеҳрли овозига жўр бўлиб куйлаётир, сирли мавжудотлар уларга оби ҳаёт ила тўлдирилган биллур қадах узатаётир... Ч.Аҳмаров шохларида еру осмонни кўтариб турган буқа ва кит тасвирланган суратда бахтиёрлик саҳналари – майхўрлик, нозли ястанишлар, парвоздаги илҳом парилари ва хурларни нафис чиқиқларда ифодалайди. Уларни реал ва нариги дунё ўртасидаги чегара рамзларидан бири бўлган “хитой булутлари” устига жойлаштиради. Фаришталар, шу жумладан, мусиқа чалаётган парилар Европа Ренессанси санъатида ҳам, темурийлар даври миниатюра санъатида ҳам кенг қўлланган.

Дастлаб рассом томонидан иконографик вариантлар кўринишида ишланган фариштамисол аёллар образи тобора мураккаб пластик шакллар ва шеърий-фалсафий ассоциацияларга эга бўла борди. Парвоздаги образлар нафақат пластик ёки визуал ечим ҳосиласи, балки инсон ва табиат ўртасидаги фазовий робиталарни англаш ҳиссидан тўғилган. Афсонавий қаҳрамонларни талқин қилишда рассом ижодий тафаккурининг трансцен-

дент ассоциациялар ва ирреал шаклларга бўлган қизиқиши намоён бўлди. XX асрнинг 60 – 70-йилларида яратилган бир қатор дастгоҳ асарларида тасвирланган парвоздаги хилқатлар гоҳ рассомнинг қулоғига пичирлаётган илҳом парилари, гоҳ ноз-неъматларга тўла патнис кўтарган ёки кишанбанд қаҳрамонни чанқоқликдан қутқараётган меҳмондўст париларга айланади. “Чанқоқ” (1970) асарида ташналиқдан жон бераётган қаҳрамонни қутқариш учун осмону фалақдан шиддат билан учиб келаётган пари сиймоси ўзгача таъсирчан талқин этилган. Чингиз Аҳмаров портретини яратган рассом Акмал Икромжонов устозни айнан парвоздаги фаришталар акс этган картинаси фониде тасвирлади. У асар портретнависга Ч.Аҳмаров томонидан совға қилинган.

1980-йилларда Ч.Аҳмаров ижодида ёлғиз парвоз қилаётган соҳибжамоллар туркуми пайдо бўлади. Уларнинг иконографияси рассом томонидан Сочидеги “Ўзбекистон” санаторийси деворларига ишланган. Ушбу деворий суратлардаги фаришталар рамзий маънода йил фаслларини акс эттиради. Бундай асарларнинг иккитасини биз тошкентлик миниатюрочи рассом М.Собировнинг шахсий галереясида топишга муваффақ бўлдик. Уларнинг бирида кўлида қалам ва қаламдон ушлаган (эҳтимол, шеърий париси) қиз парвоз этмоқда. Иккинчисида эса пари рубоб куйига хиром айлаб рақсга тушмоқда. Сарик рангнинг фаол кўлланиши, алоҳида ифодаланган қанотлар, соҳибжамолнинг горизонтал ҳолати, шарқона ўралган узун ва нозик кокилларнинг шаббодада хилпираши картиналарда ўзига хос уйғунлик ҳосил қилган. Москвадаги шахсий тўпلامда сақланаётган яна бир асарда кўлида ингичка бўғизли кўзача ва қадах кўйилган патнис ушлаган қанотли пари тасвирланган.

XX аср бошларида Ғарб санъатида парвоздаги севишганлар образи қаҳрамонларнинг романтик ҳолати рамзи сифатида рассом Марк Шагал ижодининг лейтмотивига айланган эди. Шагалнинг кубизмга хос асарларида одми кийинган ва қанотсиз севишганлар жуфтлиги гоҳ шахару қишлоқлар

узра учса (“Шаҳар узра”, 1918), гоҳ бир тану бир жон бўлиб, алвон маконда муаллақ туради (“Шафақдаги севишганлар”, 1950). Вазнсизлик ҳисси шаҳарнинг прагматик аҳолисига юксак руҳ бағишлайди, кундалик ҳаёт ташвишларини унутишга ёрдам беради.

Парвоздаги севишганларнинг ўзига хос тажассуми Михаил Курзиннинг гротеск услубида ишланган “Эмигрантлар” (1919) асарида ҳам кўзга ташланади. Шагалнинг ошиқ-маъшуклари каби улар ҳам қанотсиз; шундай бўлса-да, денгиз бўйидаги хиёбонда байрамона сайр қилаётган одамлар узра парвоз этмоқда. Орқа фонда пальмалар ва мовий денгиз. Севишганлар ортидан қувлаётган қанотли Амур камондан ишқ ўқларини узмақда...

Ч.Аҳмаров парвоздаги илҳом париларини ярата бошлаган XX аср ўрталарига келиб М.Шагал соцреализм санъатида буржуа формалисти си-

фатида рад этилган, М.Курзин ўз услубидан эрта узоқлашиб, реалистик санъат йўналишига ўтган эди.

Ч.Аҳмаров ижодий бисотида парвоздаги севишганлар йўқ. Унинг дастгоҳли ва маҳобатли композицияларида учаётган фаришталар асосан ёлғиз. Улар рассомнинг ўзига хос ёндашуви, воқеликка ноанъанавий муносабати, муҳим фалсафий ва пластик рамзлари моҳиятини ифода этади. Унинг ижодий оламида эстетик новацияларга бўлган интилиш яққол сезилади. Сираси, мусаввир парвоздаги тимсоллар ёрдамида ҳаётнинг тор қопларидан чиқишга уринган.

Акбар ҲАКИМОВ,
*санъатшунослик фанлари доктори,
академик*

Зилола АСҚАРОВА,
*санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Oliyhimmat ko'ngil armoni

Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қуллуб”да “Умрким вафосиздур, андин умид кўзин ёрутса, бўлмас, маҳбубки, бевафодур, андин жовид висоли тамаъ кутса, бўлмас... (Бу дунёга) умид ила келдим, вале армон била бордим”, дейди. Бутун инсоният ибрат олмаққа молик умргузаронлик қилган, ўздан бой маънавий ва моддий мерос қолдирган буюк даҳонинг бундайин исёнкор даъвоси кишида алланечук ҳайрат уйғотади.

“Насойим ул-муҳаббат”дан олинган куйидаги иқтибосдан шуур янада шиддатли ларзага келади: “Агар Худованди таоло мени беҳишт била дўзах орасида мухайяр қилса (танлаш имкониятини ўзимга берса), мен дўзахни ихтиёр қилурмен. Невчунким, ҳаргиз нафсим муроди била зист қилмайдурмен (яшамайман). Бу ҳолда беҳишт нафс муродидур ва дўзах – Ҳақ муроди”. Бу ерда муаллиф ҳатто жаннатни тилашни ҳам “нафс муроди” деб ҳисоблаб, Ҳақ муроди дўзах бўлса, шунга розилигини билдирапти.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да нафс – ҳавою ҳавас, хомхаёл тарзида шарҳланган: “Фақир айттиким: “Ўзумни итга ташбиҳ қилибмен, касри

нафс жиҳатидин эмас, балки нафсоният туғенидин баён воқеъдур”. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да эса нафс одамийликнинг олий эътимодини, яъни ўзлик, иффат ва ор-номус мезони сифатида эътироф этилган: “Ва қаҳат шиддати бир ерга еттиким, халойиқ бор-йўғин, балки ўз нафсларин егуликка соттилар”.

“Хазойин ул-маоний”дан олинган мана бу байтда “Тангри таоло сени гавҳари пок, яъни энг улуг, чин инсон мақомида яратгани ҳолда нега поклар – диёнатли, ҳалол кишиларга ҳаммаслақ бўлмоқдин ор қиласан?” деган ғоя илгари сурилган: “Сени Ҳақ айлади чун гавҳари пок, / Поклар суҳбатидин айлама бок”.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” рисоласидаги форсий нозмда шоирнинг ушалмаган орзу-истаклари баён қилинган: “Чу бар чарх равшан шавад ҳоли ман, / Ба сад дида гиръяд бар аҳволи ман...” Шоир маснавийсининг ҳозирги ўзбек тилидаги насрий баёнида эса мана бундай сатрлар мавжуд: “Дариго, кўнглум боғида юз очган гулни (яъни маъшукани) ҳажр ҳазони – айрилиқ шамоли юлқиб кетди. Умр бўйи эзгулик уругини экдим,

аммо меҳр самарасини кўрмадим. Қайғули ҳаётимдан воқиф бўлган саодатманд киши шувут бўлган юзини кўзёшлар билан ювгай. Кексалик осойишим ёшлик вақтимдаёқ итқитиб ташланди. Инчунин, занжирбанд шер кишандан қутулди, валеқ қарилиғ машаққатига тутилди”. Мана бу парча ҳам шу асардан: “Ўғил-қиз ўстириб, тарбия қилишдан асл мақсад, фарзанд улғайгач, қариган чоғингда сенга ғамхўрлик қилсин эркан. Йигитликнинг ҳиммати кексайганинда асқатсин эркан. Бу фақирнинг умри иродасизлик ваҳждан сингани кексалик вақтимда йигитлик сафосини туймадим”.

Навоий сафони аслан қалбу ақлни ғубордан аритмоқ, тўла-тўқис покламоқ воситаси сифатида талқин қилади. Шундагина вужуд поклик, холислик, гўзаллик ҳамда хотиржамликка қовушади. Шоир қалбни вужуд мулкининг подшоҳига қиёслайди. Унинг наздида қалб нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар маъводир. Тасаввуфдаги “Дил – назаргоҳи Ҳақ” деган таъриф, “Мўминнинг қалби – Оллоҳнинг арши” нақли; “Ер-осмонга сигмадим, мўминнинг қалбига сигдим” деган ҳадиси кудсий инсон қалбининг илоҳийлиги ва имкониятлари чексизлигидан дарак беради. Бироқ илоҳий таважжух, зикр, фикр ва ибодатлар билангина бу қалб сир-синоат ва имкониятлари юзага чиқади. Тасаввуф аҳли қалб деганда айнан шу руҳоний даражотни назарда тутган. Қалб вужуд кутби бўлибгина қолмай, бунинг акси, зидди, яъни ёлғон, қаллоблик, фириб, нопоклик уяси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Қалбнинг пок ёки нопоклиги кишининг маънавий қиёфасини белгилайди.

“Хазойин ул-маоний”даги турли ғазаллардан олинган куйидаги байтларга диққат қилайлик:

*Агар йўқ одамийлик мендау ёримда, тонг эрмас
Ки, мажнунда кишилик ё парида бўлмас инсонлик.*

* * *

*Бода кўнглумни халос айлади даврон ғамидин,
Гўйи ул ўт била бу қалбга бўлди тахлис.*

* * *

*Бир дирамким, қалб бўлғай, арзимассен, эй кўнгул,
Ҳар неча меҳру вафо бозорида ўзунгни сот.*

“Ҳайрат ул-аброр”да шоир надомат билан “Одамзод нопок сифатлар била эътиқодли бўлолмас, башар қадар ноқисликдан озод бўлолмас” дейди: “Они башар хайлининг инсон бил, / Одамилар одамсин они бил”. Бир ғазалида эса инсон зотини сирдош тутганидан пушмонлик чекади: “Аҳли роз эл олпида одам деса, бўлмас мени, / Менки, ўз розимга маҳрам жинси одам айладим”. Мазмуни: “Сирлар оламидан воқиф кишилар олдида мени одам деб бўлмайди. Чунки мен инсон зотини ўзимга сирдош қилдим”.

“Маҳбуб ул-қуллуб”да эса куйидагиларни ўқиймиз: “Орзу-умидга эришган, айни куч-ғайратга тўлган пайтимда кўнглим мулкида қалам тебратил истаги янада жўш урди. Ижод қилиш билан бирга амирлик, ҳокимлик, беклик мартабасига мушарраф бўлдим. Гоҳ ижро ва маъмурият маҳкамасида зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи даъвогарларнинг арзларини тингладим ва мени зимдан кузатиб турган элга ўзимни бахтиёр кўрсатдим. Гоҳ подшоҳга ўринбосар, ноиблик мақомида салтанат маҳкамасида янги, мақбул тартибларни жорий қилдим. Баъзан сахийлик, олижаноблик, жавонмардлик кўшкени беазаб, улуглар, аъёнлар, мартабали, мансабдор, эътиборли, олий зотларни эҳтиром юзасидан меҳмон қилдим. Гоҳида шодлик, хуррамлик боғида зиёфатлар уюштирдим, соқийлар узатган шаробдан шавқ олдим ва чолғучилар хониши, куйлашдан завқ туйдим. Баъзида, султоннинг ўжарлиги, терслиги тутган чоғда низо, хусумат, уруш-жанжалларни келишиш, ҳамфиқрлик, ҳамроҳлик билан ҳал қилишга эришдим. Гоҳ ўзимни жанг майдонига олдим ва гоҳ хайр-саховат қилувчилар, яхшилар сафига қўшилдим ва ҳар турли хонақоҳ ҳам қасрлар бино қилдим. Шунингдек, саъий ҳаракатларим туфайли (қарвон йўлларида) рабоблар бунёдга келди ва мусофирлар гоят мамнун бўлдилар”.

Навоийни ҳамма ўқийди-ю, ҳар ким ўзича баҳра олади. Ўқиганларингиз улуг шоир ва мутафаккир соҳир қаламидан чиққан сатрлар мағзини чақишга бир уриниш, холос.

Музаффар МИРЗО,
тадқиқотчи

Misli Qaqnus...

Дунё тарихида бир қўлда қилич, бир қўлда қалам тутиб, ҳам сиёсатда, ҳам адабиётда етакчилик мақомини сақлаб келган халқлар унчалик кўп эмас. Шукрки, ўзбек халқи манглайига кўплаб маърифатли ҳукмдорлар битилган. Қилични қаламга бўйсундирган, умрини раиятнинг кўнгил мулкини обод қилишга бағишлаган, ҳақиқий саодат моддий фаровонлик билан эмас, маънавий бойлик туйғули қўлга киритилишини англаган ҳукмдор аждодларимиз дунё тамаддуни тарихида фақат илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидагина эмас, балки унинг фаол яратувчиси сифатида ҳам ўчмас из қолдирганлар. Ана шундай табаррук зотларни эслаганда шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг исми биринчилар қаторида тилга келади.

Бобурнинг инсоният тарихида ёрқин из қолдиришига асосий сабаб – унинг беназир шахсияти. Қисматида кўплаб хатолик ва мағлубиятлар захрини тоттиш, хиёнат ва сотқинликлар гувоҳи бўлиш битилганига қарамай, у ҳар бир муваффақиятсизликдан кейин қўлдан қайта яралган қақнус қўшидек куч-қувватга тўлиб, оловда тобланган пўлатдан-да мустаҳкам ва кескир руҳияти билан дадил одимларди. “Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим”, деб аламини қаламдан олган дарвештабиат шонинг битиклари ёлғон оҳ-воҳдан холи, теран дард ва одамийлик қайғусига тўла сатрлардир.

Сиртдан қараганда, Бобурдек олийнасаб зота ёлғизлик тушунчаси ёт бўлиши керак. Лекин “Бобурнома”ни, муаллифнинг рубобий ғазалларини ўқиган киши инсоннинг ижтимоий мавқеи қанча юксалса, унинг атрофида хушомадгўй ва лаганбардор, манфаатпараст ва ёлғончи, каззоб ва мунофиқ кимсалар кўпайиб боришига иқрор бўлади. Гоҳида камсуқумлик, гоҳида ғурур сабаб ҳақиқий дўсту ёрлар ўзини четга олишидан фойдаланиб, лаҳзада минг рангда турланадиган, ширинзабонлик ва хушомадгўйлик билан иш битирадиганлар дўстлик даъво қила бошлайди.

Инсон хатокордир. Ҳамма вақт ҳам дўстни душмандан ажрата оладиган, умрида бирор марта хато қилмаган киши, бир шоир лутф қилганидек,

ё одам эмас, ё бу оламдан эмас. Муваффақият-ли дамлар сохта дўстлар теграсида бўлиб, омад юз ўгирган кезлар ёлғизланиб қолган Бобур дардкашлик туйғусидан маҳрум кимсаларга қарата бундай дейди:

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.
Мендин неча кўналида ғубори бўлгай,
Кетдим муна, эмди топмагай гардимни.*

Аммо чин дўстларнинг фироқи осон кечмайди. Изтироб, соғинч, иштиёқ, хотиралар кўнгил безовталигини ошириб бораверади. Ҳижрон сўзи бировни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бор-йўқлигига қизиқмаслик, лоқайдлик каби маъноларни билдиради. Ҳижрон оташида ёнган кўнгилнинг шифоси – эски дўстлик ришталарини қайта боғлаш эканини англаган, ёлғизликни дардкаш кишининг суҳбати ва дийдори билан ёнгиш мумкинлигини ҳис этган шоир узоқларда қолиб кетган, аммо руҳият оламида ҳаммиша бир-бирига мадад бўлган дўсту ёрларига хитоб қилади:

*Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмағил бурунги ёрларни.
Сени кўрмай йироқдин зор бўлдим,
Бирар ёд эт йироқдин зорларни.*

Мирзо Бобурнинг маънавий раҳнамоси, шеърият бобидаги увайсий пири – Мир Алишер Навоий ҳам бу дунёдаги энг улуғ иш дўстлик риштасини боғлаш эканини ажойиб тарзда ифодалаган:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душмонлиг,
Ёр ўлуниг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш.*

Дўстлик ҳақида кўп шеърлар битилган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Навоий ё Бобур сатрларичалик таъсир қувватига эга эмас. Назаримда, киши ўзи айтган сўзига қатъиян амал қилмаса, қанчалик жозибали бўлмасин, сўзи ҳам таъсир кучини йўқотади. Бобур шеърларининг қалбга муҳрланиб қолишининг асосий сабаби ҳам шу. Тарихда энг ростгўй подшоҳ сифатида ном қозонган бу темурийзода сўз мулкида ҳам кўнглида кечганини ортиқча безаксиз, борича ифодалаш услубига содиқ қолган.

Юқоридаги ғазалда биз дўст дийдоридан айро қолган нозик қалбнинг нидосини тинглаган бўлсак, шоир бошқа ғазалда муддаоси ҳосил бўлгач, елка ошиб ўтадиган олғирлар, ўткинчи манфаат учун покиза туйғуларни қурбон келтиришга тайёр худбин кимсаларга нафрат изҳор этади.

*Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.
Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.*

Этибор қаратилса, нафрат шукроналик оҳанги билан йўғрилган бўлиб, муаллиф ўз вақтида сохта дўстни танигани учун кўнгилни хуррам тутмоққа ундайди. Ахир, ҳақни ноҳақдан, чинни ёлғондан, асилни қалбакидан ажратишдан улуғроқ саодат борми дунёда?!

Кўнгли хиёнатот сотқинликлардан зада бўлган шоир гоҳида “*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим*”, деб надомат чекса ҳам, барибир эзгулик

тантанасига ишонади. Унинг ақидасига кўра, инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам яхши кишилар билан ёр бўлиш, эзгулик улашиш, хайрли ном қозонишга ҳаракат қилмоғи лозим.

*Бори элга яхшилиг қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.*

Садоқатли дўстни топмоқ учун эса, инсон энг аввало ўзи дўстлик ва садоқат шартларига риоя этиши шарт. Ўшанда жондек вафодор, кўнгилдек сир маҳрами бўла оладиган дўст топа олади. Бу учун эса, ҳар лаҳзаю ҳар соат элга эзгулик улашиш лозим бўлади. Зотан, яхши дўстлар ҳам яхши амалларни бажариш йўлида учрагай. Бобур ушбу ҳаётий ҳақиқатни англаган ва англаган зот эди.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Majlisi humoyun: tarix va tadqiq

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний (1844 – 1910) ўз саройига олим, шоир, табиб, таржимон, хаттот, созандаларни тўплаб, шеърхонлик кечалари ташкил этган.

Маълумотларга қараганда, чор Русияси босқинидан сўнг Муҳаммад Раҳимхон – Феруз тушкунликка тушиб, “хонанишин” бўлиб қолади. Ана шундай кезларда амалдорлар ҳукмдорга шеърият ва мусиқа кечалари ўтказиб, овунишни маслаҳат беради: “Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзидан бошқа кучли ва ёт бир қувватни кўргач, бир хил замонлар мутаассир бўлиб юрди. Ўзини тасалли қилажак ҳеч бир машғулот топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан, мусиқашунос Паҳлавонниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди. Ниҳоят, хоннинг мусиқий базмларини уюштириб, натижада “Хоразм чизиги” (Комил Хоразмий бошчилигида мусиқани ифодалаш учун тузилган нота) майдонга чиқиб, Хоразм мусиқаси хийлагина ривож бўлуб,

халқ орасина интишор этмакка бошлади” (*Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент, “Мерос”, 1991. 257-бет*). Шундан сўнг Муҳаммад Раҳимхон ҳар бир иқтидорли, илмли кишига ғамхўрлик қилиб, саройда илмий суҳбатлар ва мушоиралар уюштира бошлайди (*Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. Тошкент, 2009. 8-бет*).

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ёзишича, “Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан “Феруз” тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кимнинг шеър айтмоқга саҳл қобилияти бўлса, навъи шеърларни айтиб, даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари камбеш қирқга ёвуқ борди”.

Шундай қилиб, узоқ-яқиндан келган шоирлар хон мажлисларини безади. Муҳаммад Ризо Огаҳий “Шоҳид ул-иқбол”да бу ҳақда шундай ёзган: “Ва ул ҳазрат аксар авқот (вақтлар) уламоий

фазилатшиор ва фузалойи фатонатосорга камоли диндорлиғдин беҳиштнамудор мажлисиға йўл бериб, ул жамоа била ҳамсухбат бўлуб, масойили диния ва мабоҳиси яқиния мукомаласи адосидин сўнг таворих ва ғазалиёт китобларин ароға солиб, китобхонлиғ ва маънодонлиғ саҳбойи фараҳафзоси била базми олийсин қиздуруб, айшу тараб додин берур эрди ва шуаройи замон ул ҳазратнинг муборак отиға ғарро қасидалару шавқафзо ғазаллар ва дилкушо таърихлар, ибораторо маснавийлар назм силкига чекиб, инъоми вофир ва эҳсони мутақосириндин маъзузу баҳраманд бўлуб, дуойи давлатин вирди забон ва рутб ул-лосон қилур эрдилар” (*Муҳаммад Ризо Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. Тошкент, “Муҳаррир”, 2009. 34-бет*).

Хоразм адабий муҳитининг йирик вакиллари-дан Комил Хоразмий (1825 – 1899) ҳам адабиёт ва санъат кечаларида мунтазам иштирок этган. У Муҳаммад Раҳимхон назмини Қўқон хони Амирий ва малик уш-шуаро Фазлий шеърятини билан таққослаб, “Агар кўқонлик бу икки шоир тирик бўлганида Феруз шеърларига тасаннолар ўқиб, унинг устунлигини тан олардилар”, деб ёзади.

Хон ҳузурида ташкил этилган мушоираларнинг шуҳрати тўрт томонга ёйилади. “Муҳаммад Раҳимхон II ўз саройи муҳитида давлат ишлари билан шуғулланувчи мансабдорларнинг ҳам бадий ижод қилишларини, маърифатли бўлишларини истаган. Сабаби – у ўз саройи муҳитини темирлийлар даврига, аниқроғи, уларнинг маданий уйғониш замони – Хусайн Бойқаро (1469 – 1506) ҳукмронлиги давридаги Ҳирот муҳитига ўхшашини хоҳлаган” (*Эркинов А. Муҳаммад Раҳимхон II ва унинг саройи адабий муҳити // Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни. Республика илмий анжумани материаллари. Хива, 2011. 104-бет*).

Муҳаммад Раҳимхоннинг укаси Сайид Ҳомид тўра (Комёб) ҳам ҳукмдорнинг суҳбат ва мубоҳасалари, шоир ва мусиқа билимдонлари иштирокида бўлиб ўтадиган адабий кечалар, шеърхонлик мажлислари ҳамда мусиқа базмларида мунтазам иштирок этиб борган. Унинг ўзи ҳам “Таворих ул-хавонин” да: “Умиримиз муддати йигирмага тўлгунча фозил шоирлар, оқил олимлар давраси, мажлисида дониш олиб, китобат ижод сирларини

ни ўргандик” (*Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. Тошкент, “Академия”, 2002. 99-бет*), деб ёзади. Шу адабий муҳитда тарбия топган Комёб шеърини девон тузган, Хоразм тарихига оид “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби тарихий асарлар ва XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар ёзиб қолдирган.

Феруз мажлисларда сарой шоирларига ўзининг 100 ғазалига жавоб ёзишни сўрайди. “Мажмуайи шуаройи Ферузшоҳий” баёзидаги шеърларнинг умумий миқдори 3 минг 99 та ғазалдан иборат: “Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. Ул ҳам ўзини “Табибий” тахаллуси билан мутахаллис этиб, шеър айтмоқ бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб, буюрдилар: “Мунга пайравлик этиб, ғазал айтинлар”. Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлганда маснавий била ул ғазални айтгон ким эркин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобга “Мажмуат уш-шуаро” от қўйилди” (*“Шажарайи Хоразмшоҳий”, 256-бет*).

Бу даврда Табибий сингари хоразмлик шоирлар қўллаб-қувватланиб, баёз ва девонлар тузишга рағбатлантирилгани, шу тариқа бениҳоят кадрлангани Комил Хоразмийнинг бир ғазалида ҳам зикр этилган.

Ферузшоҳ кўп йиллар мобайнида ташкил этилган адабий мажлисларга боғланиб қолади. “Аҳвол шу даражага бориб етадики, хон шеър ёзмаган сарой амалдорини жазолаган. Шеърхонлик кечаларида шеърини мусобақалар уюштирилиб, мақомлар ижро этилган. Бу йиғинларда шоирлардан, айниқса, мусиқа ижрочиларидан юқори даражадаги санъаткорлик маҳорати талаб қилинган” (*Эркинов А. Анъанавий ва модерн муҳитлар қиёси: Комил Хоразмийнинг Тошкентга бағишланган қасидаси // Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро конференция материаллари. Тошкент, “Фан”, 2009. 315-бет*).

Ҳам шоир, ҳам амалдор Комил Хоразмий Ферузнинг адабий кечаларидан илҳомланади ҳамда шоҳ лутфи унинг таъбини гулзор қилганини қайд этиб, йиғинларда ўқилган шеърларни гулга қиёслайди.

Бундан ташқари, Феруз ҳафтанинг душанба ва жума кунлари уламо билан суҳбат қуриб, китобхонлик кечалари ўтказган: “Андоғким, Юсуф ҳожи охунд ва Исмоилхўжа охунд ва Худойберган охунд ва олиму улум маъқул ва манқулда Мулло Муҳаммад Расул ва фақири ҳақир (Баёний) мажлиси ҳумоюнларига ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлиб китобхонлик этар эрдук. Гоҳо домла Муҳаммад Расул била икковимиз кириб, суҳбати ҳумо-

юнларида китобхонлик бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эрдилар”, деб ёзади Баёний “Шажарайи Хоразмшоҳий” да.

Хуллас, Феруз ҳузуридаги шеърят кечаларини Хоразм адабий мажлислар тарихининг олтин даври деб аташ мумкин. Чунки бу йиғинлар ўзбек мумтоз адабиётининг ривожланиши ҳамда етук шоирларнинг шаклланишига хизмат қилган.

Шерхон ҚОРАЕВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Xaloskor g'oya

Рухиятни озиклантириш, маънавиятни оширишда сўз санъатининг ўрни залварли. Адабиёт маълум бир ғояни акс эттиради. Ғоя эса етакловчи хусусиятга эга. Бунда адабиётга у нафас олаётган давр ва макондаги ижтимоий ҳолат ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлиб, у ўз даври руҳиятини, мавжуд тизимга халқнинг муносабатини акс эттиради.

Худди шу каби, ҳар бир даврда юртнинг ижтимоий-сиёсий муҳитига кўра миллий ғоя юзага келади. Айтайлик, Жалолиддин Мангубердиннинг юрагига ўт солган ғоя – эрк ва озодлик бўлса, Соҳибқирон Амир Темури даврида эл-улусни бирлаштириш, “Куч – адолатда” шиори бош ғоя ўлароқ танланди. XIX аср охири – XX аср бошларида эса Туркистонда хурликка эришиш воситаси сифатида маърифат ижтимоий қадрият ва миллий ғоя даражасига кўтарилди. Жадид маърифатпарварлари қарашларида ва албатта адабиётда ушбу ғоя яққол намоён бўлди.

Адабиёт – миллатни асраб қолувчи куч деган фикрни кўтариб чиққан Абдулҳамид Чўлпон ғояларни сўз санъати орқали сингдириш лозимлигини ўқтиради.

“Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб тургон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат (турмуш) йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар ада-

биёт керақдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиёти ўлмагон (бўлмаган) ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиллар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур”, деб ёзади улғу шоир “Адабиёт надир?” мақоласида.

Шунингдек, у халқнинг мазлум, илмсиз экани сабабини адабиётдан йироқликда кўради. “Бизлар эса адабиётдан лаззат олмак бир тарафда турсун, ҳатто боболаримиз ва болхоса Ислом маданияти замонида катта рўл ўйнагон ва аларнинг маишатларин кўрсатган таърих умумийларни ўқуб англамоқдин ҳам кўб йироқ турамыз”, дейди у куюниб.

Шоир “Бузилган ўлкага” шеърини “Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳақи йўқ хўжалар / Нега сени бир кул каби қизганмасдан янчалар? / Нега сенинг қалин товшини кет демайди уларга? / Нега сенинг эркин кўнелинг эрк бермайди кулларга?” дея эркин ва ҳақсиз халқни уйғонишга даъват этса, “Кўнги” шеърини “Кишан кийма, бўйин эзма / Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсан!” деб бонг уради.

Туркистон жадидларининг раҳнамоси, миллий драматургия асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий юрт тараққиётини дунёвий илмларни эгаллашда деб билади. У замонавий мактаблар қуриш орқали мустақилликдан азият чекаётган халқни мустақиллик ғоялари билан қуроллантиришга интилади. Илмсизлик ҳамиша чорасизликни кел-

тириб чиқаради. Аҳолининг маърифий қашшоқ ва турғун ижтимоий ҳолати подшо Русияси учун айна муддао эди. Беҳбудий ўн саккиз ёшида замонавий таълим тизимини жорий қилиш, “усули савтия” мактаби ташкил этиш таклифи билан генерал-губернатор Николай Розенбахга мурожаат қилади. Аммо қониқарли жавоб ололмайди. Шунга қарамай, у Самарқанд, Бухородаги зиёлилар билан учрашиб, янги мактаблар ташкил этишга киришади.

Беҳбудий 1913 йили “Самарқанд” газетасида чоп этилган “Эҳтиёжи миллат” мақоласида “Бошқа миллатларга қаралса кўрилури, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур” (*Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2006. 200-бет*), деб ёзади. Унинг адабий-бадиий асарлари ҳам шу ғояга асосланади. Театрни миллат ҳолини кўрсатувчи кўзгу деб таърифлаган маърифатпарвар “Падаркуш” асарида илмсизлик, жоҳиллик қандай мусибатлар келтиришини қаламга олади.

“Театр – ибратхонадур, театр – ваъзхонадур, театр – таъзир адабидир. Театр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар-қулоқсизлар эшитиб асарланур. Хулоса: театр ваъз ва танбеҳ этгучи ҳамда зарарли одат, урф ва таомилни, қабих ва зарарли аён кўрсатгучидур”, деб ёзади у “Театр надур” мақоласида (*Ўша китоб, 175-бет*).

Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам ҳамфикрлари сингари маорифни ислоҳ қилиш масаласини кўтарар экан, тарбияга алоҳида урғу беради. “Ўзи ҳам тор эди” (*Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. “Маънавият”, Тошкент, 2003. 35-бет*) шеърида миллий ўзликдан айрилиш қанчалар катта фожиа эканига ишора бор. Шеърда баён қилинишича, бир кишининг дўпписи сувга тушиб оқиб кетади. У ҳар қанча югурмасин, дўппини тутолмайди, усти шалаббо бўлгани, қўллари тирналгани қолади. Охири, “Майли, оқиб кетса, ўзи ҳам бошимга тор эди”, дея яланғош қолганини хаспўшлайди. Бу ўринда муаллиф дўп-

писиз қолган киши миллий онгу тафаккурдан ҳам маҳрум бўлади, деган фикрни илгари суради.

Мунаввар қори, шунингдек, таълим ва сабоқда миллий тарбия устувор бўлиши лозимлигини ўқтиради. “Тарбияли бола улугларни иззат ва ҳурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўздан кичикларга шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг қадрини билур. Ўздан рози қилмоққа ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларга ёрдам берур... Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан чиқмас. Ҳар ишда инсофни кўлдан бермас. Бировдан бир яхшилик кўрса, эсидан чиқармас. Қўлидан келмаган ишни устиға олмас. Устиға олган хизматини қилмай қолдирмас. Миллат деган сўзни жонидан ортиқ суяр” (*Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003. 77-бет*), дея ўғит беради улуг маърифатпарвар.

Мухтасар айтганда, жадид ҳаракати вакиллари тараққийпарвар ғояларни аҳоли онгига сингдиришда бадиий адабиётдан кенг фойдаланди.

Адабиёт, биринчидан, маълум бир ғояни ифодалаган ҳолда қудратли кучга айланиши мумкин; иккинчидан, адабиёт ўқувчида муҳаббат ёки нафрат уйғотган ҳолда тарбиявий аҳамият касб этади; учинчидан, глобаллашувнинг миллий қадриятларга хавфи ошаётган ҳозирги даврда адабиёт миллий қадрият ва аъналар, миллий ғурур ва қарашларни авлоддан авлодга етказишга хизмат қилади.

Сир эмас, бадиий асар ўқувчини ўйлантириб, унда маълум бир муносабат шакллантиради. Муносабат шаклланган жойда эса эркин фикр туғилади. Адабиёт эркин фикрлашга ўргатишда ҳам олдинги сафда туради, десак хато бўлмайди. Сўз санъати сийратни, маънавий оламни озиқ билан таъминлайди, ҳиссиётни тарбиялайди, сайқаллайди. Ҳиссиётларсиз эса ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик ҳақида гапириб бўлмайди. Демак, жамият мураккаб синовларни енгиб ўтар экан, адабиёт ҳам миллий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда янгилиниб-такмиллашиб бораверади.

Шахло АҲРОРОВА,

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими

Dostoyevskiyning to'rtinchi jildi

Дунё адабиётида мудқиш жиноятлар содир этган шахсларнинг кўплаб образлари яратилган. Рус адаби Фёдор Достоевский асарларида бундай қаҳрамон кўпинча ижтимоий муҳитнинг нобилиги, ижтимоий адолатсизлик, нотенглик сабабли жиноятга қўл уради. Адиб асарларида криминал қаҳрамонлар ҳар доим ижтимоий-сиёсий муҳит билан чамбарчас боғланган бўлади. Ф.Достоевский талқинига кўра, одам жиноятчи бўлиб туғилмайди; балки нотўғри тарбия, яшаш шароитининг ниҳоятда оғирлиги, ижтимоий адолатсизликлар уни жиноятчиға айлантиради.

Ўзбек адабиётида бир неча детектив асарлар яратган ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат”и ҳам қизиқарли сюжети ҳамда замонавий миллий адабиёт тарихидаги айрича ғояси билан эътиборга молик. Роман мазмун-моҳиятига кўра “Жиноят ва жазо”, “Иблислар”, “Қиморбоз”, “Ака-ука Карамазовлар”га яқин. Жиноят олами вакиллари, изқуварлик мотиви, жинояткор тўдаларни фош қилишдаги тергов-суд саҳналари, сюжет қурилиши билан эса Агата Кристи, Артур Конан Дойл асарлари архитектоникасини эслатади.

“Шайтанат” деган сарлавҳадаёқ романнинг маъно-мақсади акс этган. Тоҳир Малик китобхонларнинг саволига “бу асарни ёзишимга шайтонлар туртки бўлган” қабилда жавоб берган экан. “Сўзининг луғавий маъноси – шайтонлар, шайтон етови таъсирида йўлдан оздиришликни ҳам тушунса бўлади. Бошқачароқ айтсак, шайтонлар бошқарадиган жиноят олами назарда тутилган” (*Т.Малик. Сўнсўз ўрнида // Шайтанат. Тошкент, “Шарқ”, 2019. 624-бет*), деб ёзади муаллиф.

Уюшган жиноий гуруҳ раҳбари Асадбек – ўзбек адабиётидаги янгича образ. Ёзувчи Асадбекни жиноятчилар сардори даражасига кўтарган омил – шўро тузуми эканига урғу берган. У ҳали уч-тўрт яшар гўдаклигида сталинизм қатағони гувоҳи бўлади, икки аскар болакай кўз олдида отасининг қўлига занжир солиб олиб кетади – бу манзара унинг бола хотирасида оғир асорат қол-

диради. Узоқ йиллар одамлар уларнинг оиласини камситиб келади. Аламзада Асадбек кўча безорилари сафига кўшилади. Адолатсиз сиёсат, қамоқхона муҳитининг ваҳшиёна моҳияти унинг катта жиноятчи бўлиб кетишига сабаб бўлади. Ҳали совет тузуми амалда экан, бу романнинг ёзила бошлагани адибнинг жасоратидан далолат беради. “Шайтанат” ғоявий пафоси билан Достоевский асарларига муштарак, яъни матн замирида “асли бош жиноятчи – мавжуд тузумнинг ўзидир” деган ғоя ётади.

Асарда жиноятчилар, изқуварлар, терговчилар, ҳатто собиқ Иттифоқ миқёсидаги мафия олами вакилларида иборат (Козлов, Зелихон, Хонгирей...) сон-саноксиз образлар галереяси мавжуд. Ёзувчи криминал олам вакиллари, шунингдек, уларга қарши курашувчи орган ходимлари маънавий оламини, машаққатли изланишларини (Зоҳид, Маҳмуд, майор Солиев) психологик жиҳатдан чуқур талқин этган. Изқувар Зоҳид жиноятчиларни топиш учун шиддатли курашга киришади. Жиноятлар, изқуварлик саргузаштлари, иккиланишлар, хавотирли, гумонли ҳолатлар тизими ниҳоятда зич ва қизиқарли сюжет ҳалқасини ташкил қилади.

Юқорида “Шайтанат”да беназир Достоевский руҳи сезилиб туришини айтган эдик. Ўзбек адабининг рус адаби асарларидан таъсирланганини роман матни орқали ҳам билиш мумкин. “Шайтанат”да Валя деган қаҳрамон Элчинга Зелихондан элчи бўлиб келади ва “Бир гапни айтиб юборди: охири марта тунаган жойида Достоевскийнинг тўртинчи жилди орасида бир варақ қоғоз бор эди. Унда пул қаерга яширилгани айтилган эди” дейди.

“Достоевскийнинг тўртинчи жилди” – муҳим бадиий деталь. Аслида мазкур ўринда Т.Малик хоҳлаган бир китоб номини қўйиши, ҳатто китобни аниқлаштирмай, бошқа белгиларига кўра (масалан, қизил китоб, муқовасида фалон расми бор китоб) айтиб кетавериши ҳам мумкин эди. Лекин “Достоевскийнинг тўртинчи жилди” деган жум-

ла икки тарихий давр, икки хил миллий адабиёт ўртасидаги рамзий алоқадорликни тасдиқлайди. Демак, мафия вакили – жиноий тўда раҳбарларидан бири ҳам Достоевскийни ўқиган, унга айрича маъно берган. Эҳтимол, нималарнидир ўрганган. Мазкур бадиий деталь ўзбекча детектив асарни жаҳон адабиётининг улуғ ёзувчиси поэтик олами билан бевосита боғлайди.

Асадбек образи барча қарама-қаршиликлари, салбий-ижобий жиҳатлари билан тасвирланган ва ёзувчи шулар орқали образнинг ҳаётийлигини таъминлай олган. Китобхонларнинг “Асадбек ижобий қахрамонми ёки салбийми?” деган саволига Т.Малик бундай жавоб берган: “Асадбек, шубҳасиз, салбий одам. Тўғри, унинг айрим мардликлари ҳам бор. Лекин одам ўлдирган ёки ўлдиришга ҳукм этгувчини яхши киши дея олаемизми? Баъзиларга Асадбек яхши кўрингандай туюлиши ҳам мумкин. Лекин бу, менинча, алдамчи туйғу”.

Жаҳон адабиётининг нодир дурдонасига берилган куйидаги баҳо маълум маънода “Шайтанат” романининг моҳиятини ҳам акс эттира олади: “Достоевскийнинг “Иблислар” романи – огоҳлик асари, рус характерининг мукамал қомуси. XIX аср самодержавиясини ғоят дадил фош этувчи бадиий курол сифатида теран реалистик роман намунасидир” (*Кулешов В. Жизнь и творчество Ф.М.Достоевского. Москва, “Детская литература”, 1989. Стр. 139*).

Ёвузлик ва ёмонликдан огоҳ этиш, инсониятни ҳидоят ва адолатга рағбатлантириш – чинакам адабиётнинг мақсадидир. Бинобарин, “Шайтанат” каби кенг қамровли детектив-криминал роман ҳам шу ниятда яратилган. Т.Маликнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Агар бирон бир асар тарбияга хизмат қилмас экан, ёзувчининг уринишлари зое кетибди деб ҳисоблайман. “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади” деган мақол бор. Шайтонлар оламини ўша қора қозон деб тасаввур қилайлик. Бу қора қозон кўзга кўринмайди. Шундай экан, унга яқинлашиш, қорасини юқтириш хавфи бор”.

Адибнинг “Ҳар қандай жиноятнинг ўқ илдири имонсизликда, жамиятда адолат бўлиши учун аввало жамият аъзоларида имон бўлмоғи шарт”

деган ҳақиқатни ёшларга тушунтиришга уринаман” каби фикрлари асардан кўзда тутилган юксак фалсафий-ахлоқий муддаони очиқ ифода этади.

Ўзбек адиби Л.Толстой ва Ф.Достоевский каби даҳо санъаткорларнинг яна бир тажрибасига эътибор қаратади – улар ўз асарларида Инжил ғояларидан унумли фойдаланганлар. Т.Малик ҳам деярли барча асарларида, жумладан, “Шайтанат”да шу тажрибадан фойдаланди. Аслида бу усул миллий адабиётимизда янгилик эмас. Шарқ адабиётининг Ислом майдонга чиққандан кейин яратилган деярли барча асарлари муқаддас динимиз билан у ёки бу даражада алоқадор. Тоҳир Маликнинг ёзишича, “Ҳаётнинг улуғ фалсафаси, аввало, Оллоҳнинг шу илоҳий китобида (Қуръони карим) мужассам. Баъзи бировлар муқаддас оятлардаги огоҳлантиришларга эътиборсизлиги туфайли адашиб, шайтанат дунёсига кириб қолган. Шарқ адабиётига азалдан Қуръон маёқ бўлиб, ҳақиқат йўлини кўрсатиб келган”. “Шайтанат”да Қуръон суралари, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Сўфи Оллоёр каби мутасаввиф шоирларнинг асарларидан келтирилган кўчирмалар роман фалсафасининг салмоғини оширган.

“Тан олиш керак, Тоҳир Малик ўзбек адабиётини саргузашт унсурлари бадииятнинг ажралмас қисми эканини биринчи бўлиб амалда исбот этган ёзувчидир. Биз шу вақтга қадар бу унсурларни менсимай, унга паст назар билан қараб келдик ва адашганимизни кўриб турибмиз. У чуқур бадиий мушоҳадага хизмат этишини энди инкор қилиб бўлмайди. “Шайтанат” бунга ёрқин далил”, деб ёзади адиб ва адабиётшунос Мурод Мансур (*Асадбеклар фожиаси // Т.Малик. Танланган асарлар. Кўпжилдлик. Тошкент, “Шарқ”, 2019. 646-бет*).

“Шайтанат”га қадар ҳам ўзбек насрида детектив-саргузашт, криминал мотивдаги асарлар бор эди, бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Аммо Тоҳир Малик романи миллий адабиётимизда детектив-криминал мазмундаги жиддий асарлардан бири бўлиб қолмоқда.

Дилбар ХАЛИЛОВА,
ҚарДУ доценти

SUMMARY

The problem of plagiarism: causes and consequences. Round table. pp. 4-21.

In recent years, plagiarism has become widespread as a manifestation of copyright infringement in Uzbek science, literature and art. Plagiarism means the theft of thoughts, ideas, scientific (artistic, musical) works and discoveries. Despite the prohibition of both international law and our national laws, why intellectual property theft is on the rise? The experts who took part in the round table discussion shared their opinions on the causes of the spread of this vice and ways to combat it.

Khurshid Dustmuhammad. Arena of communication: who is ahead? pp. 22-27.

According to the conclusion of medical science, when the fetus in the mother's body turns 3 months old, it begins to transmit information from itself and receive information from outside. And upon arrival in this world, a person breathes as part of the exchange of information until the last second of his life. Accordingly, a person by nature is considered a being who receives information and distributes it. The article analyzes the skills of modern Uzbek society in obtaining information and disseminating information in critical discourse.

Ulugbek Hamdam. The stick that the blind man lost. Why does not humanity learn lessons from wars? pp. 28-35.

Humanity survived two world wars in the 20th century, when blood is still flowing from the wounds of those wars. At the moment, some experts say that “The world is on the verge of the Third World War. A little carelessness can put an end to earthly life.” All mankind knows perfectly well that sanguinary conflicts can destroy villages and cities, and there can be no justification for wars. However, wars occur even in the 21st century, when science is considered the age of enlightenment. So what is the reason for this? When will humanity draw the right conclusions from the mistakes of the past? In his article, the writer Ulugbek Hamdam was looking for answers to such painful questions.


Isajon Sulton. Torch of Beruni’s mind. pp. 84-93.

This year marks the 1050th anniversary of the birth of the great scientist Abu Rayhan Beruni, who made a huge contribution to the civilization of mankind. The works of this scientist in astronomy, mathematics, cartography, meteorology, physics, pharmacology, history, ethnography, philosophy and literature are still being studied all over the world. The article analyzes the importance of the huge scientific heritage left by Beruni, and the role of the scientist in the world science.




Ў
ИНГ,
КАМ
БЎЛМАЙСИЗ!

Абу Райхон Беруний



1050



ВОҚИҒА ҚАЛАМ

- Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.
- Қадимги юнонларда терига хат битиш одати бўлмаган. Суқротдан бу ҳақда сўралганда, “Илми тирик кишилар қалбидан ўлик қўйларнинг терисига кўчирмайман”, деб жавоб берган экан.
- Кимки қавм-қариндоши ортидан ўзига обрў, муқарраблик ахтарса ва ўтган аждодлари билан кибранса, унинг ўзи ўлик, аждодлари эса тирик саналур.
- Асаларилар ўз жинсидан бўлатуриб, бекордан-бекор уядаги болни еб ётадиганларини омон қолдирмайди.
- Бугуннинг чорасин кўриб, эртага эҳтиёж қолдирмаган киши ақлликдир.
- Ёлғончиликка шу қадар ўрганганлар борки, агар улардан ногаҳон “Умрингда бирон марта рост сўзлаганмисан?” деб сўрасангиз, “Рост гапириб қўйишдан қўрқмасам йўқ дер эдим”, деган жавобни эшитасиз.
- Қаламнинг ўчмас битиклари бўлмаганда, халқлар тарихини қаердан билар эдик?!
- Ҳар бир кун учун Ҳақ ва ҳақиқат ҳозирдир.

